



ҶАН ВА ТУРМУШ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ЙИҒИ

Олтовлон ола бўлиб олдирган халқ меники
Гоҳ ичда захар, тилда бол турган халқ меники
Тиғ тортиб ўз отасин ўлдирган халқ меники
Ераб, қай аждодимнинг қўли кир,— деб йиғладим.

Ўзи ўз-ўзагини ўзган лаҳзаларида
Қиблагоҳин гўрини бузган лаҳзаларида,
Фарғонада тўзондай тўзган лаҳзаларида,
Худо, тўзгин элимни бирлаштир, деб йиғладим.

Бирлашмадинг, Қўқону Ўзган бўлдинг, Уш бўлдинг
Фитна пичоқларида талош, лахта тўш бўлдинг
Кув-келин бўлмасдан қўш мазор-а, қўш бўлдинг
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йиғладим.

Бирлашмадинг, кетма-кет бало келди, ўт келди
Тоғдай йигитни солиб, лопиллаб тобут келди.
Сув бўлиб оқдик, кўздан жола келди, хут келди
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йиғладим.

Шукур, бугун озодсен, аммо тарқоқсен, ётсен
Тарқоқми, сен, инон-ки азал-абад барбодсен.
Жўр овоз бўлолмасанг, якка-якка мунг, додсен
Худо, тўзгин элимни бирлаштир деб йиғладим.

Битта муштга айланмай, биз дастмиз ёлғиз-ёлғиз
Ўзим косаси янглиғ, тўлмасмиз ёлғиз-ёлғиз
Турку Турон тиклангай, ўлмасмиз ёлғиз-ёлғиз
Худо тўзгин элимни бирлаштир деб йиғладим.

Ҳаёт бағрорини
сотишмадингни
Она Туркистон





ФАНЛАР ЧОРРАҚАСИДА



Муस्ताқил Узбекистон жумҳуриятининг олимлари эндиликда хориждаги ҳамкасблари билан бевосита илмий ҳамкорлик қилиш имконига эга бўлдилар. Фанлар академияси олимлари АҚШ, Англия, Франция, Хитой, Япония каби илм-фан, техникаси тараққий этган мамлакат олимлари билан яқин алоқаларни ўрнатаётганлиги қувонарлидир.

Яқинда Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Қуёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Қодир ҒУЛОМОВ Францияда бўлиб ўз ҳамкасбларининг Қуёш энергиясидан фойдаланиш борасидаги ютуқлари билан танишиб қайтди.

Икки мамлакатда муस्ताқил равишда бунёд этилган қуёш печи бир-бирига шунчалик ўхшашки, гўё у бир меъмор, бир муҳандис лойиҳаси асосида қурилгандек.

Юқоридаги улкан Қуёш тандири Паркент яқинида салобат тўкиб турибди. Қуйидаги суратлар эса Франциянинг Фон Рамэ шаҳрида бунёд этилган қуёш энергияси асосида ишлайдиган ҳайбатли печлар.

*Илм олмакка интилиш
ҳар бир муслим ва
муслима учун қарзу фарз*
ҲАДИС



1933 йилдан чиқа
БОШЛАГАН
Март — апрель — 1992

**Таъсисчи
Ўзбекистон
Фанлар
академияси**

БОШ МУҲАРРИР:
Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдували АБДУВАҲОБОВ
Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ
Жўра АБДУЛЛАЕВ
Турсун АЗЛАРОВ
Аҳмадали АСҚАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари)
Бўри АҲМЕДОВ
Иброҳимжон ИСКАНДАРОВ
Наби МАЖИДОВ
Ермуҳаммад МУБОРАКОВ
Муҳаббат ОБИДОВА
Уктам ПРАТОВ
Ҳайдар ПУЛАТОВ
Уткир РАСУЛОВ
Асомиддин РАФИҚОВ
Елқин ТЎРАҚУЛОВ
Ҳусниддин УМАРЗОДА
(масъул котиб)
Комил ХОЛМУҲАММАД
(бош муҳаррир ўринбосари)
Мурод ШАРИФХЎЖАЕВ
Мамажон ЭГАМБЕРДИЕВ
Наримон ҲОТАМОВ

БЎЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:
Рустам ОБИД
Оқилхон ОДИЛХОН
Саид МУРОД

МУҲАРРИРЛАР:
Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи
Рустам БОЙТЎРА

*Ассалому алайкум азиз муштарий!
Ойноманинг ушбу сониди*

БОНДАРЕНКО С. Одамзот, коинот ва олий цивилизация	2
ТЎРАЕВ Б. Бошқарилаётган коинот ҳақида ўйлар	2
КАРИМОВ Б., МУТАЛОВ Ш. Навойи ва туркий дунё	5
ХАЙИТОВ Ш., СОБИРОВ Н. Хориждаги ўзбеклар	6
МУҲАММАДЖОНОВ А. Бухоро — «тангри жамоли»	8
ҚАЮМОВ Б. Чўян нималарга қодир!	10
ПРАТОВ У., МАҲМУДОВ В. Қатрон Оролга келди	12
ҲУСНИДДИН УМАРЗОДА Шафқатсиз табиат айирди бизни	14
ҲАДИС	16
Мутолаа сирлари	18
КАРИМОВ Н. Қодирийнинг боши — янги йил совғаси	20
ЖЎРАҚУЛОВ О. Ҳазрати Султон Мирҳайдар: ҳақиқат ва ривоят- лар	24
РАҲМАТУЛЛАЕВ Ҳ. Пётр I нинг армони	26
Нумерология қандай фан!	28
РАҲМАТОВ Б. Тилсимли кеча	30

каби мақолаларни ўқийсиз.

Муаллифларнинг мулоҳазалари ойнома муҳарри-
рияти ва таҳририятининг нуқтан назарига ҳар вақт
ҳам тўғри келвермаслиги мумкин.

МУҲТАРАМ МУШТАРИЙ!

Маълумингизки, ҳозир ҳамма нарсанинг, шу жумладан қоғознинг нархи осмон баравар ошиб кетди. Устига-устак Россиядан фалон пулга олинган қоғозни ташиб келиш йўл ҳақи, матбуот тарқатиш ҳақи, бўёқ ҳақи кескин ортди. Бор имкониятларнинг барини ишга солиб, нечоғли ҳаракат қилмайлик, ойнома нархини оширмасликнинг ҳеч имкони бўлмаяпти.

Шунинг учун бу йил 1 апрелдан эътиборан ойноманинг бир сони обунда 2 сўм, чакана сотувда 3 сўм қилиб белгиланди. Муҳтарам муштарийлар аҳволимизни тўғри тушунадилар деган умиддамиз.

ОДАМЗОТ, КОИНОТ ВА ОЛИЙ ЦИВИЛИЗАЦИЯ

Станислав БОНДАРЕНКО,

фалсафа фанлари номзоди, Курск дорилмуаллимини доценти.

Ҳозирги вақтда олимларда ҳам, аҳолининг кенг қатламида ҳам Коинотнинг пайдо бўлиши, инсониятнинг келиб чиқиши, Ердан ўзга оламлар ва ҳоказо, дунёқарашга оид муҳим муаммоларга нисбатан қизиқиш ниҳоятда ошиб кетди. Бу мавзуларга эътибор кучайишига эса оммавий ахборот воситаларида НУЖ — номаълум учувчи жисмлар, Бермуд учбурчаги, инс-жинслар, полтергейст, экстрасенслар ва шу кабилар тўғрисида узлуксиз берилётган хабарлар оқими сабабчи бўлаётир. Оқибатда эса динда тушунтириб берилган, аммо замонавий илм-фан изоҳлаб бера олмаётган воқеа-ҳодисалар кўпайгандан-кўпайиб бормоқда. Қолаверса, олимларнинг бир қисми шу воқеа-ҳодисаларни умуман инкор қилади.

Мазкур мақоладан мақсад замонавий физика ва физик космология (олам тузилиши) олий цивилизацияга ва унинг ақл бовар қилмас имкониятлари мавжудлигининг бевосита белгиси сифатида изоҳланиши мумкинлигини кўрсатишдан иборат. Олий цивилизация ҳақидаги фараз асосида бизга ғайритабиий бўлиб туюлувчи кўплаб ҳодисалар ва мўъжизалар аслида олий цивилизация фаолиятининг оддий маҳсули бўлиб чиқади, холос.

Замонавий илм-фан, дин ва фалсафада фазо тузилишини икки хил тушуниш вужудга келган. Дастлабки тушунишда коинот (олам ёки фазо) ягоналиги тасдиқланади ва коинотнинг пайдо бўлиши муаммоси турли усулларда ҳал қилинади. Биринчи усулда дин олам (коинот ёки фазо) Худо томонидан яратилган деб билади. Диний онтология (ёхуд космология)нинг асосий муаммоси Худо билан оламнинг ўзаро муносабатларини ўрганишдан иборат. Иккинчи усулда материалистик илм-фан ва фалсафа оламни яратиб ва йўқотиб бўлмаслигига, унинг абадийлиги, вақт ва фазода чексизлиги, ўз-ўзидан ҳаракатланиши ва ўз-ўзидан ташкил этилишига асосланади. Коинот яккаю ягона деб билувчи биринчи қараш фанда танқидга учраган. Иккинчи қарашда эса фазо беҳисоб оламлар ва коинотлардан иборат деб изоҳланади.

Уларнинг барини Худо яратган деб ҳисоблайди дин. Замонавий материалистик фан ва фалсафада оламлар кўплиги концепциясининг тарафдорлари бизнинг Коинотимиз

келиб чиқиши муаммосини турлича изоҳлайди. Квант космологияси жамики коинотлар (жумладан бизники ҳам) манба ва физик субстанция сифатида вакуумдан пайдо бўлган деб ҳисоблайди. Космологияда бирон-бир хил физик субстанция тушунчасини қўллаш муқаррар равишда космологияни боши берк кўчага киритиб, олдига субстанциянинг пайдо бўлиши, хоссалари ва тузилиши, ўзгариши, ривожланиши ва ҳоказолардан иборат бир қатор ва ҳал қилиб бўлмас муаммоларни қўяди. Антроп принцип тарафдорлари эса бизнинг Коинот мавжудлигини ундаги инсон ҳаёти билан боғлашади, гўё инсон туфайлигина Коинот уни қандай кўриб турган бўлсак, шундай эмиш.

Ваҳоланки, Коинотда биздан бошқа онгли мавжудотлар ҳам мавжудлигини ҳозирда инкор этиб бўлмайди, бу эса Коинотнинг пайдо бўлиши муаммосини ҳал қилишда антроп принципини қўллаш мумкин эмаслигини кўрсатади. Аксинча, коинотлар беҳисоб деб билувчи ва замонавий физик космологияда кенг тарқалган концепцияга асосан бизнинг Коинот бошқа коинотдан келиб чиққан деб тахмин қилиш мумкин. Бу борада икки хил йўналишни кўриб чиқайлик. Биринчи ёндошув: бизнинг Коинот бошқа коинотдан табиий равишда ажралиб чиққан бўлиб, табиий фазовий тузилмадир. Ушбу ҳолда замонавий физика ва космологиянинг кибернетик таҳлили муҳим салбий натижа бермоғи лозим. Ҳолбуки салбий натижа йўқ, буни қуйироқда кўриб чиқамиз. Иккинчи ёндошув: бизнинг Коинот бошқа коинотда (ёки бошқа коинотдан) сунъий равишда яратилган. Қолаверса, замонавий физик космологияни фалсафий ва кибернетик жиҳатдан таҳлил этиш бизнинг Коинот бошқарилувчи тузилмадан иборат деган тасаввурга олиб келади. Энди, шуни кўрсатувчи асосий далил-исботларни кўриб чиқайлик.

1. Коинотдаги Катта портлаш. Замонавий физик космологияда Коинот сингуляр ҳолатдан Катта портлаш натижасида вужудга келган, деган тасаввур муқим ўрнашиб қолган. Шундан кейин Коинот шиддат билан кенгая бошлаган деб ҳисобланади.

2. Коинот алгоритми. Замонавий астрофизикада материя Коинотда адрон, лептон, нурланиш ва моддадан иборат

Биз бекиёс ўзгаришлар даврини бошдан кечирмоқдамиз. Ақлу идрокимизга тушов бўлиб келаётган, онгимизга, шууримизга гўбор солиб турган ақидалар бирин-кетин емирилмоқда. Оламнинг мураккаблиги, сирлилиги тобора аниқроқ намоён бўлмоқда. Ҳозирги давр ҳақида қадимги яҳудийлар йилномасида «бутун олам сирларининг: ҳам Коинот, ҳам жамият, ҳам руҳият сирларининг инсонлар қарши-сида юз оча бошлаш давридир» деб ёзилган. Балки бу башорат бежиз айтилмагандир. Шу жиҳатдан С. Бондаренконинг «Одамзот, Коинот ва Олий цивилизация» мақоласи Коинот сирларини очишга бўлган уринишлардан бири деб қаралмоғи лозим.

Мен мақола муаллифи, фалсафа фанлари номзоди, Курск дорилмуаллимининг доценти С. Бондаренкони Коинот сирларига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий анжуманда учратдим. У 1990 йилнинг 27 ноябрида Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) шаҳридаги тарихий Россия

Фанлар академиясининг биносига ўтказилган ўша анжуманда сўзга чиқиб, «Бошқарилувчи Коинот» ҳақидаги дадил илмий фарази билан мажлис ахлининг қизгин мунозарасига сабабчи бўлди:

— «Хўш, метагалактикаларни яратишга олий цивилизацияни нималар мажбур қилади! Авваламбор, экологик муаммолар. Олий цивилизациянинг фаолияти у яшаб турган муҳитни ифлослантиришга олиб келиши шубҳасиз. Бинобарин, у жуда катта миқдорда тўпланиб қолувчи зарарли моддалардан халос бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, олий цивилизация сунъий равишда яратилган метагалактикалардаги модда ҳисобига ўзи яшаётган муҳитни янгилаб туриши зарур. Иккинчидан, олий цивилизация олдидан мураккаб иқтисодий ва аввало қувват муаммолари бўлади. У

қудратли ва турли-туман — физикавий, юмёвий, биологик, руҳий ва бошқа хил қувват манбаларига эга бўлиши керак. Учинчидан, олий цивилизация фан ва техникани узлуксиз ривожлантириши, бунинг учун эса илмий лабораториялар ҳамда хилма-хил тадқиқот объектларига эга бўлмоғи шарт. Бизнинг метагалактикамиз сингари сунъий равишда яратилган ва бошқариладиган метагалактика эса ажойиб илмий лабораториянинг ўзгинаси бўлиб, ҳар томонлама — физик, астрономик, химик, биологик, соцнологик, психологик, лингвистик, кибернетик ва ҳоказо жиҳатлардан тўғри келади.

Замонавий физик космологияда вужудга келган ва бизнинг Коинотни табиий равишда пайдо бўлган фазовий система деб билувчи турғун тасаввур, чамаси,

БОШҚАРИЛАЁТГАН

тўртта ривожланиш босқичига эга деб ажратилади. Ҳар бир босқич кейингисига қатъий равишда ўтиб, материянинг юлдузлар, галактикалар, ҳаёт ва онг пайдо бўлишидан иборат ривожланиш босқичига олиб келади. Кибернетикада бу жараёни бошланғич ҳолат берилиши ва унинг бир босқичдан иккинчисига қатъий равишда ўтишини тахмин қилувчи алгоритм сифатида тавсифлаш мумкин.

3. Коинотнинг инфляцион босқичи. Илк ҳолатида Коинотнинг кескин кенгайиши унга Планк босқичидан рекомбинация босқичига тездан ўтишига имкон берган. Чамаси, айнан инфляцион босқич туфайли Коинот яхлит физик тузилма сифатида сақланиб қолган ва хилма-хил тузилмаларнинг улкан мажмуига айланиб кетмаган.

4. Коинотнинг барион асимметрияси. Бу — Коинотда юлдузлар ва галактикаларни ташкил этувчи модда (протонлар ва нейтронлар)нинг аксилмодда (аксилпротонлар ва аксилнейтронлар) дан кўпчилиги демакдир, юлдузлар ва галактикаларнинг биз кузатаётган тараққиёти шу туфайлидир.

5. Коинотнинг миқдорий ўзгариши. Бу — физика билан космологиядаги ўзаро миқдорий ўзгариш ва нисбатнинг хилма-хиллигидирки, Коинот ривожланиши шунингдек, юлдузлар, галактикалар, Қуёш системаси, Ердаги Ҳаёт ва онг мавжудлиги уларсиз мумкин эмас.

6. Коинотнинг Фридман бўйича геометрияси. Замонавий космологияда Коинотнинг кенгайиши Фридман модели бўйича тавсиф этилади, унинг муҳим хусусияти эса Коинот геометрияси модданинг ўртача зичлигига узлуксиз боғлиқ эканидан иборат.

7. Коинотдаги барқарорлик. Коинотда айрим хоссалар ва алоқалар ҳайратомуз даражада барқарорлиги кузатилади. Чунончи, фазо ҳамда вақтнинг фундаментал хоссалари (ўлчамлиги, узлуксизлиги, бир хиллиги ва ҳоказолар) барқарорлигича қолади. Фазо ҳамда вақт хоссаларининг табиат қонунлари (қувват сақланиши, импульс сақланиши қонунлари ва ҳоказолар) билан муҳим алоқаси сақланиб қолади. Ушбу хоссалар ва алоқаларнинг барқарорлиги Коинотдаги ҳеч қандай тасодиф ёки эҳтимолликларга боғлиқ эмас.

8. Физика ва космологияда ўнлик санок системаси қўл-

ланиши. Риёзиёт нуқтаи назаридан қаралганда жамики санок системалари ўзаро тенг ҳуқуқли ҳисобланади. Бироқ физика ва космологияда мавжуд бўлган беҳад кўп санок системалари орасида биттаси — ўнлик санок системаси устунлик қилади. Яна шу нарса диққатга сазоворки, НУЖ — номаълум учувчи жисмлар билан учрашувларда самовий меҳмонлар одамлар қайси санок системасидан фойдаланиши ҳақида савол беришади. Шарт-шароитга ва суҳбатнинг олдинги қисмига боғлиқ бўлмаган ҳолда берилишига кўра, бу савол аввалдан тайёрланади ва, чамаси, учрашувдаги мақсадлардан бирини ифодалайди.

9. Коинотдаги мақсадга мувофиқлик. Физик ва космологик жараёнларда мақсадга мувофиқлик мавжудлиги тўғрисида файласуфлар, физиклар ва космологлар бир неча бор таъкидлаб ўтишган.

10. Коинотдаги фавқулудда қонунийлик. Замонавий фундаментал физикада кўплаб фавқулудда принциплар (энг кам ҳаракат принципи ва ҳоказо)дан фойдаланиладики, уларнинг табиати ҳанузгача номаълум. Физика ва космологияда фавқулудда принциплардан ялписига фойдаланиш мумкинлигига ишонч мавжуд.

Башарти олий цивилизациялар мавжуд деб тахмин қилсак, юқорида санаб ўтилган барча омиллар ягона изоҳга эга бўлади. Тўғри, олий цивилизация қандайлигини тасаввур этиш осон эмас, махсус тадқиқотлар олиб бориш талаб этилади. Бунинг учун авваламбор Коинотнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши силсиласини олий цивилизация тўғрисидаги фаразга асосланган ҳолда баён қилиб кўрайлик.

Бошқа коинотда улкан ва қудратли олий цивилизация узок, балки миллиард йиллардан буён мавжуд бўлиб, шиддат билан ривожланмоқда. Иқтисодий, илмий ва экологик муаммолар олий цивилизацияни сунъий ва бошқарилувчи коинотлар ёки метagalaktikaлар яратишга ундайди. Бизнинг Метagalaktika — олий цивилизация яратган метagalaktikaлардан фақат биттаси, холос. Метagalaktika ва инсоният олий цивилизацияга ҳозирга, кераклиги кўриниб турибди. Шу боис ҳам олий цивилизация инсониятни ўз таъсири бўйича тарбиялашга уринапти. Чамаси Библия, Қуръон ва бошқа муқаддас китоблар коинот билан алоҳида қатнашиб олий цивилизация таъсирини ўз бошидан кечирган пайғамбарлар орқали юборилган.

Олий цивилизация тўғрисидаги мазкур фараз олам ягоналиги концепциясига ҳам мос келади, фақат бунда бошқачароқ баён этилиши лозим.



Фалсафий мушоҳадалар

КОИНОТ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Бахтиёр ТУРАЕВ,
фалсафа фанлари номзоди.

далил-исботга муҳтож. Аслида эса бизнинг Коинот олий цивилизация томонидан яратилган ва бошқариладиган улкан фазовий комплекс таркибига кирувчи ўзига хос техник система бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Башарти ҳақиқатан шундай бўлиб чиқса, бундан бир қатор хулосаларга келиш мумкин. Бу ҳолда, биринчидан, бизнинг Метagalaktikани бошқариш маркази бўлиши ва жамики ахборот ўша ерда тўпланиши керак. Иккинчидан, шу марказнинг раҳбари бўлиши лозим. Учинчидан, бошқарув марказининг ходимлари Метagalaktикада юз бераётган хилма-хил жараёнларни бевосита кузатиб боришлари, цивилизациялар ҳаётини тўғридан-тўғри кузатишлари даркор. Тўртинчидан, ўнлик санок системасига асосланган олий компьютер бўлиши ва Метagalaktika ягона марказ-

дан туриб унинг ёрдамида бошқарилиши керак. Чамаси, марказ раҳбарига ниҳоятда катта ваколат, жумладан, Метagalaktикадаги цивилизацияларни лозим топса йўқотиб юбориш ҳуқуқи берилган. Бинобарин, бошқарув марказининг раҳбари биз одамлар учун Худо, яъни шахс ҳисобланади. Кенг маънода Худони бутун олий цивилизация деб ҳам тушуниш мумкин. Одамлар Худодан қўриқилари, унинг меҳр-муҳаббати ва паноҳига сазовор бўлишга интилишлари лозим, яъни инсониятнинг тақдири Худонинг иродасига боғлиқ. Олий цивилизация тўғрисидаги фараз кейинги вақтда кўп гапирилаётган сирли фазовий онининг табиатини аниқроқ тушунишга имкон беради.

Олий цивилизациянинг ахлоқ-одоби нима керак-у, нима керакмаслигига асос-

ланган: олий цивилизацияга керак бўлган, унинг ривожланиш дастурига мос келадиган нарсалар сақлаб қолинади ва, аксинча, ривожланиш дастурини амалга оширишга ҳалақит берувчи барча нарса беаёвлик билан, шафқатсизларча йўқотиб ташланади. Бизнинг Метagalaktika олий цивилизация учун қандайдир мақсадларни [бу мақсадларни аниқ билолмаймиз] кўзлаб яратилган ҳамда тугатилиши ва бошқасига алмаштирилиши мумкин бўлган оддий бир техник система, холос. Метagalaktika ва инсоният олий цивилизацияга ҳозирча кераклиги кўриниб турибди. Шу боис ҳам олий цивилизация инсониятни ўз дастури бўйича тарбиялашга уринапти. Чамаси, Библия, Қуръон ва бошқа муқаддас китоблар коинот билан алоҳида қатнашган пайғамбарлар орқали юборилган».



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов муҳим давлат ишларидан бўш вақтида фуқаролар билан учрашиб халқнинг ҳол аҳволидан хабардор бўлиб туради.

74 йиллик большевизм асорати ва зулмидан озод бўлиб истиқлолга эришган Ўзбекистоннинг қонуний Президенти Ислом Каримовнинг сайи ҳаракати туйғайли қисқа давр ичида оламжаҳон ишлар амалга оширилдики, халқимиз ҳали бундай улкан ўзгаришларни кўрмаган. БМТ ва 90 дан зиёд хорижий давлатларнинг Ўзбекистонни тан олганлиги — бу мамлакатимизни жаҳон эътироф этганлигидан далолатдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва у бошлиқ ҳукумат бозор иқтисодиётининг мураккаб шароитида ўз фуқароларининг турмушини энгиллаштириш борасида беҳисоб ва беназир ишларни амалга оширмақдаки бунга шукур қилмаслик мусулмончиликка тўғри келмас.

Энг қувонарлиси шуки, кейинги бир-икки йил давомида тилимиз, дилимиз, имонимиз, маданиятимиз қад кўтармоқда, мафкурамиз большевизм зуғумидан, марксизм-ленинизм ғоясининг кишанларидан озод бўлиб, миллий руҳда шаклланмоқда.

Яна бир эзгулик шундаки, миллий истиқлол туйғайли узоқ йиллар қатагон қилинган Қуръони каримни, Ҳадиси шарифни ўқиш насиб этди, наврўз, ҳайит, рўза каби анъаналаримиз тикланди, миллий байрам, тантана сифатида халқ шодийнасига айланмоқда.

Мана юртимизга Наврўз кириб келди, Наврўзимизга тинчлик ва тўқинлик сари бошлаган йўлимиз раvon ва чарогон бўлсин. НАВРЎЗ МУБОРАК БЎЛСИН, ОНА ЎЗБЕГИМ!

ма ривожланишига, бинобарин, фаровон бўлишга бу академия ўзининг ҳиссасини қўшишдан умидвормиз. Яқинда академиянинг умумий йиғилиши бўлиб, унда фахрий аъзолар, ҳақиқий (академик) ва мухбир аъзолар сайландилар.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг умумий йиғилишида Шукр Иброҳимов, Шукрулло Йўлдошев шу академиянинг вице-президентлари этиб, Александр Цамутали бош илмий котиб этиб, Рафиқ Матчонов, Фаварис Қаюмов, Куденбой Қорибоев, Николай Беспалов тармоқ академияларининг илмий котиблари этиб сайландилар.

Ойнома таҳририяти ва муҳарририяти юқорида номлари тилга олинган олимларимизни бундай юксак унvon билан қалбан муборабкод этади, уларнинг жумҳуриятимизда қишлоқ хўжалиги илминин юксалтириш борасидаги илмий натижаларига баракот тилайди.

ЯНА БИР АКАДЕМИЯ

Жумҳуриятимизда академиялар сафи тобора кенгайиб борапти. Жумҳурият Фанлар академияси қаторига. Талабалар академияси, Қадриятлар халқ академияси ва Қишлоқ хўжалик фанлари академияси қўшилди.

Тўғри, 1957 йили жумҳуриятимизга Нуриддин Мухиддинов раҳбарлик қилган даврда Қишлоқ хўжалик фанлари академияси барпо этилган эди. Унга машҳур ботаник олим Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Қодир Зокиров президентлик қилган. 60-йилларнинг бошларида тугатилган бу академия яқинда яна тикланди. Уни атоқли биолог олим Абдували Имомалиев бошқаряпти. Жумҳуриятимиз қишлоқ хўжалигининг ҳар томонла-

С. Бондаренконинг фикрича, Коинот айрим илмий фаразларда айтилганидек жак-ёлғиз бўлмасдан, чексиз кўп миқдордир. Бизнинг Коинот бўлса, бизга нисбатан ўта олий ақл-идроққа эга бўлган мавжудотлар яшайдиган коинот вакиллари томонидан муайян мақсад ва тартиб-қоида асосида сунъий равишда яратилгандир. Бу Коинот ўша олий цивилизация вакиллари-нинг назорати остида ривожланади. Муаллиф бундай сунъий коинотни яратишдан асосий мақсад уларнинг иқтисодий, энергетик, экологик ва биологик эҳтиёжларини қондиришдан иборат деб билади. Сунъий коинот энергия жамғариш учун, хомашё манбаи сифатида, химиявий ва биологик озуқа сифатида, медицина нуқтан назаридан тайёр биологик аъзоларни кўчириб ўтказиш учун, шунингдек, олий цивилизациядаги ифлосланган муҳитни тозалаш, технологик ва ядровий чиқиндиларни олиб келиб ташлаш учун хизмат қилиши мумкин.

Муаллиф ўз фаразини асослаш учун анчагина илмий далиллар келтира олган. У қаламга олган кўпгина табиий-илмий қонуниятлар фан томонидан тан олинган, пухта ҳисоб-китобларга таянган мулоҳазалардир. Олим бу мақолада, бизнинг назаримизда, Коинотнинг ривожланиши, келиб чиқиши ва келажаги ҳақидаги барча билмлар (ҳам илмий, ҳам диний,

ҳам ноилмий) олдида турган умумий муаммоларга бир йўла жаавоб топишга уринаётгандай. Бу борада ҳар кимнинг ўз нуқтан назари бўлиши мумкин, албатта. Шу сабабли ҳам қандай нуқтан назарни ҳимоя қилиши кераклиги ҳақида муаллифга кўрсатма беришга ахлоқий жиҳатдан ҳақимиз йўқ. У ўз йўлини ҳимоя этиш ҳуқуқига эга. Биз эса унинг мулоҳазалари қай даражада мантиқий ёки мантиққа зидлиги ҳақидагина ўз мулоҳазамизни билдиришимиз мумкин.

Фикримизча, муаллифнинг бошқарилувчи Коинот моделини асословчи 8-ва 9-далиллари етарли даражада мантиқан асосланмаган, чунки ўнлик санок системаси яратилмасдан илгари ҳам Коинот бор эди, ақлли одамлар яшарди. Бу система физика ва космология фанида қўлланишдан олдин буюк ватандошимиз Муҳаммад ал-Хоразмий ҳиндларнинг ҳисоб системасини қайта ишлаб, ўнлик санок системасини яратиши ва уни математик ҳисоб-китобларга жорий этиши лозим эди ва бу қондалар араб олимларининг ишлари орқали мағрибга ва Фарбий Оврупо мамлакатларига ёйилиши керак эди. Бу ҳисоб-китобларни ўзлаштириш натижасида ривожланган математика илми эса физика ва космология соҳасидаги кашфиётларни очишга калит бўлиши лозим эди. Хўш, агар инсоният ўнлик эмас, балки иккилик ёки саккизлик санок системасига эга бўлганида бундай ютуқларга эришмасмиди! Бизнингча, санок системаси тафаккур тараққиети учун ҳал қилувчи роль



«Фан ва турмуш» ахбороти

ўйнамайди. Бировлар масофани километрда ўлчасса, бошқалар тош ва чақиримда, яна базилар эса милда ўлчашади, лекин натижа ўзгармайди.

Муаллифнинг мулоқотлар ва фавқулодда қонуниятлар ҳақидаги мулоҳазалари ҳам қўшимча изоҳларга муҳтождир. Тўғри, табиатда ўзига хос «тежамкорлик» мавжуд. Масалан, инсон мияси ахборот узатишда энг кам миқдорда қувват сарфлайди. Ҳаттоки бир ҳужайрали содда жониворларда ҳам шу қонуният амал қилади. Инсон томонидан яратилган машиналар эса қувватни кўп истеъмол этади. Аммо бу ўринда шунга эътибор бериш керакки, табиат бундай тежамкорликка миллиард йиллар мобайнида эришган, инсоният эса ҳали миллион йиллик тажрибага эга эмас. Башарти инсон сўнгги 100 йил ичида яратган механизмлардан лампали электр қурималари билан микросхемаларда ишловчи замонавий электрон механизмларни ўзаро қислаб кўрсак, қувват истеъмол қилишда инсоният нақадар илгарилаб кетганининг гувоҳи бўламиз. Хуллас, инсоният ҳам кейинги юз йиллар ичида табиат сингари «тежамкорликка» эришса ажаб эмас.

Бу мулоҳазалардан қатъий назар С. Бондаренконинг мулоҳазалари эътиборга сазовордир. У инсонни эркин фикрлашга, тасаввур уфқини кенгайтиришга ўргатади. Балки, келажақда бу мулоҳазалар шу сатрларни ўқиётган ёшлар томонидан янада қиёмега етказилиб, Коинот ҳақидаги янада дадилроқ ғояларнинг вужудга келишига туртки бўлар.

МУТАХАССИС
ШАРҲИ

Алишер Навоий бутун ижодини туркий тилни юксак даражада ривожлантириш ва дунёда энг тараққий топган тиллар қаторига қўшишга бағишлади. Шу билан у туркий халқлар равнақига ва бутун туркий дунё бирлиги шаклланишига буюк ҳисса қўшди. Алишер Навоий бу йўлдаги саъй-ҳаракати ҳақида шундай деган эди:

Турк назмида чу мен
тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни
якқалам.

Асрлар ўтиши билан тарихий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва лисоний жараёнлар натижасида туркий тилнинг мевалари аста-секин тарқалиб кетди. Эндиликда улар алоҳида миллий тиллар сифатида шаклланди. Аммо ушбу тилларнинг кўпчилиги бир-бирига жуда

нинг туркий дунё бирлиги ғоясини давом эттириш ва ривожлантириш учун туркий тиллар бирлиги муаммосини ҳам ечиш керак. Аммо, Туркиядан ташқари, бошқа бир қатор давлатларда, айниқса Собиқ Совет Иттифоқи, Хитой империясида ҳамда туркий халқларни ўз ичига қамраб олган давлатларда ҳам туркий дунё бирлиги ғояси «пантуркизм» деб аталиб, кучли таъкиб остига олинди.

Сталинчилик ва турғунликнинг узоқ йиллари давомида «пантуркизм» тамғаси энг оғир сиёсий хатолардан бири сифатида айблаш учун қўллаб келинди. Ҳамма муурожаат қилиб келган қомусларга кўз югуртирайлик. «Пантуркизм миллатчилик-шовинистик руҳдаги мафкурадир, унга кўра, туркий тилларда сўзлашувчи барча халқ-

Бу терминнинг нотўғри, бир томонлама таърифланиши туркий халқларнинг сиёсий арбоблари, олимлари, ёзувчи ва шоирлари қатағон қилинган йилларда жуда кўл келди. Ана шу тамғани босишда «пантуркизм» тушунчасининг мавҳумлигидан фойдаланилган. «Пантуркизм», ўзига хос томонлари бўлишига қарамай, панславизм, пангерманизм, панэронизм, панмўғилизм каби моҳият жиҳатидан ўхшаш тушунчаларни қамраб олувчи тушунчага киради. Бу тушунчани «этник лингвистик панизм» ёки, қисқача тарзда «этнолингвопанизм» термини билан ифодалаймиз. Этнолингвопанизм тегишли этнослар группасига нисбатан потенциал яхлитлик фалсафий концепциясининг қўлланилишидир.

НАВОИЙ ВА ТУРКИЙ БИРЛИК

яқиндир ва ҳатто таржимонсиз ўзаро тушунарлидир. Тарих тақозоси билан бу тилларнинг ҳатто алифболари уч асосий турга бўлиниб кетди: лотин, славян ва араб алифболари асосидаги туркий алифболар пайдо бўлди. Жами туркий тилларда мавжуд бўлган 40 га яқин товуш учун эндиликда 150 дан кўпроқ ҳарф ишлатилапти. Шу жараёнлар оқибатида туркий дунё бирлиги муаммоси долзарбдир. Ҳозирги замонда Алишер Навоий-

лар, энг аввало ислом динидаги туркий халқлар бир миллатга мансуб, шу боис улар Туркия қўл остида ягона давлат бўлиб бирлашишлари керак» (БСЭ, 19 жилд, М., 1975.). «Пантуркизм Туркия амалдор-помешчикларининг реакцион шовинистик доктринаси, барча туркий тилларда сўзлашувчи халқлар Туркия ҳукмронлиги остида бирлашишлари лозимлигини тарғиб қилади» (Сов. энцикл, словарь. М., 1982.).

Мафкуравий оқим сифатида амалга оширилаётган этнолингвопанизм ҳар бир шаклининг замирида аввало этнослар муайян гуруҳи тилларининг яқинлигини, ҳатто бу этнос кишилари фақат ўз тилини билиб, фақат шу тилларда сўзлаган тақдирда ҳам маълум даражада ўзаро тушунишга эришиши мумкинлигини англаш ётади. Бундай этносларга мансуб кишилар ўртасидаги мулоқот жараёнининг, бир тил шеваларида сўзлашувчи кишиларнинг ўзаро мулоқотига ўхшашлиги, тегишли этнолингвопанизм вужудга келиши учун гносеологик асос бўлиб хизмат қилган. Муайян этнолингвопанизмда назарда тутилган этнослар гуруҳининг хусусиятлари (улар умумийликка йўл қўйган тақдирда) ушбу этнослар умумийлиги асослаб берилганда маданият, адабиёт умумийлиги, келиб чиқиши ва тарихий тақдир умумийлиги, дин умумийлиги ва ҳоказолар билан тўлдирилади.

Ҳар бир миллат мафкурасида миллат равнақининг истиқболлари таҳлил қилинади ва моделлаштирилади. Этнолингвопанизмларнинг мафкуравий оқимлар сифатида шаклланиши ҳам шу жараёнлар йўналишида рўй берган.

Агар мафкуравий қарашлар демократик ҳуқуқий кўп миллатли давлатнинг конституциясига хилоф бўлмаса, мазкур давлатда муайян этнолингвопанизмга мансублик тамғасини босиб, қатағон усуллари қўллашни адолатга зид деб билиш керак. Акс ҳолда ажралиб чиқишгача бўлган миллатларнинг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш умум-демократик ҳуқуқи тугул, ҳатто



«Шоҳ ва икки сайёҳ». Алишер Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асарига ишланган миниатюра.

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАР

Кўп йиллардан буён хорижда истиқомат қилаётган ўзбеклар ва бошқа қон-қардош миллатлар ҳақида етарли маълумотга эга бўлиш имкониятидан маҳрум бўлиб келдик. Уларга «ватангадо», «халқ душмани», «ватан хони» каби тамғалар ёпиштирилди. Ҳатто 20—50-йиллардаги сиёсий, иқтисодий, маданий воқелик, тарихимиз тўлалигича, чуқур, ҳар томонлама баҳосини олмади.

Ҳозирги кунда эса хориждаги ватандошлар билан қон-қардошлик, дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш давр тақозоси бўлиб қолди. Улар билан иқтисодий ва маданий алоқаларни ўрнатиш нафақат ўзаро яқинлашувимизга, қолаверса хориждаги ватандошларимиз яшаётган мамлакат халқи билан бўладиган муносабатларга ижобий таъсир кўрсатаётгани ҳам сир эмас. Ўзбеклар қандай қилиб хорижий элларга бориб қолганлар, деган савол туғилиши табиий. Биз ўрганиб чиққан архив ва жорий архивлар маълумотида кўра, ўзбек ватандошларимиз тарихан уч даврда хорижга кўчишган.

1. 1917 ЙИЛ ОКТЯБРЬ ТўНТАРИШИГА ҚАДАР ХОРИЖГА КЕТИБ ҚОЛГАН ЎЗБЕК ВАТАНДОШЛАР.

Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгунга қадар ҳозирги жумҳуриятимиз ҳудудида Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликлари мавжуд эди. Бу уч давлатнинг энг йириги Бухоро амирлиги бўлиб, XIX асрда унинг ерлари қўшни Афғонистон мамлакатининг бир қисмини ҳам ўз ичига олган ва амирликда турли миллатга мансуб халқлар яшаган. Миллий жиҳатдан Бухоро аҳолиси ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ, қозоқ ва бошқалардан иборат эди. XIX аср бошларида Шимолий Афғонистондаги Балх, Қундуз, Айбок, Хулм, Маймана, Сарипул, Шибирғон, Андхўй ва Ахча каби майда тузилмалар Бухоро амирлигига тобе бўлган. Бу жойларда асосан ўзбеклар истиқомат қилган. XIX аср 90-йилларида биргина Афғонистон пойтахти Кобул шаҳрида Тошкент, Самарқанд, Қўқон, Андижон, Марғилон шаҳарларидан борган 2,5 минг ўзбек оиласи яшаган. Ўзбеклар қадимдан савдо ҳунарининг устаси бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тижорат ишлари билан кенг шуғулланган. Махсус ўзбек дўконлари, бозор расталари мавжуд бўлган.

Бундан ташқари, юртдошларимиз Арабистонга—Мақкаа Мадина шаҳрига ҳаж сафарига тез-тез бориб туришган. Кўпгина ўзбек савдогарлари ҳаж сафарига юрган пайтларида аср бошларидаги Россия инқилоби, чор

ҳукуматининг рус миллатига мансуб бўлмаган аҳолини фронт ортида мардикорлик ишларига жалб қилиш ҳақидаги фармони, Февраль инқилоби воқеалари ва Октябрь тўнтариши ҳақидаги хабарларни эшитиб, ушбу алғов-далғов замонда хорижий мамлакатларда бутунлай қолиб кетишни афзал кўришган. Булар сафига фуқаролар уруши йилларида совет ҳокимияти томонидан маҳаллий кадрларга нисбатан юргизилган нотўғри сиёсат, рус улғу давлатчилиги ва шовинизми сиёсатидан норози бўлиб чиқиб кетган кишилар ҳам кўшилган. БХСР марказий ижроия қўмитасининг биринчи раиси У. Пўлатхўжаев, миллий кўшиннинг биринчи қўмондони М. Қулмухамедов, ҳарбий вазир А. Орифов каби кўплаб кишилар шу жумладандир.

XIX аср ва XX асрнинг илк чорагида бош олиб чиқиб кетган ўзбекларнинг фарзандлари, кейинги авлодлари Ўзбекистонни ота юрт деб биладилар, чунончи, Туркияда дунёга келган Усмонхўжа ўғли Темурхўжа «Фақат мен эмас, оталари бу юртдан кетгандан 40 йил кейин туғилганлар ҳам ёки уларнинг неваралари ҳам бу ерни Ватан дейдилар. Бизнинг болалар ҳам Туркистонни Ватан дейди, чунки илдизимизни кўкартирувчи, яшнатувчи тупроқ шу ерда. Биз бу тупроқни ҳеч қаерда топа олмаймиз» дейди меҳмонга ташриф буюрган чоғида.

ИККИНЧИ ГУРУҲ ЎЗБЕК ВАТАНДОШЛАР АСОСАН 20—30-ЙИЛЛАРДА ХОРИЖГА КЕТГАН.

Муҳожир ўзбеклар 1920—22, 1925—29-йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳоти, 1931—33-йилларда «колхоз»га зўрлаб киритиш, ур-йиқитлар даврида маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олмаслик, қонуний қулоқ қилиш сиёсати, қўрқитиш, 30-йилларнинг бошларида 1 миллион одамни олиб кетган даҳшатли очарчилик, 1932 йил 7 августдаги «Социалистик мулкни ҳимоя қилиш» қонуни таъқибидан бешиб хорижга кетишни афзал кўришган. Чунончи, улғу мутасаввуф шоир Аҳмад Яссавий авлодларидан Шаҳобиддин Яссавий (80 ёшларда) Туркияда сафарга отланган. Сухбатлардан бирида у киши: «Келажакни башорат қилиб, ҳақиқатни айтган боболаримиз олдида уч йўл бор эди: бири — ҳақ йўлида жонни қурбон қилиш, иккинчиси — истибдодга кўниб, тақдирга тан бериш, учинчиси — тарки дунё қилиб, ғариблик жандасини кийиб, ватандан бош олиб кетмак. Не тақдирки, бизларнинг оталаримиз учинчи йўлни танлашган», деган эди.

миллат ўз имкониятларини, ривожланишининг эҳтимол йўллари-ни ўрганиши ҳам таъқиқланган бўлиб чиқади.

Этнолингвопанизм тушунчасининг мазмунини таҳлил қилиш учун «панславизм» тушунчасининг таърифини кўриб чиқайлик. Бу таърифда «славянлар бирлиги ва маданияти умумийлиги ғоялари; славян халқларининг федерация ва конфедерация лойиҳалари...; чор Россияси славян халқларининг миллий ҳаракатларидан ўз мақсадларида фойдаланиш режалари ва ҳоказо» (БСЭ, 19 жилд. М., 1975, 149-бет) каби панславизм намоён бўлиши шакллари таъкидланади.

Этнолингвопанизмни қўйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Тил-маданият этнолингвопанизми (тегишли этнослар группаси учун уларнинг тил ва алифболари-

ни яқинлаштириш, улар учун ягона ёрдамчи умумий тилни яратиш, маданияти умумийлигини ошириш, ўзаро мулоқотлар ва ёрдамни кўчатириш ғоялари);

2. Сиёсий этнолингвопанизм (муайян этносларнинг миллий давлатларини бирлаштириш йўли билан уларнинг федератив, конфедератив ёки ҳамдўстлик давлатларини, ёки унитар (ягона, бўлинмас) давлатини барпо этиш ғояси);

3. Авжига чиққан этнолингвопанизм (ягона тил яратиш, муайян этносларни ягона миллат қилиб бирлаштириш ва унинг ягона миллий давлатини вужудга кетириш зарурлиги тўғрисидаги ғоялар).

Сталинизм қатағони йилларида пантуркизм, панэронизм, панмўғилизм ва бошқа тур этнолингвопанизм руҳидаги ғояларни таҳлил қилиш қатъиян ман этилган эди ва халқларнинг бевосита маданий

яқинлашувини тарғиб қилган фаоллар ижодкор зиёлилар сафидан юлиб олинган эди.

Минг йиллар давомида ягона тил бўлиб келган туркий тил XX асрда йигирмадан ортиқ алоҳида тилларга бўлиб юборилганлиги оқибатида маданий мерос ҳам бўлиб ташланганлиги туркий маданият ривожланишига ўта салбий таъсир кўрсатди.

Туркий халқлар бой миллий маданият ва адабиётга эга. Туркий тил жаҳондаги энг қадимги адабий тиллардан ҳисобланади, унинг луғат бойлиги ҳам беқиёс ҳисобланади, кўп асрли тарихга эга. Бу тилда ҳар қандай мураккаб ва нозик тушунчаларни ҳам ифодадай олиш мумкинлигини XV асрдаёқ буюк мутафаккир Алишер Навоий ўзининг бутун ижоди билан исботлаб берган эди.

Ўзбекистон Республикаси муста-

20—30-йилларда хорижга кетиб қолган ватандошларимизнинг кўпчилиги 1—10 ёшли болалар бўлиб, улар ота-оналари изидан, қон-қариндошлари билан кетиб қолган. Улар билан дўстона, қариндошлик муносабатларини ўрганиш масъулияти зарурият эканлигига шакл-шубҳа йўқ.

УЧИНЧИ ГУРУХ ВАТАНДОШЛАРИМИЗ II-жаҳон муҳорабаси йилларидаги жангларда иштирок қилиб, сўнгра турли сабабларга кўра хорижда қолиб кетганлардир. Бу даврда хорижга борган ўзбек ватандошлар асосан Оврупо мамлакатларида ва АҚШда истиқомат қиладилар.

Ҳозирги кунда хориждаги ўзбекларнинг умумий сони ҳақида аниқ маълумот йўқ, борлари бир-бирига зид бўлса ҳам, улар сони уч миллион, Ўзбекистондан кетган ўзбеклар 2 миллиондан ортиқ деган фикр устундир.

Хорижда яшовчи ўзбек ватандошлар билан ўзаро алоқаларни ўрнатиш, жамоатчилик йўли билан ушбу хайрли ишда иштирок этиш 50-йиллар охири—60-йилларда бошланди.

Ушбу даврда қисқа муддат Совет жамиятида бошланган ижобий силжишлар, маъмурий буйруқбозликка асосланган бошқарув системасидан воз кечиш томон қилинган жиндақина ҳаракатлар, охирига етказилган бўлмаса-да, «бир чимдим» демократик ўзгаришлар жамоат ташкилотларига нафас олиш учун тоза ҳаво берди. Иккинчидан, хорижда яшовчи ватандош ўзбеклар Ўзбекистонга келиш, ўз қариндошлари билан учрашиш имтиносномалари билан мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Айни пайтда ўз ака-укалари, оталари, яқинлари, бедарак кетганларни қидириш ҳаракати кучайди. Тошкент давлат дорилфунуни доценти Н. Акмалов суҳбат чоғи Америкадаги ўзбеклар ҳақида ҳаяжонланиб қуйидагиларни гапирди: «Мен бир йил Вашингтон дорилфунунида профессор бўлиб ишлаб келдим. Нью-Йоркка борганимда Абдурауф Мақсудий, Акбархўжа, Абдуллахўжа, Шоюсуф ака каби бир қанча ўзбеклар билан учрашдим. Ҳар бир чет юртдаги ўзбекларнинг тақдири бир қисса экан. Улар ўзбекларча дилкаш, ширин ҳамсуҳбат, меҳмондўст, биз учун хайрихоҳ». (Ўзбекистон телевидение ва радиоэшитириш давлат қўмитаси жорий архиви).

Кейинги 1—2 йилда ўзаро борди-келди муносабатлари анча жонланди. Маълумки, 1990 йилда тарихий Туркистон республикалари мусулмонлари Саудия Арабистонига — ҳажга бордилар. Сафар чоғида албатта жуда қизиқарли учрашувлар, суҳбатлар, режалар белгиланиб олинган. Архив материалларини варақлар эканмиз, хориждаги ватандошларимиз қандай кутиб олгани ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз: «Саудия қироли Малик Фаҳд бизнинг ватандошлардан Файзулла Аҳмад Марғилоний,

қил давлат сифатида келажакдаги лисоний ривожланиш йўлини белгилашга киришиши учун тўла асос бор. Алишер Навоий васиятига риоя этиб, туркий тилларни яқинлаштириш, замонавий усуллар билан «якқалам» қилиш керак.

Фикримизча, туркий тилларни ўрталаштириш усули билан ўртатурк тилини яратиш керак. Бундай ўрталаштириш усули республикамизда ишлаб чиқилган.

Ўртатурк тилини яратиш бўйича халқаро тадқиқот марказини тузишни таклиф қиламиз. Бу марказ ҳар бир туркий давлатда ўз филиалига эга бўлиб, уларнинг ишларини мувофиқлаштириб туради. Барча туркий халқлар истак билдиришса, бу марказ Тошкентда жойлашуви мақсадга мувофиқ бўлур эди, чунки, аввало, Тошкент туркий дунёимизнинг марказий қисмида жойлашган энг йирик илмий

кучларга эга шахардир. Иккинчидан, Тошкент — барча туркий халқлар отамакони бўлмиш Туркистоннинг кейинги даврлардаги нуфузли марказидир.

Ўртатурк тили ҳозирги ва ўтмишда мавжуд бўлган барча туркий тилларга яқин бўлур эди. Ўртатурк тили туркий халқлар учун қардош, лекин бетараф, ҳеч қайси туркий миллатга алоҳида имтиёзлар бермайдиган миллатлараро мулоқот тили бўлиши ўринли. Шунингдек, у бутун турк дунёси учун аҳамият касб этувчи фан-техника ахбороти, адабий ва бошқа маданий қадриятларни ўзаро алмашув тили мавқеига эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир туркий халқ вакили ўз она тилини билиш ва уни ўз юртида ишлатиш билан бирга қўшимча равишда қардош ва яқин тил бўлган ўртатурк тилини ҳеч бир қийинчиликсиз, тез ва осон ўрганади.



Ҳасан қори Туркистоний, Мақсуд Фозил Ҳамид, Нуъмон Тошкандий ва бошқаларни ўз оға-иниларини кўргандай қаршилади» (Ҳаж сафарида бўлган Луқмонхўжа ўғли Аҳмадҷон ҳожи. 1990 йил 1 август, «Ватандош» радиостанцияси.)

Таниқли шоир Жамол Камол: «Туркияда минглаб ватандошларимиз яшашиди. Мен Истамбулнинг ўзида 17 кун турган бўлсам, 16 кун давомида юзлаб ватандошлар билан учрашдим. Шуниси қизиқки, улар ўзини қозоқ, тожик, ўзбек, туркман деб атамайди, бир сўз билан — туркистонлик деб атайди... У ерда машҳур олим Аҳад Андижон (катта жарроҳ, шифокор) билан учрашдим. У кишининг касалхонаси ва уйида бўлдим. Истамбул дорилфунунининг тиббиёт куллиетида дарс ҳам берар экан. Шаҳобиддин Яссавий, Ҳожи Ясса деган кишилар менда катта таассурот қолдирди. ... Анқарада бўлганимда Ўрхун Қовунчи деган катта олим билан учрашдим. Анқара дорилфунуни профессори. Аждодлари Намангандан экан. Яна Аҳмадхўжа ва парламент аъзоси бўлмиш Муҳаммад Кўкан билан ҳам учрашдим». («Ватандош». 1970 йил 8 август.)

Хориждаги ўзбек ватандошларнинг кўпчилиги савдо ишлари билан шуғуллансалар-да, улар орасида турли фанлардан билимдон олимлари, журналист, ёзувчи, шоир, рассом ва қўшиқчилари, ҳатто давлат раҳбарлари ҳам бор. Улар Туркия, АҚШ, Олмония, Афғонистон каби мамлакатларда ўз уюшмалари, газета ва бюллетенларига ҳам эга. Аксарият ўзбек ватандошлар хорижда яшаб турган бўлса ҳам, миллий урф-одатларимизни, ўзбек тилимизни яхши сақлаб қолган. Улар ўзларини Туркистон, Ўзбекистондан чиққанликларига ишора қилиб, исму шарифларига Ал-Бухорий, Андижоний, Намангоний, Марғилоний, Самарқандий, Фарғоний кабиларни қўшиб айтиш ҳам мавжуд. Туркия ва Миср каби мамлакатларда ўзбек ватандошларнинг Ўзбекия (Мисрда), Марғилонликлар, Андижонликлар, Қўзонликлар кўчалари (Туркиянинг Истамбул ва Одина шаҳарларида) бор.

ХУЛОСАМИЗ ШУКИ, хориждаги ўзбек ватандошларнинг уюшмалари, матбуот органлари, турли хил клублари кабилар билан алоқаларни мустаҳкамлашга жиддий киришиш муҳожир ватандошлар билан яқинлашувимизга хизмат этади.

Шодмон ҲАЙИТОВ. Неъмат СОБИРОВ
(Фарғона Давлат дорилфунуни.)

Келажакда ўртатурк тили ҳар бир туркий тили «дунё тиллари» дейилмиш тиллар таъсири остида ўзига хослигини йўқотишдан муҳофаза қилади. Барча туркий тилларнинг лисоний бойлигидан фойдаланган ўртатурк тили ҳар томонлама ривожланган дунёвий тиллар билан тенг беллашадиган, юксак даражада ривожланган тил сифатида туркий олам бирлигини буюк Алишер Навоий умид қилган поғонага кўтаришга катта ёрдам берган бўлур эди.

Бахтиёр КАРИМОВ,
фалсафа фанлари доктори.

Шоаҳмад МУТАЛОВ,
«Фонон» илмий бирлашмасининг
илмий котиби.

БУХОРО ТАРИХИ тўғрисида сўз юритилар экан, шубҳасиз, аввало унинг беқиёс меъморий обидаларию миришкор шаҳар аҳли ҳунарининг ақли-заковати ва кучи билан қад кўтарган сергузар шарқона Бухоро шаҳри киши кўзи олдида гавдаланади.

Хўш, Шарқнинг оламга донғи таралган энг қадимий шаҳарларидан ҳисобланган бу кўҳна масканга нима сабабдан Бухоро деб ном берилган! Бу атама қандай маънони англатади! Қадимда Бухоро яна қандай номлар билан юритилган! Манбаларда бу ҳақда нималар ёзилган! Бухоронинг қадимий номлари этимологик жиҳатдан қандай талқин этилиши мумкин, деган саволлар шубҳасиз кўпчилик муштарийларни қизиқтиради.

БУХОРО — «ТАНГРИ ЖАМОЛИ»

Бухоро шаҳри, у қад кўтарган ўлка ва унинг қадимий ҳукмдорлари тўғрисидаги бирмунча аниқроқ маълумотлар, қисқача бўлса-да, илк ўрта аср Хитой манбаларида келтирилади. Уларда Бухоронинг ўндан ортиқ атамалари: Ан, Анси, Анго, Ньюми, Бухо, Буху, Бухэ, Бухазэр, Бухуазэр, Бухала, Бухуала, Фухо, Пухуала ва бошқалар тилга олинади. Бу атамалардан аввалги учтаси, шубҳасиз, Бухоронинг хитойча номлари бўлса, қолганлари ушбу номнинг хитойча турлича талаффуз этилишидан келиб чиққан сўзлардир. Қизиғи шундаки, бу атамаларда одатда ҳокимият, ўлка ёки шу ҳокимиятнинг пойтахти ҳисобланган марказий шаҳри ифодаланади. Масалан, Ан ёки Бухо ҳокимияти илк ўрта асрларда Ньюми номи билан машҳур бўлиб, унинг пойтахти ҳам шу ном билан юритилган. Ньюмидан 100 ли (50 км) шимоли-шарқда Шарқий Ан ва шунча масофада жануби-ғарбда эса Би (Пойканд) шаҳри бўлган. Ҳукмдорларнинг қароргоҳи Аланми (Ромитан) шаҳрида эди. Бу давлатнинг ғарбий чегараси Уху (Аму) дарё соҳилларига бориб тақалган. Вилоятда 40 йирик шаҳар ва мингдан ортиқ майда истеҳкомлар бўлиб, бақувват ва довюрак йигитларгина чокар (аскар)ликка ёлланган.

Ньюми давлатининг пойтахти Сиванцзин (Самарқанд)дан ғарбда, Нами (Зарафшон) дарёсининг жанубида жойлашган. Шаҳар беш қатор девор ва оқар сувли хандақлар билан ўралган. Сарой иморатларининг томлари эса текис қилиб ёпилган.

Демак, Хитой манбаларида келтирилган маълумотларга қараганда, милодий V—VII асрларда Зарафшон дарёси Нами деб юритилиб, унинг қўйи қисмига жойлашган давлат эса, Ньюми деб аталган. Бу ҳокимиятнинг пойтахти ҳам Ньюми номи билан юритилиб, у алоҳида-алоҳида махсус мудофаа деворлари билан ўралган бешта истеҳкомли қалъалардан иборат бўлган. Шаҳар яқинидан оқиб ўтган сув йўллари хандақ вазифасини ўтаган.

Ўрта асрнинг арабнавис муаллифлари ўз асарларида Бухоронинг бу машҳур номидан ташқари унинг Нумижкат, Бумискат, Мадинат ус-суфрия, Мадинат ут-тужоюр, Фохира каби қатор атамалари келтиришади. Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, ўша вақтларда Хуросон шаҳарларидан биронтаси ҳам бунчалик кўп номга эга бўлмаган.

Ўрта аср манбаларида келтирилган тафсилотларга кўра, Бухоро ва Нумижкат аввалда бири иккинчисига яқин жойлашган икки алоҳида шаҳар бўлган. VIII асрда Муқанна қўзғолони даврида ҳам бу икки шаҳарнинг мустақиллиги таъкидланиб, ҳатто 775 йилда қўзғолончи «оқ кийимликлар»нинг Нумижкатга бостириб кириб, уни ишғол этгани ҳақида ҳикоя қилинади. Сўнг, вақт ўтиши билан, Бухоро ва Нумижкат майдонлари кенгайиб, бир-бирига



қўшилиб кетган. Номларидан бири шухрат топиб, иккинчиси эса тарихдагина сақланиб, муомаладан тушиб қолган.

Шуниси эътиборлики, илк ўрта асрларда Бухоро шаҳрининг тарихий топографияси тўғрисида Хитой солномалари ҳамда арабнавис муаллифлар асарларида келтирилган маълумотлар Бухоро шаҳрида ўтказилган археологик тадқиқотларда маълум даражада ўз тасдиғини топди. Бухоронинг эски шаҳар қисмида алоҳида-алоҳида жойлашган истеҳкомли икки шаҳристон ва кўҳандиздан иборат илк ўрта асрнинг учта қалъа харобалари кавлаб очилиши бунинг ёрқин далили бўлди.

Хўш, Бухоро шаҳрининг бу қадимий номлари қандай маъноларни англатади! Бухоро номлари этимологияси устида сўз юритилганда аввало шунга таъкидлаш керакки, унинг қадимий номларининг аксарияти бу ажойиб ўлканинг ё табиати, ё иншооти, ёки аҳолисининг ўтмиш эътиқодига монанддир. Чунки Бухоро топонимларидан бирида шаҳар қад кўтарган даврда Зарафшон ерлари табиатининг қадимий сифатлари акс этган бўлиб, ёзма манбаларда келтирилган бу вилоят тўғрисидаги тафсилотларга ҳам оҳанг бўлса, бошқасида ўлканинг ўзлаштирилиб, обод этилишидаги тарихий манзара инъикоси маълум даражада ўз ифодасини топган. Шунинг учун ҳам Бухоро шаҳрининг қадимги номлари этимологиясини таҳлил қилиб, унга яширинган маънони аниқлаш ўлка ўтмиши, ҳам табиий, ҳам тарихий манзарасини тиклашда тадқиқотчиларга маълум даражада кўмаклашади.

Бухоронинг қадимги номлари тўғрисида арабнавис муаллифлар келтирган маълумотлар тўғрисида шунга айтиш мумкинки, улар маъноси жиҳатидан икки турдаги — маҳаллий аҳоли ҳамда ажнабийлар томонидан берилган номлардир. Жўмладан, Бухоронинг «Мадинат ус-суфрия», «Мадинат ут-тужоюр» ва «Фохира» каби атамалари араблар томонидан берилган номлардан бўлиб, улардан биринчиси «мис шаҳар», «мисдан бино қилинган шаҳар», иккинчиси «савдогарлар шаҳри» ва учинчиси эса «фахрли шаҳар» деган маънони англатади.

Бухоро шаҳри қалъа деворларининг мудофаа жиҳатдан ниҳоятда мустаҳкам қилиб қурилгани туфайли, у «мисдан қуйилган қўрғон» ёки «мисдан ясалган истеҳком»га рамзий қиёс қилиниб, унга «мис шаҳар» маъносини англатувчи «Мадинат ус-суфрия» атамаси берилган. Шунингдек, Бухоронинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари, Хитой ва Ҳиндистон билан боғлаган машҳур Буюк ипак йўли устида жойлашгани, аҳоли мулкдор табақасининг каттагина қисми кашкашон — савдогарлардан иборат бўлиб, бу қарвон йўли орқали халқаро савдода фаол қатнашгани сабабли шаҳар «мадинат ут-тужоюр» — «савдогарлар шаҳри» деган сифат билан ҳам шухрат топган.

«Фохира» атамаси эса, Муҳаммад Наршахий таърифий бўйича, ислом динининг барқарорлиги йўлида қон тўккан шаҳидлар шарафига нисбат қилиб берилган атамасидир. Бухоро тарихида келтирилган ривоятга қараганда, маъшаргоҳда Бухорода етмиш минг байроқ ва ҳар бир байроқнинг остидан етмиш минг шаҳид бош кўтарар экан.

Нумижкат, Бумискат маҳаллий атамалардан ҳисобланади. Бу номларнинг биринчиси аслида Навмичкат бўлиб, у учта форсий «нав»—янги, суғдий «мич»—қалъа, истеҳком ва «кат»—қишлоқ каби сўзлар бирикмасидан ташкил топган. У «янги қалъа», «янги кўрғон», «янги истеҳкомли қишлоқ» маъноларини аниқлаётган.

Навмичкат атамасида «янги» маъносини англатувчи «нав» сўзи қўшилиб ёзилишига кўра, «Нумичкат» ва «Бумискат» шаҳар девори ёки унга ёндош яна бир қалъа қайта қурилгандан сўнг, янгитдан берилган сўнги номлардан эканидан далолат беради. У вақтларда шаҳар қалъасининг кўҳна номлари ҳам бўлган. Бухоро кўҳна қалъаларидан бирининг номи «Фаровиз» деб юритилган. Бу атама шаҳар бўзчи ва косибларнинг пири Бобойи Порадўз мақбараси ҳамда Шаҳруд каналининг тармоқларидан бири бўлган «Фаровиз ус-суфло» номлари орқали бизгача етиб келган. Аслида кўҳна қалъанинг номи «Фаробдиз» бўлиб, у суғдийча «фароб», яъни «сув бўйи» ҳамда «диз»—«қалъа» сўзлари бирикмасидан ҳосил бўлган, «сув бўйидаги ёки дарё соҳилидаги қалъа» маъносини англатган.

Муҳаммад Наршахий Мовароуннахрнинг жанубий дарвозаси ҳисобланган бу шаҳарнинг турли атамаларини тилга олар экан, «Бухоро деган ном бу номларнинг ҳаммасидан ҳам машҳурроқдир», деб ёзади. Чунки бу ном билан ҳам ўлка, ҳамда унда қад кўтарган шаҳар шуҳрат топган.

Бухоро номининг маъноси тўғрисида сўз юритар экан, академик В. В. Бартольд санскритча «вухора» сўзининг турк-мўғулча «бухор» шаклидан келиб чиққан бўлиши мумкин деган тахминни баён қилади. «Бухор» сўзи эса «ибодатхона» маъносини англатади, деб ёзади олим. Фикримишча, Бухоро номи суғдийча «буг» ёки «баг», яъни «тангри» ёки «худо» ҳамда «оро», яъни чирой, жило, хусн, жамол маъноларини англатувчи сўзлардан ташкил топган. Бухоро сўзининг бундай талқини, фикримишча, Наршахийнинг Бухоро воҳасини қадимги табии тўғрисидаги тафсилотига ҳамоҳанг бўлиб, у «тангри жиљоси» ёки «тангри жамоли» маъносини англатган. Дарҳақиқат, Зарафшон дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Бухоро ва унинг атрофлари, Наршахийнинг таърифича, қадимда ниҳоятда хушманзара, оқар сувларга сероб, кўкаламзор, қалин дарахтзор ва чакалакзорлар ҳамда қамишзорлар билан қопланган бўлган. Уша замонларда Зарафшон дарёси ва унинг қуйи тармоқларининг тошқин сувларидан қатор кўллар ва ботқоқликлар ҳосил бўлиб, ҳатто ҳозирги Қоракўл ва Олот туманлари ерлари улкан кўл остида бўлган. Ўрта аср ёзма манбаларида бу кўл «Бухайрайи Сомжан»—Сомжон денгизи, «Бахр ул-Бухорот»—Бухоро денгизи, «Боргини Фарроҳ»—кенг ҳовуз, «Мовозаи Бойканд»—«Бойканд яқинидаги кўл» каби бир нечта атамалар билан тилга олинади. Турклар уни «Денгиз» ёки «Қоракўл» деб юритишган. Бу кўлнинг узунлиги ҳам, кенглиги ҳам тахминан 20 фарсанг, яъни 120—140 километр бўлган. Бухоро денгизи ва Бойкандкўл номлари билан шуҳрат топган бу кўлнинг шимолий қирғоғи Шибурдонота баландликларига тутшиб кетган Замонбобо адирликлари, жанубийси Денгизкўлнинг жануб соҳиллари, шарқийси Пойканд-Тайқир қирлари орқали Қарши даштига ва ғарбий қирғоғига эса Олот текисликлари орқали Урганжий даштига—Қизилқумга тутшиб кетган. Муҳаммад Наршахийнинг ёзишича, бу кўл сув ҳайвонларига ниҳоятда бой бўлиб, бутун Хуросон музофотида бу ердагидек кўл миқдорда парранда ва балиқлар тутилмаган.

Наршахийнинг Бухоро воҳаси қадимги табии тўғрисидаги бу тафсилоти ушбу жойда олиб борилган археологик қазималар вақтида кавлаб очилган осори атиқаларда ҳам маълум даражада ўз ифодасини топди. Дарҳақиқат, бу ўлканинг қадимги хушманзара табии —

оқар сувларга сероблиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ниҳоятда бойлиги — унинг «Бухоро» деб аталишига ҳамоҳанг бўлиб, бу ном маъносида «тангри жамоли» ёки «табиат жиљоси» каби сифатлар ифодаланган.

Шундай қилиб, Бухоро шаҳри қадимда Зарафшон дарёсининг қуйи тармоғи Зарируд бўйида ниҳоятда хуш манзарали музофотда бир-бирига яқин жойлашган бир нечта қалъа шаклида пайдо бўлган. Бу қалъалардан энг қадимгиси Фаробдиз, иккинчиси Навмичкат ёки Бумичкат ва учинчиси Бухоро номлари билан юритилган. Кейинчалик бир-бирига қарама-қарши жойлашган бу уч қалъа тутташиб, ягона шаҳарга айланган ва Бухоро номи остида шуҳрат топган.

VIII асрдан бошлаб Бухоро Араб халифалиги томонидан забт этилгач, у Мовароуннахрнинг ички вилоятлари томон қилинган истилоларда дастлабки таянч манзилгоҳ сифатида хизмат қилибгина қолмай, балки янги эътиқод — исломни тарғиб қилиш ва қарор топтириш йўлида ҳам муҳим роль ўйнаган. Бу шаҳардан исломият ва ҳадис илмларининг йирик тарғиботчилари ва муаллифлари етишиб чиқди. Ислом ҳуқуқшунослигининг Бухоро мактаби ташкил топди. Бухоронинг ислом дини, мусулмон ахлоқи, маданияти ва ҳуқуқшунослигининг Шарқдаги кучли марказларидан бирига айланиши туфайли унга IX аср бошларидаёқ «қуббат ул-ислом»—«ислом динининг гүмбазини» деган сифат ҳам берилди. Наршахийнинг гувоҳлик беришича, машҳур фикшунос (ҳуқуқшунос) олим Хожимом Абу Хафс Кабир Бухорий туфайли Бухоро «қуббат ул-ислом» деб аталган. Бухоро аҳолисининг илмий бўлишига, Бухорода илм кенг тарқалиши ва имомлар, уламоларнинг ҳурматли бўлишларига у киши сабаб бўлган. Бухоролик бу фақиҳ олий 832 йилда вафот этган.

Ўрта асрларда Бухоро фақат исломиятдагина эмас, балки илму маърифат ва маданият тарқатишда ҳам Мовароуннахрда йирик марказ сифатида шуҳрат топди. Шу сабабли унга кейинчалик яна бир сифат «шариф» сўзи қўшилиб, у «Бухоройи шариф», яъни «Шарофатли Бухоро» номи билан юритиладиган бўлди. Бухоро ҳукмдорлари томонидан «Зарби Бухоройи шариф», яъни «Бухоройи шарифда зарб этилган» деб битилган тамгалар билан олтин ва кумуш тангалар ҳамда мис чақалар ишлаб чиқарилган.

Дарҳақиқат, бу кўҳна ва шарофатли Бухоро шаҳрида турли асрларда бино қилинган 200 га яқин мадрасаларда ўз даврида минглаб толиби илмлар диний ва дунёвий билимлари олиб, бутун Ўрта Осиё бўйлаб зиё тарқатганлар. Мирзо Улуғбек томонидан Бухорода Чорсу майдонида қурдирилган мадраса дарвозасида ҳатто арабча «Илм олмакка интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун қарзу фарздир» деган сўзларнинг ўйиб ёзилиши, ўрта асрларда, айниқса тежурийлар ҳукмронлик қилган даврда илм ва маърифатга бўлган ижобий муносабатнинг ёрқин далилидир.

ХУЛЛАСИ КАЛОМ, ҳозирги кунда Бухоро ерларида етиштирилаётган турли-туман деҳқончилик маҳсулотларининг баракоти, бу вилоят қаъридан қазиб олинаётган олтин ва бошқа хил қимматбаҳо маъдан ва газ киши хаёлидан ўтар экан, қадимда бу кўҳна шаҳар ҳамда шу номдаги вилоятнинг Бухоро, яъни «тангри жамоли» ёки «табиат жиљоси» деб номланиши бу ўлканинг бой табии табиатга нақадар ҳамоҳанг ва монандлиги, бу сифат нақадар донолик билан берилгани кишини қойил қолдиради. Уйлаймишди, Бухоронинг ер-суви, табии бойликларини меъморий обидалари, ноҳия, шаҳар, гузар ва кўчалари, қишлоқлари ҳамда анҳор ва каналларининг кўҳна номлари тарихни ўрганишда нодир манба бўлиб, уларни ҳуда-беҳудага ўзгартирмасдан, эҳтиёт қилиб авлодларга етказиш авваламбор бухороликларининг, қолаверса юрагида ўти бор ватанпарвар ҳар бир кишининг шарафли бурчидир.

Абдулаҳад МУҲАММАДЖОНОВ,
ЎзбекистонФА мухбир аъзоси.

ЧҮЯН НИМАЛАРГА ҚОДИР

Ҳозирги замонда оғир ва енгил саноатни темирсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бир қарашда темир бизга яхши танишдек, аммо унинг аҳамияти ниҳоятда улкан эканлиги кўпчиликка маълум эмас.

Зотан, Ер куралида заҳираси кўплиги жиҳатдан темир фақат кремний (26,4 фоиз) ва алюминий (8,8 фоиз)дан кейинги ўринда туради. Унинг миқдори 4,7 фоиз. Темир табиатда ҳеч қачон соф ҳолда учрамайди. У кислород билан жуда тез киришиб кетадиган бўлганлиги учун ҳам фақат оксид ҳолатида маъдан таркибида учрайди. Темир оксидларидан бири гематитдир, таркибида 60 фоиз атрофида гематит мавжуд, қолгани алюминий ва кремний оксидларидир. Темирнинг бошқа оксидлари бўлган рудалардаги темир миқдори гематит бор маъданлардагига қараганда анча оз.

Металлургия комбинатида уларга ишлов бериш натижасида домна печидан чўян олинади ва ундан пўлат олиш учун кислородли конверторга ёки мартен печига юборилади. Собиқ мамлакатимизнинг домна печларидан чиқадиган чўяннинг атиги 10 фоизи ундан турли машина қисмлари ва керакли буюмлар қўйиш учун ишлатилади. Қолган 90 фоизи эса юқори сифатли пўлат олиш кислородли конвертор ва мартен печига юборилади.

Кўпчилик киши ўй-рўзғор буюмлари мисолида худди алюминий билан мисни яхши фарқлагандай чўян билан пўлатни ҳам яхши фарқлайди, лекин чўян билан пўлатнинг фарқи айнан нимада эканлигини яхши тушунтириб бера олмайди. Ҳамма гап уларнинг кимёвий таркибида. Айниқса пўлат таркибидаги углерод миқдори 2—3 фоизга орттиришнинг ўзи унинг хоссаларини кескин ўзгартириб юборади. Қаттиқлик, мустаҳкамлик каби хоссаларининг кескин орттиши эса уларни мўртлаштириб юборади.

Айтиб ўтилган хоссаларнинг бундай ўзгаришини шу металлнинг электрон тузилиши нуқтаи назаридан кўриб чиқса бўлади: электронларнинг s, p, d, f турлари ўзига хос электрон булутлар ҳосил қиладики, улар бир-биридан турли шаклдаги боғланиш ҳосил қилиши билан фарқланади. Масалан, s электрони ҳосил қилган электрон булутлар сферик кўринишга эга бўлса, p ва d электронлариники гантель шаклида, лекин мураккаброқ кўринишга эга. Углерод миқдорининг ошиб кетиши атомлар орасидаги электрон булутлар бир-бирига кўпроқ киришиб, мустаҳкам боғланиш ҳосил қилишига олиб келади. Бу эса металлнинг пластик хоссаларини тамоман йўқ қилади, яъни электрон булутлар бир-биридан аввалгидай аста-секин ажралмай қўяди. Маълум куч остида берилган зарба натижасида улар кескин ажралиб кетади, яъни сониянинг қандайдир кичик улушларида ёриқ ҳосил бўлиб, шароит тақозо этган траектория бўйлаб тезда тарқалади. Печ, плита ва чўяндан ясалган бошқа буюмларнинг шу тарзда дарз кетиб синишини кўпчилик кузатган бўлса керак. Пўлат сим, қувур ва ўй-рўзғор буюмлари синиши учун эса анча куч керак бўлади. Бунинг сабабини аста-секин тушуниб бораётгандирсиз!

Агар, чўянга нисбатан пўлатда углерод миқдори анча оз деб фикр юритаётган бўлсангиз, жуда тўғри: ҳамма гап мана шунда. Демак, углерод миқдори оз бўлса у пўлат, кўп бўлса чўян, деган хулосага келган бўлишингиз мумкин. Бу тўғри, албатта, лекин уларнинг чегараси қаерда? Бундай савол туғилиши табиий. Кўпчилик маъданшунослар темир-углерод диаграммасига асосланиб, бу чегара углерод миқдорининг 2,14 фоиз бўлиши деб айтишади. Ҳақиқатан, темир-углерод диаграммасида бу ҳол яққол кўзга ташланади, бироқ ишлаб чиқаришда бу чегара кўпчиликни қизиқтирмас ва керак, чунки саноатда ишлатиладиган пўлат таркибида углерод миқдори 2 фоизга етмайди (бу миқдордаги углерод пўлат хоссаларини жуда ҳам ўзгартириб юборади), чўян таркибида эса у 2,14 фоиздан анча кўп бўлади.


Темир-углерод қотишмаларида шу унсурлар атомлари ўзаро бирлашиб, мураккаб тузилишга эга бўлган кимёвий

бирикма цементитни ҳосил қилади. У 12 темир ва 4 углерод атомидан тузилган бўлиб, углерод миқдори масса бўйича 6,67 фоизга тенгдир. Цементит метастабил тузилма, чунки ҳарорат кўтарилиши билан секин-аста парчланиб, ундан соф ҳолдаги углерод, яъни графит ҳосил бўлиши мумкин, шунинг учун темир-углерод диаграммаси икки хил: метастабил кўринишга — суёқ, эритилган ҳолатдан цементит ажралиб чиқишини кўрсатувчи диаграммага ва стабил кўринишга — ўша эритма ҳолатидан графит ажралиб чиқишини кўрсатувчи диаграммага эга.

Темирда углерод миқдорининг ортиб бориши цементит ёки трафит кўпроқ ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Агар цементит ёки графит кўпроқ ажралиб чиқишига сабаб бўлади. Агар цементит пўлат ёки чўян асосига нисбатан ўта қаттиқлигини ва шу билан бирга графитдай ўта мўрт эканлигини айтиб ўтадиган бўлсак, бизни ўйлантирган муаммони, яъни чўян нима учун қаттиқ ва мўрт эканлигини унинг пўлатдан фарқи нимада эканлигини англаб етишимиз қийин эмас. Хўш, чўян аслида нималарга қодир!

Цементитнинг қаттиқ ва мўрт бўлишидан ташқари, яна бир хоссаси борки, кўпчилик маъданшуносларни қизиқтириб келади: бу унинг ишқаланиб емирилишга чидамли эканидир. Унинг бу хоссасидан машинасозлик соҳасида вал ва шестернялар тайёрлашда кенг фойдаланилади, ҳатто енгил автомашиналарнинг тақсимловчи валлари ҳам кейинги вақтларда чўяннинг ишқаланиб емирилишга чидамлилиги хоссасига асосланмоқда.

Кейинги вақтларда олимларимиз ушбу хоссаларни янада яхшилаш устида иш олиб боришмоқда. Чўяни легирлаш йўли билан, аниқроғи, легирлаш туфайли ажралиб чиқувчи бирикмалар ҳисобига унинг емирилишга қаршилиги оширилмоқда. Бу кимёвий бирикмалар карбидлар деб аталиб хром, ванадий, молибден, вольфрам, титан, ниобий каби унсурларнинг углерод билан бирикишидан ҳосил бўлади. Темир карбиди цементитдан кўпчилик ҳолатларда тузилиши билан фарқланувчи бу карбидлар унга нисбатан анча қаттиқ, емирилишга эса анча катта қаршилик кўрсатиш билан бир вақтда мўртлик томонидан ҳам ҳеч қолишмайди. Таркибида шу элементлар карбиди бўлган чўянлар оддий, яъни легирланмаган чўянга нисбатан емирилишга 10—15 марта кўпроқ чидамли эканлиги аниқланган.



Ушбу суратда 9 фоиз хромли чўяннинг микротузилмаси кўрсатилган. Бирламчи карбидлар деб аталувчи йирик-йирик титан карбидлари яққол кўзга ташланиб турибди, қолган майдалари эса хром карбидларидир. Улардан ташқари, чўян асосида умуман пластиклик хоссаларини йўқотган ва мартенсит деб аталувчи, углеродга тўйинган тузилма ва беқарор аустенит ҳам мавжуд.

Бундай чидамлилиқ хоссаларини ҳосил қилишда олимпларимиз асосан анъанавий усуллардан фойдаланишади, яъни тузилмасида графит бўлган антифрикцион чўянлар ва юқори мустаҳкамликка эга бўлган чўянларни тоблаш натижасида олинган қаттиқлик хоссасини ва мойловчи материал ҳисобланган графитнинг ишқаланиш вақтидаги ижобий таъсирини (емирилишни камайтиришини) асос қилиб олишади.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозирда нафақат чўян, балки пўлат, рангли металллар ва бошқа композицион материалларга янгича усул билан ишлов бериб, уларнинг хоссаларини яхшилаш вақти келди. Металлларни турли легирловчи элементлар ёрдамида хилма-хил усулда легирлаш, яъни шунинг натижасида ҳосил бўлувчи карбидлар, нитридлар (айрим элементларнинг азот билан бирлашмаси)ни ҳосил қилиш, лазер ёрдамида ва плазмали ишлов бериш натижасида керакли хоссаларни олиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Афсуски, олимпларимиз бунга жуда кам эътибор беришмоқда. Тўғри, бунга мамлакатдаги иқтисодий аҳвол ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қўймапти. Илмий лабораторияларда керакли техника асбоб-ускунанинг етишмаслиги, лазер плазма қурилмалари эса собиқ мамлакат миқёсида саноқли даражада эканлиги бунинг яққол далили бўла олади.

Шунга қарамай, биз озгина бўлса ҳам ютуқларга эришдик, дейишимиз мумкин. Мана бунга мисол: таркибида 3 фоиздан углерод, марганец, титан, 2 фоиздан кремний бўлган чўянга аввал 3, кейин 6, ундан сўнг эса 9 фоиздан хром қўшилиб, 850 даража ҳароратда тоблағач, шу жараён туфайли ҳосил бўлган ички тузилма (термик) кучланишларини камайтириш учун маълум вақт давомида 200 даража ҳароратда бўшатилган. Натижада 9 фоиз хромли чўян қолганларига нисбатан анча қаттиқ ва мустаҳкам бўлиб чиқди. Ишқаланиб емирилишга қаршилиги эса 3 фоиз хромли чўянга нисбатан 1,5 марта, оддий, легирланмаган чўянга нисбатан эса 15—16 марта юқори бўлди.

Бу қотишмадаги ҳар бир кимёвий унсурнинг ўз вазифаси бор, албатта. Титан ва хромнинг вазифаси углерод билан бирикиб зарур шаклдаги карбидлар ҳосил қилиш бўлса, кремний ва марганецнинг вазифаси тоблаш жараёнида қотишмаларга керакли микротузилмани беришдир. Айниқса, марганец стабил бўлмаган аустенит номли микротузилмани ҳосил қилишда муҳим роль ўйнайди. Аустенит тоблаш жараёнидаги юқори ҳароратдан кескин совитилганда фаза ўзгаришига учрамай қолган тузилма кўринишида бўлади. Бу микротузилма шунинг учун ҳам ностабил дейиладикки, деталнинг ишлаши вақтидаги ҳар хил ишқаланиш ва урилиш кучлари остида ўз фаза кўринишини ўзгартиради, яъни деталнинг микротузилмаси ўзгариб, қаттиқлиги ва мустаҳкамлиги ошади. Бу эса унинг ишлаш даврини узайтиради.

Биз айтиб ўтган ушбу тузилмалар биргаликда чўянга энг катта қаттиқлик, мустаҳкамлик беради ва ишқаланиб емирилишга бошқа тузилмалар бирлашмасига қараганда кўпроқ қаршилиқ кўрсатади. Кўриб турганингиздек, бу чўянда графит умуман йўқ. Гап шундаки, чўянга қўшилган 3 фоиз титан углерод соф ҳолда ажралиб чиқишига йўл қўймай, ҳаммасини ўзига бириктириб олиб, титан карбидини ҳосил қилади. Агар 1 фоиз титан 0,45 фоиз углеродни карбидга боғлашини ҳисобга олсак, ҳамма нарса аён бўлади қўяди. 3 фоиз титан билан 9 фоиз графит ҳосил бўлишига имкон бермайди, албатта.

Шундай экан, нима учун бизда айнан шу чўян ишлатилмайди, ахир унинг ишқаланиб емирилишга катта қаршилиқ кўрсатиши дярли барча соҳаларда керак-ку! Афсуски, бундай чўянлар аста-секин қўллана бошланаётир, устига-устак титан ноёб. Бироқ шунга қарамай, олимпларимиз янги пўлат ва чўян турларини топишда, уларни олиш учун янги хил технологияларни ишлаб чиқишда ва уларни ишлаб чиқаришдаги экологик ва иқтисодий қулайликларни излашда ҳануз давом этмоқдалар.

Бахтиёр ҚАЮМОВ,
«Андижонгидроماش» ишлаб чиқариш бирлашмасининг
муҳандис технологи, маъданшунос.

КАМҚОНЛИК ДАВОСИ — ТУНУКА ИДИШ

Қадимги Хитойда камбағал кишилар тунука идишда овқат еганлар (бойлар эса чинни идишда овқат еганлар). Бир замонлар ясалган қадимги бу тунука идишлар бир авлодгагина эмас, балки ўзидан кейинги кўпгина авлодларга ҳам хизмат қилган. Кейинчалик эса уларнинг ўрнини арзон алюмин ва пластик идишлар эгаллади. Шу билан бирга янги хасталиклар, жумладан анемия (камқонлик) пайдо бўлди. Хитой табобати яратган, жорий қилган ва қадимда шифокорлар тавсия қилган тунука идишлар бекорга яратилмаганлиги олимпларни ўйлатиб қўйди. Чунки «қон янгилинишида темир моддаси ишти-

рок этмаслиги ақлга тўғри келмайди», албатта. Ҳозир Хитойда тунука идишлар баҳоси анча юқори. У қанча қадимги бўлса нархи шунча қиммат туради. Бундай идишларни фақат пулдорлар сотиб олиши мумкин.

Камбағаллар эса алюмин ва пластик идишларни беэиён бўлган чинни идишларга алмашмоқда.



ЭКРАНДА ЧАҚИРИЛМАГАН МЕҲМОН



Францияда уйлардаги эшикка махсус янги моделдаги қўнғироқ ўрнатилган. Уни «телеқўнғироқ» деб номлаш мумкин. Чунки бундай қўнғироқни телевизорга улаб қўйса бўлади. Телевизорни ўчириб қўйган бўлсангиз ҳам қўнғироқ тугмаси босилса, у овоз чиқариш билан бирга телевизор экранига ўйингизга келган кишининг тасвири пайдо бўлади.

АНАНАС БАРГИДАН ТОЛА

Ҳаммага маълумки, ананас ширин ва хушбўйлиги билан машҳурдир. Бунга яна унинг бошқа фазилати ҳам қўшилди, яъни унинг баргидан жуда пишиқ ва толаси шойиникига қараганда тўрт маротаба ингичка бўлган тола олиш мумкин экан. Япониянинг «Канэбо» фирмаси ананас баргидан олинган толадан мато яратиш

технологиясини ишлаб чиқдилар. Бунинг учун ананас барги махсус мойга ботириб олинади (қандай мойлигини фирма сир сақламоқда). Фирманинг ананасдан тайёрлаган янги бу кўркам маҳсулоти тағига президентнинг шахсан ўзи «бу толадан тайёрланган мато ҳамма машҳур матолардан ҳам юпқа ва жуда пишиқ» деб ёзган.

ҚАТРАН ОРОЛГА КЕЛДИ

Орол муаммоси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси олимлари олдига ҳам катта вазифалар қўйди. Ҳозирги даврга келиб денгизнинг ярмидан кўпроғи қуриди, натижада 3 миллион гектарга яқин шўр саҳро вужудга келди. Бу ердан кучли шамол таъсирида туз ва қум қуюни ҳавога кўтарилиб бир қанча вилоятлардаги қишлоқ хўжалик экинлари, табиий ўтлоқларга тушиб катта таълофат келтирмоқда, шу ҳудуддаги аҳоли соғлиғига ҳам салбий таъсир этмоқда.

Денгиз сувининг кескин камайиши, атрофдаги, айниқса Амударё ҳавзасидаги ўсимликлар қопламани ўзгартириб юборди. Тупроқнинг кучли шўрланиши туфайли катта майдонлардаги қамиш, янтоқ, ширинмия каби ем-хашак ўсимликлари кескин камайиб кетди. Улар ўрнида эса оқбош, юлғун, қорабароқ сингари чорвачилик учун яроқсиз ўсимликлар пайдо бўлди. Набототшунос олимларнинг асосий вазифаси бу ердаги экологик муҳитни яхшилаш мақсадида денгизнинг қуриган қисмидан қум ва туз кўчишини камайтириш йўллари излаб топишдан иборат.

Шу муносабат билан биз 1987 йилдан бошлаб 30 дан ортиқ ўсимлик турларини синовдан ўтказдик, улар орасида қатран алоҳида ўринда туради. Индовдошлар оиласига мансуб бу ўсимликнинг Ўрта Осиёда 6, жумҳуриятимиз ҳудудида эса 5 тури ўсади. У қимматли ем-хашак, асал берувчи, айрим турлари эса ҳатто мойли ўсимлик ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уларнинг биологиясини ўрганиш, маданийлаштириш ва ишлаб чиқаришга тавсия қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда тарқалган қатран турларини ўрганишга биология фанлари доктори, профессор Н. Амирхонов ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди.

Ушбу ўсимликнинг «ёқимли қатран» деб номланган тури (баъзан у татун ҳам деб аталади) Тиёньшонь тоғининг ғарбий қисмида — Калас, Ангрен, Чирчиқ воҳаларида анча кенг тарқалган.

Қатранни маданийлаштириш бўйича олиб борилган тажрибаларимиз шуни кўрсатдики, ундан биринчи йили 15—17, иккинчи йилдан бошлаб эса 36—38 центнердан пичан етиштириш мумкин. Агар кўп йиллик бошоқли

ем-хашак ўтлари-агропирон кристатум ёки кўп йиллик сули билан аралштириб экилса ҳосилдорлик 60—65 центнерга етар экан.

Қатран дастлаб 1988 йил октябрь ойининг охирида Мўйноқ ноҳиясининг «Орол» давлат хўжалиги ҳудудида жойлашган тажриба даласига экилди. Кейинги йилларда ҳам тажрибани такрорлаб бордик. 1990—91 йилларга келиб қатран экилган майдон 1 гектарга етди.

Кузда экилган қатран уруғлари қиши билан тупроқ остида қолиб, эрта баҳор униб чиқди. Қатран биринчи йили илдииз бўғизидаги куртақлардан барглар ўсиб ёпирмабарг ҳосил қила-



Орол бўйидаги ўта ноқулай табиий шароитга дош бериб унган қатран (биринчи ва иккинчи йил ниҳоллар).



ди. Августнинг ўрталарига келиб барглар сони 22—24 тага етди. Барглар йирик, узунлиги 35—70, эни эса 10—25 см, илдиизлари биринчи йилиёқ кучли ривожланиб, ўқ илдиизи 30, ён илдиизларнинг узунлиги 110—140 сантиметрга етади.

Қатран иккинчи йили қишки тиним давридан кейин тез ўсиб ривожланди, натижада 95—100 фоиз генератив даврга кирди. Март ойининг бошларидаёқ ўсиш бошланиб, апрель ойининг ўрталарида 14—16 та, май ойига келиб эса 34—37 тагача барг ҳосил қилди. Ҳар бир ўсимликда 1—6 тадан генератив поя ҳосил бўлиб, уларнинг узунлиги 80—120 сантиметргача етди. Генератив поялар кучли шохланиши сабабли ўсимлик шарсимон шаклини олиб, унинг айланаси 40—60 сантиметрга етди. Шунинг учун ҳам Тошкент вилояти хўжаликларида ипак курти учун қатран поясидан даста сифатида ҳам фойдаланилади. Маълум бўлишича, ипак куртлари қатран дастасида яхшироқ пилла ўрар экан.

Қатран апрель ойининг ўрталарида шоналаб, май ойининг ўрталарида қийғос гулга киради. Гуллаш даври анча узоқ — 35—40 кунга етади. Шунинг учун бу ўсимликдан асаларичиликда кенг фойдаланиш мумкин. Июнь ойининг охири, июль бошларида меваси пишиб етилади. Қатран сермева гиёҳ, бир тупида ўртача 60—65 граммгача уруғ ҳосил бўлади. Мевалар пишиб етилиши билан дастлаб генератив пояси, сўнгра барглари аста-секин қурий бошлайди. Кузги биринчи ёмғирдан кейин эса яна кўкара бошлайди. Иккинчи йили ўқ илдиизи 180 сантиметргача тупроқ остига кириб бориб, кучли шохланади. Биринчи йилиёқ гектаридан 12—14, иккинчи ва учинчи йили эса 22—25 центнердан қатран пичани йиғиб олинади.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, қатран гарчи тоғ-адир ўсимлиги бўлсада, у шўрхоқ, қумлоқ тупроқларда ҳам яхши ўсиб, ҳосил беради. У Орол бўйларида сунъий пичанзорлар, ўтлоқлар ташкил қилишда истиқболга эга. Айниқса лалмикор, кўп йиллик ем-хашак ўтлари — сули, агропирон, изень, терескен ва бошқа ўсимликлар билан аралштириб экилганда ўтлоқларнинг ҳосилдорлиги ва сифати ортади. Қолаверса қатран сермева ўсимлик бўлганлиги ва унчалик тупроқ танламаганлиги учун пиллакор хўжаликларда махсус жойларга экилиб пилла ўратиш учун даста сифатида ҳам фойдаланиш мумкин.

Уктам ПРАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси
Ботаника илмгоҳининг директори,
биология фанлари доктори.

Валижон МАҲМУДОВ,

шу илмгоҳнинг катта илмий ходими,
биология фанлари номзоди.



НАБОТОТ
ОЛАМИДА

ЙИЛ БЎЙИ — СУМАЛАК

Наврўз байрамини сумалаксиз тасаввур этиб бўлмайд. Бу байрам икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлгани каби сумалак ҳам шунчалик узоқ тарихга эга. Бу ҳақда буюк мутафаккирлар — Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний асарларида ҳам ёзилган.

Ҳозирда сумалак ва шу каби баҳорий таомлар асосан мусулмон мамлакатларида тайёрланади. Қадимда деҳқонлар, буғдойнинг маълум бир қисмини эксалар, қолган қисмини сумалак тайёрлаш учун олиб кўйишган.

Сумалакнинг кимёвий таркибини олимларимиз текшириб унда минерал моддалар, дори-дармонлар мавжудлигини тасдиқлади.

Буғдой ниҳолида токоферол деб аталувчи рангсиз ёғсимон модда бўлиб, фақат ёғда эрийдиган Е витаминдир. У 170 даража иссиқда қиздирилганда кислородсиз муҳитда ҳам ўз табиийлигини сақлаб қолади. Мазкур модда шифобахшлиги жиҳатидан «ҳаёт илдизи» — женшенга яқин турар экан.

Бизнинг тадқиқотларимиз шунни кўрсатдики, ҳам буғдой, ҳам арпадан тайёрланган сумалак турларининг кимёвий таркиби бир-биридан кўп фарқ қилмайди. Ундирилган буғдой донидан тайёрланган сумалак таркибида 11,5 фоиз оқсил, шундан сал кўпроқ углевод ва 5,9 фоиз ёғ бўлади. Шунингдек Е витамини ҳам бўлиб, унинг калорияси ҳам юқори.

Арпанинг ҳосияти ҳақида Маҳмуд Қошғарий, Беруний, Умар Хайёмлар ҳам ёзишган.

Умар Хайёмнинг ёзишича арпа табаррук дон, унинг майсаси эса баракат рамзидир. Кимда-ким эрта кўкламда арпа майсалари орасидан оқиб ўтган



сувдан ичса, чарчоғи ёзилади, ошқозон дардларидан фориғ бўлади, келаси йил арпа пишиғига чак тетик ва бардам бўлади.

Халқнинг анъанавий усулларидан фойдаланган ҳолда арпадан сумалак тайёрлашнинг қолдиқсиз технология ва рецептурасини ишлаб чиқдик. Бу борадаги таклифимиз учун Бутунитифоқ давлат патент экспертиза илмий-текшириш илмгоҳи томонидан иккита муаллифлик гувоҳномаси берилди.

Қолдиқсиз сумалакни фақат баҳорда эмас, балки йил бўйи тайёрлаш технологияси ишлаб чиқилди. Шунингдек сумалак тайёрлашга ихтисослашган кичик корхона очишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Ҳозир болгариялик Христо Василев Урта Осие фирмалари ва биргаликдаги болгар-совет корхоналари вакили ёрдами билан бу махсус кичик корхона учун жиҳозлар келтиришга келишдик. Биргаликда кичик корхона ташкил қилиш учун Болгарияга сумалак юборганимизда уларга ҳам бу ширин таом маъкул бўлиб, корхонани тезроқ жиҳозлашни ўз зиммаларига олдилар.

Сумалак қон босимини тушириш хусусиятига эга, шунингдек юрактомир ишини яхшилайд. У тўйимли таом ҳисобланади.

Қолдиқсиз тайёрланган сумалак шифобахш ҳисобланиб, доннинг устки қаттиқ қатлами майдаланиб кўшилади, у таомнинг 16—20 фоизини ташкил этади. Бу эса вужудда холестерин ишлаб чиқаришни, ичак ишини ва овқат ҳазм бўлишини яхшилайд. Ичакдаги микрофлора таркибини мувозанатга келтиради, шунингдек қондаги углевод ва қон зардобидеги ёғ концентрациясини камайтиради, ҳамда вужуддан оғир металлларнинг ажралиб чиқишини яхшилайд.

Агарда у наҳорга чой ва ёпилган нон билан истеъмол қилинса, кун бўйи ўзингизни тетик ҳис қиласиз. Сумалакни организм қувватсизланганда, кўп вақт касалликдан сўнг соғайган вақтда, аёллар ҳомиладорлик даврида ва ундан сўнг ҳам истеъмол қилишни тавсия этамиз.

Хулоса қилиб айтганда авлод-аждодларимиз сумалакни беҳуда наврўзнинг шоҳ таоми дейишмаган. Биз мақола ниҳоясида нафи тегиб қолар деган умидда 10 килограмм қолдиқсиз сумалак тайёрлаш учун зарур бўлган масаллиқ рўйхатини келтирамиз: 2 килограмм биринчи нав ун, 750 грамм пахта ёғи, 2,5 килограмм арпа дони ва 250 грамм шакар.

Ахрор МАҲМУДОВ,

Г. В. Плеханов номидаги Москва халқ хўжалиги олий билимгоҳи аспиранти.

Баҳром МАҲМАДАЛИЕВ,

шу билимгоҳ докторанти, доцент.



Наврўз дастурхони

Курама

КАКТУС ВА КОМПЬЮТЕР

Компьютер ҳамма жойдаги — конструкторлик бюроси, канцелярия, каса ва ательедаги ишларни енгиллатади. Лекин ҳар бир нарсанинг яхши ва ёмон томони бор бўлганидай, компьютер ҳам бир томондан қулайлик яратса, иккинчи томондан нохушлик — умумий ном билан айтганда «компьютер синдроми»ни келтириб чиқарар экан. Бунда бош оғриши, уйқусизлик, кўз ёшланиши ва бошқалар содир бўлиши мум-

кин. Буларнинг ҳаммаси компьютердан чиқаётган кучсиз нур таъсирида пайдо бўлади.

Маълумотларга қараганда оддий, ишончли ва аччиқ бўлган кактус бунга қарши энг яхши чора экан. Биологларнинг айтишича, тувакдаги кактус компьютер экранни ёнига қўйилса, компьютердаги зарарли таъсир жуда тез камайд. Энди фақат бир нарса — «кактус синдроми» бор-йўқлигини исботлаб бериш қолди, холос.



ШАФҚАТСИЗ ТАБИАТ АЙИРДИ БИЗНИ



Таҳрир бобида беназир Анвар Мухаммадқулов (ўртада) биология фанлари номзода Собир Матқубовнинг (ўнгда) мақола-сини муаллиф иштирокида таҳрир қиляпти. 1975 йил.

Мўминнинг ўлиmidан сўнг ҳам ёзилиб турадиган амаллар — тарқатган илми, қобил фарзанд, меърос қолдирган куръони, қурган масжиди, меҳмонхона-си, чиқарган суви, соғлик ва ҳаётлик пайтида қилган садақасидир.

ҲАДИС.

ХОТИРА... Фано олаmidан бақо оламга ҳижрат қилган қариндош-уруғ, ҳеш-ақрабо, таниш-билишларни ёдга олиш кишига анча таскин беради. Айниқса, сен билан бирга ишлаб, ишдаги аччиқ-чучуқликларни бирга тотган, лекин шафқатсиз ўлим ўз домига олган азиз биродарларнинг сиймосини кўз ўнгингда гавдалантирар экансан, юрагинг алланечук орзиқиб кетади.

«Фан ва турмуш» ойномаси илк бор чиққанидан буён ўтган қарийб олти йил давомида ойнома таҳририяти ва муҳарририятида ишлаб, уни кенг муштарийлар омма-сига манзур қилишда ўзининг баҳоли қудрат ҳиссасини қўшган биродарларимиздан қанчалари оламдан кўз юмишди. Хусусан, ойнома бош муҳаррири бўлиб ишлаган: машҳур адабиётшунос профессор Отажон Ҳошим, академиклар — Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Маҳмадҷон Урозбоев, Иброҳим Мўминов, Музаффар Ҳомудхонов, академиянинг муҳбир аъзоси Икром Исломов, ойнома бош муҳаррирининг ўринбосари бўлиб ишлаган профес-сор Ҳамидулла Ҳасанов, ойнома масъул котиби бўлиб ишлаган Аҳмадҷон Ёқубов ва Анвар Мухаммадқулов, ойнома таҳрир ҳайъатининг аъзоси бўлиб ишлаган ака-демиклар: Ҳабиб Абдуллаев, Мусо Ойбек, Саъди Сиро-жиддинов, Аҳрор Музаффаров, Шокир Алимов, Мақсуда Ҳожинова, Ҳадича Сулаймонова, академиянинг муҳбир аъзолари Ғофир Раҳимов, Эргаш Отахонов, профессор-лар: Зулфия Умидова, Одил Мухторов, Атоулла Оқилов, Тельман Абдушүкуров, муҳарририятда ишлаган Иброҳим Назиров, Мухаммадҷон Раҳимов фаолиятлари ойнома та-рихининг зарварақларини ташкил этади. Уларни Оллоҳ раҳмат қилсин.

КАМИНА Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий раҳбарлигида ет-ти йил ишлаш шарафига муяссар бўлган. У кишининг ўгитлари ҳамон ёдимда. Айниқса ваъдага вафо бобида. Тошмуҳаммад Ниёзович ойномага жамоатчилик асосида бош муҳаррир бўлиб, асли Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари илмгоҳида олий математика кафедрасига мудирлик қилар эдилар. Муҳарририятимизга кўпинча пешинда келар эдилар. Бир куни негадир эртароқ келдилар. Бир оз ҳаяжонланган-ликлари сезилиб турарди. Маълум бўлишича, Москвадаги сиёсий нашриёт бош муҳаррири Тошкентга келиб, Шароф Рашидовдан «Ажойиб кишилар ҳаёти» рукнида ҳаёти ва фаолияти ёритилишига арзигулик бирон фан ва маданият

арбоби номзодини кўрсатишини илтимос қилибди. Шароф Рашидов бундай номзодликка Тошмуҳаммад Қори-Ниё-зийни таклиф этибди. Бу масала Шароф Рашидов ҳузурда Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий иштирокида обдан муҳомада-дан ўтгач, Тошмуҳаммад Ниёзович уйига қайтиб, қўлёз-мани тайёрлаш муддатини кўрсатиб сиёсий нашриётнинг директори номига хат жўнатибди. Эртаси куни ушбу хат-нинг иккинчи нусхасини архивга қўяётиб, разм солса, машинистка қўлёзмани Москвага жўнатиш муддатини «1970 йил кузи» ўрнига «1969 йил кузи» деб ёзиб қўйган экан. Нашриёт раҳбариятига қайтадан тузатиш хати юбо-ришни ўзларига эп кўрмабдилар. Лекин жўнатиш хатда кўрсатилган муҳлат жуда оз. «Энди суткасига йигирма тўрт соат ишласам ҳам, ваъдани бажармасдан иложим йўқ», дедилар. Буни қарангки, Тошмуҳаммад Ниёзович китоб қўлёзмасини ўз вақтида тахт қилиб Москвага жў-натдилар, корректурасини ҳам ўқиб чиқдилар, лекин уни китоб ҳолида кўриш насиб этмади. 1970 йил 17 март куни Тошмуҳаммад Ниёзович оламдан ўтдилар.

Вафотларидан уч кун олдин муҳарририятимизга соат тўртларда келиб, алламаҳалгача сўхбатлашиб ўтирар экан-лар «Бу ўтиришлар ҳам ғанимат» дея соатга қараб қўй-дилар. Сўнг узоқ ўйга чўмиб: «Кўқонда бир қария бор эди, у қаттиқ нонни чойга бўктириб беташиш еб ўтирарди. Ҳаёт шунинки экан», дедилар. Сўнг давом этиб. «Араб ёзуви йўқолиши халқимизни кўр қилиб қўйди, қанчадан-қанча қўлёзмалар арабча бўлганлигидан ўқилмай ётибди, халқимиз ўз тарихидан узоқлаштирилди» дея кўйиниб гапирдилар. Ҳа, булар, ўлим олдидан айтилган аччиқ ҳақиқат эди.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиш жоиз. Айрим зиё-лилар араб ёзувининг йўқотилишига Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий сабабчи бўлган, дейишади. Маълумки, араб ёзуви-дан лотинлаштирилган ёзувга 1928 йилдан ўтила бошлан-ган. Бу вақтда Тошмуҳаммад Ниёзович Урта Осие давлат дорилфунунининг физика-математика куллийетини энди-гина битириб, шу дорилфунунда ўқитувчилик қиларди. Би-нобарин, ёзувни ислоҳ қилиш даражасидаги мавқега эга эмас эди. Тўғри, 1940 йили лотин алифбосидан рус алифбо-си асосидаги ёзувга ўтишда у киши бош-қош бўлганлар. Чунки бу тадбир 1939 йилларда жумҳурият Халқ Комис-сарлари Кенгаши раисининг фан ва маданият ишлари бўйича ўринбосари, айни пайтда СССР ФА Ўзбекистон филиали президиумининг раиси сифатида унинг зиммасига юклатилган эди.

Тошмуҳаммад Ниёзович «Фан ва турмуш» ойномасида бериладиган мақолалар учта талабга жавоб беришини, яъни: оммабоп, қизиқарли ва илмий асосда бўлишини мудом таъкидлаб, бу ойномани ҳар бир хонадонда етти яшардан етмиш яшаргача бемалол ўқиб, билимини ошира-диган бўлиши кераклигини ўқдирар эдилар.



ОЙНОМА таҳририятига академик Музаффар Ҳомудхон бир неча ойгина бошчилик қилганлигига қарамай, муҳарририят ходимларида бир умрлик ўчмас таассурот қолдирди. Музаффар Зоҳидхоневич одамоҳун, ўта камтар ва киши қадрига етадиган инсон эдилар. У киши муҳарририятда ишни ойноманинг 1957 йилдан бошлаб йиғилган таҳламаларини варақлашдан бошлади. Ҳар хафтанинг сешанба кунини соат 11 дан 14 гача муҳарририятда бўлиши одат қилиб олган эдилар. Хонада Қори-Ниёзий давридан буён бош муҳаррир столи бўлишига қарамай, Музаффар Зоҳидхоневич шундоққина эшикдан кираверишдаги столга ўтирардилар-да, ҳол-аҳвол сўрашгач, ойнакларини тўтиб ишга шўнғирдилар. Тошкентдаги энг катта билим маскани — Абу Райҳон Беруний номидаги Политехника олий билимгоҳининг раҳбаридек серюмуш вазифаси бўлишига қарамай ойнома иши учун ҳафтада муайян вақт ажрата билган одамининг инсон билан ишлаш узоқ насиб этмади — 1972 йил 25 июнда Музаффар Ҳомудхон фожеали ҳалок бўлди.

БАҒРИ кенг инсонлардан бири Иброҳим Мўминов эди. У киши нечоғли юсак лавозимларда ишласалар-да, ўзларининг ойномада чиққан ҳар бир мақолалари учун жуда севиб кетардилар. Эсимда, 1968 йил сентябрида Иброҳим Мўминовнинг 60 йиллиги олдидан унга бир неча саволлар билан мурожаат қилдим ва савол-жавоблар ойномада босилиб чиқди. Бу материалга «Устозим — волидам» дея сарлавҳа қўйган эдим. Ойноманинг илк нусхаси чиққан кунидек домла ҳузурига кирдим. У киши ойномани варақлаш туриб ўзлари билан қилинган савол-жавоблар босилган саҳифани очганларида сарлавҳага кўзлари тушиши билан чеҳралари ёришиб, кўзлари бир оз ёшланди, ўрниларидан туриб мени бағриларига олдилар-да: «Боплабсиз, жуда ўринли ёзибсиз. Сиз ҳам мингга кирилинг», деб миннатдорчилик билдирдилар...

1973 йили шундай воқеа рўй берганди. Иброҳим Мўминовни марказий ойномада икки бор танқид қилган бир шарқшунос олим муҳарририятимизга мақола олиб келди. Одатда, ижтимоий фан соҳасидаги муаммоли мақолаларни таҳрир ҳайъати Иброҳим Мўминов билан маслаҳатлашишга тавсия этар эди. Шу тавсия бўйича камини мақолани Иброҳим Мўминовга кўрсатдим. Мақолада муҳим тарихий масалаларни ёритиш баробарида Амир Темур ҳақида нордон гаплар ҳам айтилганди. Иброҳим Мўминов мақолани эринмай синчиклаб қараб чиқдилар-да, кейин менга юзланиб: «Мақола жуда яхши, Амир Темур ҳақида айтилган ўринсиз гапларни олиб ташлаш керак. Ҳозир шошилманглар, мақолани 2—3 ойдан кейин берсанглар бўлади», дедилар: Буни қаранг, домлани Амир Темурни бир ёқлама талқин этиб, идеаллаштириб юборди, деб бутун мамлакатга марказий ойнома орқали айюҳаннос солган кишининг мақоласини, кек сақламай, ойномада албатта берилиши кераклигини таъкидлади. Бу — тантилиқдир.

КАМИНАНИНГ ойнома муҳарририятига ишга келишига сабабчи профессор Ҳамидулла Ҳасанов бўлган. Тошкент Давлат Дорилфунунининг 4-курсда ўқиб юрганлимида тўрт нафар талабанинг қўлига қоғоз тутқазиб жумҳурият Фанлар академиясининг нашриётига юборганлар. Бу ернинг ўзига хос «чийриқлари»дан ўтгач, тақсимот комиссиясидан шу ерга — «Фан ва турмуш» муҳарририяти ҳузурига чоп этиладиган «Ер ва эл» ойномасида ишлашга юборилишимни сўраб талабнома юборганлар.

Ҳамидулла Ҳасанов таҳрир ҳайъати аъзолари орасида энг фаолларидан эди. У кишининг ўзи муаллифлар топиб мақола ёздириб олиб келар, муҳарририятимизга келган у кишининг соҳасига оид мақолаларни кўздан кечирибгина қолмай, балки таҳрир қилар ҳам эди. «Ўзбек Магеллани» номини олган машҳур жуғрофиюн Ҳамидулла Ҳасанов кунларининг бирида шундай воқеани айтиб бергандилар. 50-йилларда илмий-фантастик асар ёзган эканлар. Унда Фарғона водийси фарб томондан баланд девор билан тўсилса, бу ернинг табияти субтропик бўлиши тасвирланган экан. Лекин бундан хабар толган айрим «тирноқ остидан кир қидирувчилар» Ҳамидулла Ҳасанов Ўзбекистонни Россиядан баланд девор билан тўсиш ғоясини илгарчи суряпти, деб гап чиқаришибди. Шундан кейин Ҳамидулла Ҳасанов

бу асарини бутунлай йўқотиб юборган экан, афсус. Ойнома саҳифаларида босилган Ҳамидулла Ҳасановнинг турли мамлакатларга қилган сафар таассуротлари, ўзбеклардан чиққан машҳур сайёҳлар, жуғрофий атамалар борасидаги мақолалар ҳали-ҳануз муштарийлар хотирасида сақланиб келяпти.

МАЪЛУМКИ, ойнома гарчи 1933 йилдан чиқа бошлаган бўлса-да, улуг Ватан уруши муносабати билан тўхтатиб қўйилган эди. Шу ойноманинг қайта дунёга келишига сабаб бўлган киши — машҳур журналист Аҳмаджон Ёқубовдир. У киши дастлаб ойноманинг масъул котиби, кейинчалик нашриёт директори лавозимида ишлаб турган даврида ҳам «Фан ва турмуш» мундарижасидан доимо



Муҳарририятда ижодий машварат. 1977 йили олинган бу суратда (чапдан ўнгга): Рустам Обидов, София Одилова, Маҳмаджон Раҳимов, Иброҳим Назиров ва Илҳом Ориповларни кўриб турибсиз.

бохабар бўлиб турди. У дам-бадам ойнома муҳарририятига кирар, ҳар бир ходим билан бақамти суҳбатлашиб, қандай мавзулар устида ишлаётганлигини суриштирар, уларга маслаҳатлар берар эди. Бир кунни Аҳмаджон ака муҳарририятимизга кириб: «Узоқ умр кўриш масаласи билан ким шўғулланыпти!» деб мурожаат қилди. Журналист Анвар Муҳаммадқулов шу масала билан шўғулланаётганини айтди. Шунда Аҳмаджон ака бу мавзуда марказий матбуотда сўнгги вақтда эълон қилинган мақолаларни бирма-бир санаб, улардан фойдаланиш кераклигини таъкидлади. Аҳмаджон Ёқубов ойномага турли мавзуларда мақолалар ёзишдан ташқари, тўпламлар тузишга ҳам бошқош бўлди. «Табиат ва инсон» тўплами Аҳмаджон Ёқубовнинг ташаббуси билан юзага келган. Афсус, бу тўпоамни кўриш унинг ўзига насиб этмади. Аҳмаджон Ёқубов 1964 йил августда тўсатдан вафот этди. Бироқ унинг ўғитлари ойноманинг ҳар бир сонидида ўз аксини топмоқда.

ОНГЛИ ҳаётининг асосий қисмини «Фан ва турмуш»га бахшида этган истеъдодли журналист Анвар Муҳаммадқуловга шогирд бўлганимдан беҳад мамнунман. Қалами ўткир бу истеъдод соҳиби таҳрирда, илмий мақолаларни оммабоплаштиришда, мақолаларга сарлавҳа қўйишда бе-назир эди. Ҳатто 60-йилларда жумҳуриятимиздаги турли муҳарририятларда ишлайдиган ҳамкасбларимиз: «Сизларнинг ойномангизда мақолаларга сарлавҳа танлайдиган маҳсус штатли киши бор деб эшитдик, шу ростми!» деб тез-тез мурожаат қилиб туришарди. Анвар Муҳаммадқулов топган сарлавҳалар жозибадор, айни вақтда ма-

Давоми 18—19-бетларда

Ҷағлиқ

Муҳажират ағалиқис саюмликте ҳаётли, ғажалиқли ва кўрсатмадарли ҳақлига қалиқлар

Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос беролмайди.

Бошга тушган мусибатларни, ўзидаги касалликларни ва қилган ҳайру эҳсонини яшириш — яхшилик хазиналаридандир.

Кимки одамлар ўзига нисбатан ҳурмати учун тик туришларини хоҳласа, унинг жойи жаҳаннам бўлур.

Кимки дуоларим ижобат бўлсин, ташвишларим бошимдан арисин деса, камбағаллар ҳолидан хабар олсин.

Қайси бир ҳоким кўпчилик ичида Аллоҳга манзурроқ кимса турганда бошқасини бирор амалга тайинлаб юборса, демак у Аллоҳга ҳам, унинг Расулига ҳам ва мўминларга ҳам хиёнат қилибди.

Кимнинг хулқи ёмон бўлса, у ўзини азобга гирифтор қилади. Кимнинг ташвиши кўпайса, бутун танаси дард тартади. Кимки одамлар билан жанжаллашишга одат қилса, обрўси ва мурувватидан ажралиб қолади.

Кимки ўзининг ёки бировларнинг етим болаларини то вояга етиб мустақил ҳаёт кечирадиган бўлгунларича тарбия қилса, унга жаннат муқаррардир.

Кимки одамлар ўртасини бузиб юрувчи бўлса, у ҳам аҳли исломдан эмас.

Кўрган-билгани ҳақида гувоҳлик беришдан бош тортган одам ёлғон гувоҳлик берган билан баробардир.

Кимки нард ўйнаса, Аллоҳга ва унинг Расулига осий бўлур.

Мўмин киши соддадил, сахий бўлади, фосиқ одам ҳийлакор, маккор ва хасис бўлади.

Қабрдаги майит қолган аҳлу аёл ва қариндошларининг дод солиб йиғлашлари сабабли азобланади.

Расулulloҳ олтин ва кумуш идишларда овқат ейиш ёки ичимлик ичишликни ман этганлар.

Расулulloҳ умматларининг турли назр-ниёз қилишини ман этганлар.

Омонатга хиёнат қилувчида имон йўқ, аҳдида турмайдиганларда диёнат йўқ.

Замондан койманглар, зеро замоннинг эгаси — Аллоҳдир.

Бировнинг зоҳирига ёки қилаётган яхши ишига қараб уни мақташга шошилманглар, балки унинг охириги ҳолига назар солинглар!

Ўз ҳожатиңи бошлиқларга етказмайдиган кишиларнинг ҳожатларини етказинглар, бас кимки ўзи етказмайдиган кишининг ҳожатини подшоҳга етказса, Аллоҳи Таоло қиёмат кунининг оёғларини пулисирот кўприги узра собит қадам қилғай.

Эй инсон фарзанди! Ҳузурингда ўзингга кифоя қилгудек нарса бўлатуриб, туғёнга (ҳаддан ошишга) олиб борадиган нарсани сўрайсан. Эй инсон фарзанди! На озга қаноат қиласан ва на кўпга тўясан. Эй инсон фарзанди! Тани жонинг соғ ҳолда тонг оттираётган бўлсанг, тинч, хотиржам ва бир кунга етарли емишинг бўлгандан кейин қолган дунёга парво қилма!

Жаброил алайҳис салом келиб менга шундай дедилар: «Ҳоҳлаганингда яша, барибир ўлгувчидирсан. Хоҳлаган кишини сев, барибир ундан айрилгувчидирсан. Хоҳлаган амалларини қил, барибир ўшанга яраша жазо олувчидирсан. Ва билгинки, мўмин кишининг шарафи кечалари бедорлиги ва иззати эса одамлардан тамаъ қилмасликдадир.

Етимларнинг моллари билан савдогарлик қилиб (уларнинг молларини ҳам зиёдалаштириб) туринглар. Ҳархил садақа ва закотлар бериш билан моллари тугаб қолмасин!

Аллоҳдан кўрқинг. Яхши ва хайрли амалларнинг бирортасини кичик санаманг, сув сўраган кишининг идишига челагингиздан сув қуйиб бериш билан ёки биродарингизни очик юз билан қарши олиш билан бўлса-да эзгулик қилинган.

Кибр юзасидан иштон (шим)ни узайтириб кийишлиқдан сақланинг. Аллоҳи Таоло кибрни ёмон кўради. Агар сизни бирор киши ҳақоратласа ва сизда йўқ айблар билан айбласа, уни унда бор айблар билан ҳам айбламанг, уни қўяверинг, шунда гуноҳи унга, савоби сизга бўлур. Ҳеч кимни ҳақоратламанг!

Мазлум кишининг қарғишидан сақланинглар, гарчи у кофир бўлса ҳам. Унинг дуоси билан Аллоҳнинг даргоҳи ўртасида парда йўқдир.

Авратингни ўз хотининг ва чўриларингдан бошқа одамлардан сақлагин. Сўрадилар: Одамлар ичида қолганда қандай сақлайди? Жавоб бердилар: Иложи борича бировга кўрсатмасликка ҳаракат қил! Яна сўрадилар: Уйда якка ўтирган одам авратини ёпмаса бўладими? Айтдиларки: Одамлардан кўра худодан ҳаё қилиш лозимроқдир.

Зиёратингизга келган одамнинг ҳурматини жойига қўйинглар.

Икки мусулмон қўлларида қиличлари билан тўқнашсалар (урушсалар), бири иккинчисини ўлдирса, қотил ҳам мақтул ҳам дўзахга маҳкумдир.

Бирор тоғни ўрнидан бошқа жойга кўчибди, деб эшитсаларинг, унга ишоннаверинглар, аммо бирор кишининг хулқи ўзгарибди, деб эшитсаларинг ишонманглар, чунки у албатта туғма феълига қайтур.

Бировларнинг обрўсини тўкиш — судхўрликдан ҳам катта гуноҳдир. Ҳажвий шеърлар ёзиш — энг қаттиқ ҳақоратдир. Афсона, эртақлар айтувчи одам сўкинувчилар кабидир.

Дунёдан юз ўгирсанг Аллоҳи Таоло сени ёқтиради, одамлар қўлидаги нарсалардан юз ўгирсанг одамлар сени ёқтиради.

Одамлардан тортиниб юринглар, гарчи бирор мисвок учун ишлатиладиган чўпни ҳам сўрамасликка ҳаракат қилинганлар.

Ҳамма ишларингизда тўғри бўлинг, одамларга муомалада хулқингиз чиройли бўлсин!

Одамларга кенг қалбли бўлинглар, шунда одамлар ҳам сизларга шундай бўлурлар.

Беш хил хислатга сизлар кафил бўлинглар, токи мен ҳам сизлар учун жаннатга кафил бўлай: 1. Меросларингизни тақсимлашда бир-бирларингизга хиёнат ва зулм қилманглар. 2. Одамларга ўзларингизча инсоф қилинганлар. 3. Душманлар билан бўладиган жангларда қўрқоқлик қилманглар. 4. Тушган ўлжа тақсимотида хиёнат қилманглар. 5. Зулм қилувчилардан мазлумлар ҳаққини ундириб беринглар!

Мазлумларнинг дуосидан кўрқ, чунки уларнинг дуолари мустажобдир.

Мендан олдинги ҳеч бир пайғамбарларга берилмаган бешта нарса менга берилди. 1) Менга Макка аҳлининг кўрқуви сабабли бир ойлик йўл босмай туриб ғалаба билан ёрдам берилди. 2) Менга ернинг ҳамма жойи масжид қилиб берилди. Ернинг ҳамма жойи тоза ва покизадир. Умматларимнинг қайси бири қаерда намоз вақтини топса, ўша ерда ўқийверсин. 3) Мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган жанг ўлжалари мен учун ҳалол қилинди. 4) Қиёмат куни барча умматларим учун менга шафоат ҳуқуқи берилди. 5) Илгари пайғамбарлар бирор қавмга хос ҳолда юборилган бўлсалар, Мен ер юзидаги қавмларнинг ҳаммасига омматан пайғамбар қилиб юборилдим.

Авалло олим бўл! Лоақал таълим олувчи, ёки тингловчи, илму уламо-ларни севувчи бўлгин. Аммо бешинчи одам бўлмагинки, ҳалок бўлурсан.

Садақанинг афзали чанқоқ одамларга сув улашмоқликдир.

Садақанинг афзали мусулмон кишининг илм ўрганиб, сўнг бошқа мусулмон биродарларига ҳам ўргатишидир.

Касбнинг афзали ҳалол савдогарлик ва ўз қўли билан қиладиган касбдир.

Бу дунёда бемаъни гапларни кўп гапирадиган одамнинг гуноҳи қиёмат куни кўп бўлур.

Аллоҳ одамлар юзига қовоғини солиб қарайдиган кишиларни ёқтирмайди.

Аллоҳ ғам-ташвишли одамларга ёрдам берадиганларни дўст тутайди.

Сабрлилик мусибатнинг биринчи дақиқаларида билинади.

Бахтли одам фитна-фасодлардан четлаб юрувчи ва мусибатга сабр қилувчи кишидир.

Ўлим — мудҳиш ҳодисадир. Қачонки тобутни кўрсаларингиз, дарҳол хурмат юзасидан ўринларингиздан туринглар.

Ваъдага вафодорлик иймондандир.

Мўминлар бир-бирларининг оғриқларига шерик бўлишлари керак. Бу бош оғриганда бамисоли бутун тана оғригани кабилар.

Кишиларнинг молини ноҳақ ейишга ўч одамлар қиёмат куни дўзахга маҳкумдирлар.

Ҳар бир нарсанинг авжи бор. Омади келган киши ўзини тўғри тутиб юрса, ундан яхшилик кутинглар. Мабодо шухрат ва манмансирашга ўтса, уни мукамал одам ҳисобланглар.

Сўзда сеҳр бор, шеърда эса ҳикмат.

Аёлларга эркаклар ўз туғишган опасингиллари каби муносабатда бўлишлари керак.

Икки заиф тоифа, яъни етим ва аёл ҳаққини емоқликни сизларга ҳаром қиламан.

Рўза, намоз ва садақа қилишдан ҳам афзал амалдан хабар берайми?! У икки кишининг ўртасини яраштириб қўйишликдир. Уртанинг бузилиши диннинг қиронидир.

Одамлар орасида чақимчилик ва бўҳтон гапларни тарқатишдан сақланглар.

Ёлғон гапиришдан сақланглар, чунки ёлғончилик иймондан бегонадир.

Тинчлик ва хотиржамлик икки улғу неъматдирки, бундан кўп одамлар маҳрумдирлар.

Ростгўйликда хавфу хатар кўрсанглар ҳам, рост сўзланглар. Шунда нажот топасизлар. Гарчи фойда кўриб турган бўлсангиз ҳам ёлғондан сақланглар. Чунки бари бир ёлғоннинг охири вой.

Бир-бирларингизга совға-салом қилишиб туринглар, чунки совға-салом муҳаббатни оширади ва дилдаги ғашликларни йўқотади.

Вазминлик, тежамкорлик, бемаъни хомушлик пайғамбарлик хусусиятининг йигирма тўртдан бир бўлагидир.

Уч хил киши бордирки, Аллоҳи Таоло қиёмат куни уларга раҳмат назари билан боқмайди:

1. Ота-онасини норози қилиб, уларга оқ бўлган киши.
2. Ўзини (кийим ва пардозда) эркакларга ўхшатиб олган аёл.
3. Ўз хотинига рашк қилмайдиган эр.

Уч тоифа киши бордирки, улар жаннатга кирмагилар:

1. Ота-онасига оқ бўлган фарзанд.
2. Ичкиликка муккасидан кетган киши.
3. Берган хайру эҳсонини ёки яхшилигини миннат қилувчи одам.

Саккиз тоифа кишилар қиёмат куни Аллоҳи Таолонинг махлуқлари ичида энг ёмонроғи ҳисобланурлар:

1. Ёлғончилар,
2. Мутакаббилар,
3. Қалбларида мўмин биродарларига нисбатан буғзу адоват сақлаган ҳолда, уларни кўрганларида мулозамат қилувчилар,
4. Аллоҳ ва Расули даъватини секин, Шайтоннинг буйруғини эса тез бажарувчилар.
5. Ноҳақ бўлса-да, қасам билан дунёдан тама қиладиган кишилар.
6. Чақимчилар,

7. Дўстларни бир-биридан айиришга ҳаракат қилиб юрувчилар,

8. Гуноҳсиз пок одамларга ноҳақ бўҳтон қилувчилар, мазкурларнинг ҳаммасига Аллоҳи Таолонинг ғазаби ёғилур.

Эрнинг хотинига нисбатан ҳақлари: Гарчи туянинг устида бўлса ҳам эр чақирганида хотин келишлиги. Эрининг рухсатисиз хотин нафл рўза тутмаслиги (Рамазон рўзаси бундан мустасно). Агар нафлни берухсат тутса гуноҳкор бўлади ва рўзаси ҳам қабул бўлмайди. Эрининг рухсатисиз хотин уйдан бировга нарса бермаслиги, агар сўрамасдан берса, эрига савоб, ўзига гуноҳ ёзилаверади. Гарчи эри золим бўлса-да унинг рухсатисиз кўчага чиқмаслиги, акс ҳолда Аллоҳи Таоло ва унинг ғазаб фаришталари то қайтғунича ёки тавба қилгунича унга лаънат айтурлар.

Ҳаё — доимо яхшилик келтиради.

Ҳаё билан камсуханлик иймоннинг икки бўлак қисмидир. Уятсизлик ва сергаплик мунофиқликнинг икки бўлак қисмидир.

Сизларнинг яхшиларингиз — хушхулқ, ширин суҳбатлиларингиздир. Ёмонларингиз эса — оғзини тўлдириб, эзмалик ила кўп гапирувчиларингиздир.

Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига хуш муомалада бўладиганларингиздир.

Ёшларингизнинг яхшилари — ўзини катта ёшдагилардек оғир тутадиганларидир. Катта ёшдагиларнинг ёмонлари эса — ўзини ёш болалардек енгил тутадиганларидир.

Аллоҳи Таоло тилини тузатган кишига раҳму шафқатлидир.

Қабристонни зиёрат қилиб туринглар, зеро у сизларга охиратни эслатади.

Мўмин кишини ҳақоратловчи одамнинг ўзи ҳалокатга учрайди.

Бева хотинларга ва мискин-бечораларга ёрдам берувчи киши гўё Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчи ёки кечалари ибодат ила қоиму, кундузлари рўза ила соим юрувчилар билан баробардир.

Одамларнинг ёмони — улар ичидаги уламоларнинг ёмонидир.

Қарзини узмай дунёдан ўтган одам то ўша қарзи узилмагунча қабрида кишанланган ҳолда ётади.

Ҳожи Абдулазиз МАНСУР таржимаси.

Хусниддин УМАРЗОДА
нашрга тайёрлаган.



XX асрнинг машҳур адибларидан бири Герман Гессе (1877—1962) руҳий рамзлар, нозик ва ўта жиддий фикрларга бой бўлган «Демиян», «Дашт бўриси», «Наргис ва сўзамол» каби асарлари билан ном чиқарган. Бироқ китобхонлик, ноширлик борасидаги серқирра ижоди ҳамда фаолияти тўғрисида кўпчилик билмас керак.

Гессе ўз ижодининг илк даврида китоб тарғиботи ва савдоси билан машғул бўлди. Айнан шу нарса унинг турли адабий жанрларда яратилган хилма-хил асарларни тушунишига, кишини ҳайратга солувчи хулосалар чиқаришига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Биз қай касб эгаси бўлмайлик, имкон ва шароитга кўра китоб билан маълум маънода муносабатда бўламиз. Улчоқли ҳаётимизнинг қандайдир қисмини шунга сарф этамиз. Аммо, қанақа китоб ўқиш, унинг таъсири ва оқибати, умуман нега ўқиш билан машғул бўлишимиз ҳақида барчамиз ҳам чуқурроқ ўйлаб кўрмаймиз. Ҳарқалай инсон ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатини билишга интилиши ўзини англамоққа кўмак берса керак. Г. Гессеннинг бу борадаги ажойиб фикрлари сизга яхши кўрган китобингиз каби таъсир эта олишига ишонамиз.

Кўпчилик китоб ўқишни билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқиётганини тузукроқ тушунмайди. Баъзилар буни ўқимишли бўлишининг қийин, бироқ ягона йўли деб билади. Улар учун ҳар қандай ўқиш кишини «ўқимишли» қилади. Бошқа бирлар учун ўқиш—бу дам олиш, шунчаки вақтни ўтказиш ва уларга нима ўқиш барибир, [мақола, роман, шеър, хабар ва ҳоказо] зерикарли бўлмаса бўлгани.

Шунчаки дам олиш, вақт ўтказишни истаган китобхон ва «ўқимишли» бўлиш ҳақидагина қайғурган китобхон китобда кўнгилни покловчи, кишини руҳий юксалтирувчи номаълум бир кучни сезадилар. Бироқ бу кучни аниқ тасаввур этишмайди ҳамда баҳолай олишмайди. Улар тиббиётдан мутлақо беҳабар хасталарга ўхшайди, яъни айнан қайси дори керакли эканлигини тушунмай ҳар бир қўтидагидан татиб кўра бошлайди. Аслида, ўқиш борасида ҳам ҳар бир киши ўзи учун зарур бўлган, янги куч ва руҳий таъсир оладиган китобларни топа олиши керак эмасми!

Биз каби муаллифларга кишиларнинг кўп ўқиши албатта ёқимли ва

айнан ижодкор томонидан ҳаддан ташқари кўп ўқишади дейиш ноўрин. Аммо мингга лоқайд китобхондан ўнта яхши китобхон дуруст. Шу сабаб чўчимасдан таъкидлашим мумкинки, ҳамма жойда ҳаддан зиёд кўп мутолаа қилишади ва бу адабиёт учун обрў эмас, зиён. Китоб номуқтақил кишиларни янада маънавий ожиз этиш учун ёзилмайди, бундан ташқари ундан баъзан яшашга ноқобил одамларга арзон-гаров тасвир ва осонгина ўзгартирилган ҳаётни кўрсатиш учун ҳам фойдаланишади. Китоблар эса инсонни ҳаётга йўллаганда, унга хизмат этганда бирор фойдаси бўлади. Агар у китобхонга оз бўлса ҳам куч-ғайрат, шижоат, руҳий поклик бахш этмаса, ўқиш учун сарф этилган ҳар бир соат беҳуда, кераксиз бўлиб чиқади.

Шунчаки ўқиш—бу диққатни тўплашга мажбур этувчи машғулот ва овуниш учунгина ўқиш ўз-ўзини алдашдир. Лоқайд кишилар учун умуман бирон нарсадан овунишнинг ҳожати йўқ. Аксинча улар ҳамма жойда диққат-этиборли бўлиши, қаерда бўлмасинлар, нима билан машғул бўлмасин, нима ҳақда фикр юрити-

шидан қатъи назар, бутун вужуди ила воқеалар гирдобини ҳис этмоғи зарур.

Ҳаёт қисқа, унинг сўнгига ҳеч кимдан ўқилган китоблар сони сўралмайди. Шунинг учун, бирор фойдаси бўлмаса, ўқишга вақт сарфлаш ақллилик эмас ва бу зарар. Мен бунда фақат ёмон китобларни эмас, авваламбор «сифатли» ўқишни назарда тутаяпман. Ҳаётда ҳар бир қадамнинг каби ўқишдан ҳам бирон натижа кутилади. Мутолаадан янги куч-ғайрат олиш учун олдинга куч сарф этмоқ, ўзингни янада яхши тушуниш учун аввалига ўзингни «йўқотмоқ» керак бўлади.

Агар ҳар бир ўқилган китоб қувонч ва алам, шижоат ва руҳий тазарру келтирмаса, жаҳон адабиёти тарихини билишдан маъно йўқ. Мулоҳаза қилмасдан ўқиш—хушманзара табиат қўйнида кўзни боғлаб юрмоқ демакдир. Биз ўзимизни ва турмушимизни унутишимиз учун эмас, ҳаёт жилавини янада онгли равишда англаш учун ўқишимиз керак. Китобга димоғдор ўқитувчига қараган кўрқоқ ўқувчи сингари эмас, балки Альп чўққисини забт этмоққа шайланган шиддаткор альпинист каби ёндошмоқ талаб этилади.

қола мазмунини ифода этар эди. Сарлавҳа қўйиш ҳам санъатдир.

Анвар ака бир куни шундай ҳикоя қилиб берган эдилар. «Қизил Ўзбекистон» рўзномасида босиб чиқариш учун бир фельетон тайёрланган. Унда мўйсафиднинг ёш қизга уйланганлиги ҳақида гап борар экан. Фельетон муаллифи хонада ўтирган касбдошларига кимда-ким шу фельетонга боп сарлавҳа топса, чойхона палов қилиб беришини айтибди. Эртаси унинг ўртоқлари топган сарлавҳаларини айтишибди. Шундан биттаси маъқул тушибди — «Қор Бағридаги лаола».

Устоз Анвар ака мақолани ишлаш олдидан унга оид бир неча манбани кўриб чиқиб, кейин шунақанги ишлар эдики, мақола оққа кўчирилганидан кейин муаллиф уни таниёлмас эди. Мухарририятга янги келган ходимлар дастлабки ишни Анвар аканинг таҳрир қилган мақоласини таҳлил этишдан бошлашарди.

Кенг қамровли журналист Анвар Мухаммадқуловнинг ижод мактаби кўпларга ўрнак бўларлидир. Унинг «Илмий-оммабоп мақолани қандай ёзиш керак!» мақоласи журналистиканинг бундай мураккаб соҳасида ихтисослашадиган талабалар учун, таъбир жоиз бўлса, дастурдир. Анвар Мухаммадқулов айни вақтда моҳир таржимон ҳам эди. Унинг қаламига мансуб таржималарини ўқир экансиз, гўё

муаллиф ўзбек тилида қотириб ёзган экан-да, деган фикр ўтади ҳаёлингиздан. Эсимда, машҳур археолог олим Сергей Толстовнинг «Қадимги Хоразм маданияти изидан» деб аталувчи каттагина китобини бир ой ичидаёқ, айрим бобларини ҳатто пахта теримига чиққанимизда кечқурунлари таржима қилган эди.

Бугунги кунда «Фан ва турмуш» ойномаси эл орасида нечоғли нуфузга эга бўлган бўлса, бунда устозимиз Анвар ака Мухаммадқуловнинг катта ҳиссаси борлигини яна бир бор айтиб ўтишга бурчлимиз. Илоҳим, уларнинг қабри нурга тўлсин.

ОЛТИМИШИНЧИ йилларнинг ўрталарида муҳарририятимизга олдинма-кейин Иброҳим Назиров ва Мухаммаджон Раҳимов ишга келишган. Мухарририят ходимлари уларнинг бирини «катта домла», иккинчисини «кичик домла» дейишарди. Сталиннинг қатағон тегиримонидан бутун чиққан Иброҳим Назиров илгари назм бобида қалам тебратган, Низомий номидаги олий дорилмуаллиминда ёшларга таҳсил берган. Қатағон йиллари Магаданда шоир Усмон Носир билан бирга бўлган. Албатта, қатағон йилларининг кўргуликлари Иброҳим Назировда катта асорат қолдирган эди. Шунга қарамай, муҳарририятда фаол ишлаб, муштарийларни фан оламидаги янгиликлар, қизиқ-қизиқ хабарлар билан мунтазам таништириб борди. Ибро-

Барча китобхонлар мабодо шундай йўл тутишганда ҳозирда ўқилаётган нарсаларнинг ўндан биригина мутолаа этиларди. Агарда шунинг натижасида китобларнинг кўпи сотилмай қолганда, биз—муаллифлар ўн марта камроқ ёзган бўлар эдик. Дунё эса бундан катта талафот кўрмайди. Чунки китоб ўқишдан кўра уни ёзиш ишлари илгарилаб кетгани йўқ.

Албатта ўқиб чиқиш шарт бўлган ва усиз ҳаловат ҳамда «билимдонлик»ка эришиб бўлмайдиган алоҳида китоблар рўйхатини келтириб бўлмайди. Бироқ ҳар бир кишининг ўзига мос, унда қизиқиш уйғотадиган ва қониқиш ҳосил қиладиган китоблар бўлади. Уни аста-секин, узоқ, доимий мутолаа орқали танлаш лозим. Бу ҳар бир китобхон учун алоҳида, шахсий вазифа. Лекин унга қандай эришмоқ керак!

Бутун жаҳон адабиёти ичидан ўзинг учун қадрли ва бебаҳо саналган битта-иккита ёки бир неча муаллиф асарларини қай йўсинда танлаб олиш мумкин! Ушбу савол кўпчилик учун эсанкиратувчи ва чўчитувчи бўлиб туолади. Улар дарҳол «ўқимишли» бўлишининг бу йўлидан воз кечади.

Аммо айнан ўша кишилар ҳар кунни бир неча рўзномани ўқиш учун вақт ва куч топади. Афсуски, ўша рўзномадаги мақолаларнинг 90 фоизини улар қизиқиш, талаб ёки руҳий қониқиш юзасидан эмас, шунчаки «газета ўқиб туриш ҳам керак-ку» деган эски, беъмани одат туфайлигина ўқишади. Мазкур мақола муаллифи ўқувчилик йиллари сафарда ўқиган бир-икки сонини ҳисобга олмаганда, бирорта рўзнома мутолаа қилмаган. Ва бу билан камбағал ҳам, аҳмоқроқ ҳам бўлиб қолгани йўқ. Аксинча, зарур ишлар учун юзлаб, минглаб соатни тежаб қолди. Рўзнома мухлислари агар режа билан ўқишса ҳар кун мутолаа учун сарф этган вақтнинг камида ярми олим ва ёзувчилар томонидан китобларга жамланган ҳаёт

ва ҳақиқат ҳазинасини ўрганишга етарли бўлар эди.

Ҳар кунни ўзининг ҳар бир қадами, хатти-ҳаракатининг асл моҳиятини англашга ўрганган инсон тез орада мутолаа давомида моҳият қонуни ва фарқларини қўллаб олишга ўрганади. Гарчи у ишни аввалига рўзнома ва ойнома ўқиш орқали бошласа ҳам.

Берилиб ўқийдиган ва нозик дидга эга китобхон адабиёт борасида ҳеч бир маълумот олмай туриб мустақил ҳолда оддий газетадан бошлаб аста-секин Гёте асарлари мутолаасига етиши мумкин.

Умуман олганда эса рўзномалар китоблар учун хавфли. Бу хавф рўзнома арзимаган пулга кўп маълумот бергани ёки ўқиш учун кўп вақт олгани учун эмас, қиёфасиз аралаш-қуралашлиги билан минглаб ўқувчиларнинг мутолаадаги нозик дид ва иштиёқини сўндиргани учун мавжуд.

Фақат бир марта, мажбурий равишда ёки шунчаки қизиқиш туфайли ўқиш ҳеч қачон ҳақиқий қувонч ва чуқур таассурот ҳосил қилмайди. Нар ибораси ўткинчи, оз фурсатли ҳаяжон бера олиши мумкин. Агар бирор китоб илк бор (қўлингизга тасодифан тушиб қолса ҳам) ўқиш давомида яхши таассурот қолдирса, маълум вақт ўтгач, уни қайта мутолаа этмоқ керак. Таажубки, қайта ўқиш давомида унинг асл маъзини кенгроқ англай бошлайсиз.

Ҳар бир китобхонга қанақа китоб ўқиш ва сотиб олиш борасида мустаҳкам маслаҳат, қонидани кўрсатиб бўлмайди. Бу ишда ҳар бир киши ўз диди ва билимига суянмоғи даркор. Бир неча бор шахсий кутубхона учун энг «зўр» мингта ёки юзта китоб рўйхатини тузишга уринишган ва бундан маъно чиқмайди.

Китобхон иккинчи бор мутолаада ҳам яхши таассурот қолдирган китобни албатта сотиб олгани тузук, гарчи у қимматроқ турса ҳам. Кўпчилик одамлар пиво ёки турли арзи-

мас лаш-лушлар учун киприк қоқмай ҳаржлаётган пулларининг ҳатто ўндан бирини ҳам китоб учун сарф этмайди.

Энди китоб мутолаасидан сўнг фикрлаш, баҳо бериш ҳақида икки оғиз сўз. Кўпчилик, ҳатто туппа-тузук ўқимишли кишилар ҳам уялиб, чўчиб адабиёт борасидаги ўз тушунчаларини яширишади. Доимо очик, эркин гапирувчи танишларимдан бири мендан ўқиш учун олган К. Майернинг романи унга ёқмаганлигини узоқ суҳбат давомида зўрға эътироф этди. Чунки, у шундай таниқли ёзувчи асарини баҳолай олмади, дея бошқалар уялтиради деб ўйлаган. Бирор китоб ўқиб чиққандан сўнг олган таассуротинг умумий, жамоа фикрига мос келиши шарт эмас. Бошқа яна бир танишим эса анчадан буюн эскирган деб саналган Жан Поль асарлари унинг учун энг сеvimли эканлигини таъкидлади. Яна денг, у буни гўё гуноҳкор узр сўрагани каби ҳадиксираб тан олди. Тушунинг, бу асарлар мухлиси ундан бошқа деярли йўқдир, лекин танишим айнан уни ўқигандан сўнг ажиб бир ҳаяжонга тушади. Шунинг ўзи Жан Полнинг эскирмаганлигига, қадимгидек кимларгадир руҳий таъсир эта олишига далил бўла олади.

Ҳадиксираш, ўз дидига ишонмаслик, билимдон ва мутахассислар фикри, мулоҳазаси олдидаги чексиз қўрқув ёмон хусусият. Юзта яхши китоб ёки муаллиф бўлмайди. Энг тўғри, энг аниқ ва умуман инкор этиб бўлмайдиган танқид ҳам йўқ. Кимда-ким умум томонидан қабул қилинган қоида ва қолип фикрларга эмас, ўзининг нозик диди ва юрак амрига қулоқ тутсагина ҳақдир. Шунинг учун мен бу гапларни ҳамма нарсани сидирғасига мутолаа қилувчиларга айтаётганим йўқ.

Г. ГЕССЕнинг «Китоблар сеҳри»
[«Магия китоби»] китобидан
Рустам БОЙТЎРА
таржимаси.

ҳим Назиров жуда дилкаш, хотирага бой сиймо сифатида қалбимиздан жой олган.

Журналист Муҳаммаджон ака Раҳимов муҳарририятимизда 10 йилдан ортиқроқ ишлади. Ешлари анчагина улуг бўлишига қарамай Муҳаммаджон ака сайёр мухбирликини ёқтирар ва топширилган вазифани ўз вақтида бажариб қайтардилар. Бир кунни Ойбек домлани чўчитиб юборганларини яқин-яқингача эслаб юрар эдилар. Ойбек домла Алишер Навоийнинг ёшлиги ҳақида роман ёзиб тугатганликларидан хабар топдик. Таҳририят йиғилишида шу романдан парча беришга келишилди. Романдан парча берилишига ижозат сўраш ва масала ижобий ҳал бўлган тақдирда қўлёзмани олиб келиш учун Ойбек домла ҳузурига Муҳаммаджон ака юбориладиган бўлди. Муҳаммаджон ака Ойбек домла ҳовлиси эшигининг қўнғироқ тугмачасини бир-икки босибдилар. Ҳеч жавоб бўлмади. Кейин эшикни қия очсалар, Ойбек домла қўлларини орқаларига қилганларича ҳовлининг у бошидан бу бошига ўй суриб юрган эканлар. Муҳаммаджон ака ҳовлига кириб Ойбек домланинг орқасидан аста юриб кетаверибдилар. Маълум масофадан кейин Ойбек домла орқаларига қайрилибдилар-у бехосдан қаттиқ чўчиб кетибдилар. Муҳаммаджон ака дарров саломлашиб, ўзларини таништирибдилар ва мақсадини айтибдилар. Ойбек домла розилик берибдилар.

Ойноманинг навбатдаги сонидан романдан парча босилиб чиқди.

Муҳаммаджон ака Раҳимов одамохунлик фазилати билан муҳарририят ходимларининг отахони эдилар.

МУҲТАРАМ муштарий, ушбу ойноманинг бугунгидек сизларга манзур бўлишида турли йилларда, турли лавозимларда ишлаб ўзларининг баҳоли қудрат ҳиссаларини қўшган таниқли олимлару қалам соҳибларининг ҳаёт ва ижодларига оид айрим хотиралар билан танишдингиз. Тўғри, бир мақолада уларни батафсил ёритиш мушкул, мақола ҳажми мусоид этмайди бунга. Агар ўшбу хотиралар уларнинг руҳларини шод этган бўлса, биз ўзимизни нақадар бахтли санаймиз. Зеро марҳумларни ёдга олиш тириклар учун вожибдир.

ПАЙҒАМБАРМИЗ Муҳаммад алайҳис салом саллолоху алайҳи васаллам ҳадиси шарифларида айтганларидек: «Вафотидан сўнг надомат қилмайдиган одам бўлмайди. Яхши кишилар бу дунёда хайрли ишларни зиёдароқ қилмаганидан, ёмон кишилар эса ёмонлигидан қайтиб тавба қилмаганидан надомат чекадилар».

Ҳусниддин Умарзода НУРМУҲАММАД,
ойноманинг масъул котиби,
тарих фанлари номзоди.

ҚОДИРИЙНИНГ БОШИ—ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ

«ЎЗБЕК ЗИЕЛИЛАРИНИНГ ЖАЛЛОДЛАРИ» ТУРКУМИДАН

Наим КАРИМОВ

Ички Ишлар Халқ Комиссарлигидаги каллакесарлар 30-йилларда бир ихтиро ўйлаб топдилар: ҳибсага олинган ҳар бир маҳбуснинг сўроқномаси бир неча нусхада кўчирилиб, унинг бир нусхаси янги ташкил этилган картотека бўлимига узатиладиган бўлди. Бу бўлим ходимлари эса сўроқномада тилга олинган ҳар бир исм-шарифга махсус карточка очиб, шу карточкада унинг иш жойи-ю турар манзилини қайд этиб боришди. Масковдан яна «Балиқ овлаш» тўғрисида кўрсатма келиб қолгудек бўлса, ё Ўзбекистондаги ИИХК каллакесарларининг бошлиғи Дренник Апрессян «ов» режасини ортиғи билан бажаришни истаб қолса, ё ИИХКнинг II ва IV бўлимлари бир-бирлари билан ким кўп овлашда рақобатлашиб қолгудек бўлсалар, бу карточкалар қўлма-қўл бўлиб кетарди.

1937 йил Апрессян бошчилигидаги жаллодларнинг бити тўкилган йил бўлди. Ҳамма бўлимлар режани ортиғи билан бажариб, оддий калтакбоздан Апрессянга қадар бўлган ҳамма ходимлар ёрликлар, ҳукумат нишонлари ва қимматбаҳо мукофотлар билан тақдирланди. ИИХКга ўрнашиб олган дашноқ, ўрис ва татар каллакесарларнинг армони қолмади. Кўни кеча минбарлардан туриб маъруза ўқиган давлат арбоблари, китоблари халқ томонидан севиб ўқилган ёзувчилар, ман-ман деган олимлари хоҳлаганча ҳақоратлаш, чалажон бўлгунича дўппослаш, беш-ўн суткалаб ухлатмай, тик оёқ қилиб қўйиш... О, бунинг роҳатини ҳатто фашистлар ҳам билмас эди!

Мана, 1937 йил ҳам тугади. Эртага Янги йил.

Уйига мотам аралашмаган ҳар бир онла Янги йил тарадудиде. Фақат ИИХК ходимлари қутурган итдек ҳали ҳам тинчимаган эдилар. Агабеков «шонли» 1937 йилни шунчаки кузатмоқчи эмас. У шундай қилсинки, ҳамтовоғи Апрессян «Офарин!» десин. Агабеков ўйлаб-ўйлаб, «Кел, яхши-си, шу жанговар дўстимга антиқа Янги йил совғасини тайёрлай!» деди. У шундай деди-ю, ўйлаб қолди: нима совға қилиши мумкин! Апрессяннинг уйида анқонинг уруғидан бошқа ҳамма нарса бор. Орадан бирор дақиқа ўтгач, унинг хаёлига дашноқларнинг инқилобий йиллардан қолган «жанговар» одатлари келди. Улар байрам кунларида қизил командирларига бирор кўрбоши ёки бирор машҳур ўзбекнинг калласини совға қилар эди.

Агабеков эрталаб хизматга келиши билан IV бўлим қошидаги бўлинма бошлиғининг ёрдамчиси Триғуловни чақирди: «Хўжайиннинг Янги йил дастурхонига «чўртон балиқ» керак. Бирор мўлжалинг борми!», «Бўлганда қандоқ!» деди оғзининг таноби қочиб Нурлин. «Бўлмаса, вақт бекор ўтмасин. «Балиқ»ни олиб келиб, ертўладаги ҳовузга ташлаб қўй!» Агабеков гап тамом, дегандек ўридан турди.

Триғулов шу заҳоти гаражга қўнғироқ қилиб, «қора қўнғиз»ни қиздириб туришни буюрди. Кўп ўтмай, бўлажак «ов» гаштидан маст бўлган каллакесарлар Самарқанд дарвоза мавзеидаги Кўпирариқ кўчасига етиб келишди. Триғулов ҳали ғафлат уйқусида бўлган адибни қармоққа илиштириш учун, Маврин эса маҳалла комиссияси раисини топиб келиш учун ошиқдилар. Сокин хонадон бир зумда арининг уясига айланди-қолди.

Абдулла Қодирий Янги йилни кутишга одатланмаган. Шунинг учун уйда ортиқча тараддуд йўқ, одатий ҳаёт дарёси сокин оқаётган кунлардан бири эди. Лекин у бугун овруполиклар бу дунё ташвишларини суриб қўйиб, Янги йил байрамга тараддуд кўришларини биларди. Шу тўфайли таклиф этилмаган «меҳмон»ларни кўриб ажабланди. «Меҳмонлар» эса ҳид олар итдек ҳаммаёқни титиб, нималарнидир обдон қидиришди. Сўнг араб ёзувидаги бир қанча хатлар, китоблар ва фотосуратларни бир чамадонга жойлаб, адибни олдиларига солиб, Тошкентнинг ёнидан одам ўтса, эти титрайдиغان Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги биносига олиб келишди.

Абдулла Қодирий, бошқа айрим қаламкаш дўстлари сингари, ғала-ғули одам эмас, бир гапни етти ўйлаб сўнг айтадиганлардан эди. Шунинг учун у елкасида бирор гуноҳи йўқлигидан бу ажалхонада узоқ қолиб кетмаслигига умид қилди. Қолаверса, ўриснинг Янги йили эмасми, мусулмон ҳам, носаро ҳам ўз ҳайити арафасида бировга ёмонликни раво кўрмайди, деб ўйлади у.

Каллакесар терговчилар бир зумда анкета тўлдириб, сўнг адибнинг белидаги чарм камарни ечиб олдилар-да, соқчига қўшиб, ертўладаги якка хоналардан бирига йўлладилар. Шу билан улар ўз вазифаларини адо этган бўлдилар.

Агабеков елкадоши Апрессян ҳузурига кириб, келаётган Янги йил билан табриклар экан, унга муносиб совға тайёрлаганини айтди. Икки жаллод бир-бирини тушунди. Агабеков «Агар бошим омон бўлса, бу сартнинг уруғини қуритаман. Дашноқлар Фарғона водийсида қилган ишни мен бу ерда туриб давом эттираман», дегандек бўлди. «Мен сенга ишонаман, сен садоқатли дўстсан. Билиб қўйки, тарих бизнинг елкамизга улғу вазифани юклаб қўйган. Шунинг тушунсанг бўлгани!» — Апрессян хаёлидан шу гаплар ўтди...

Адиб қамалган хона тор, ҳавоси бузуқ, қандачалар сероб эди. Бу кеча одатдаги бақирёқ ва калтак овозлари эшитилмаса ҳам, ҳар бир қадамдан, соқчилар билан ҳар бир учрашувдан дўзах нафаси келарди. Адибни эртасига ҳам тергов хонасига чақиришмади. Триғулов билан Маврин ИИХК учун ўта долзарб кунлар бўлишига қарамай, аъло хизматлари эвазига ҳордиқ кунлари билан мукофотланган эдилар. Шунинг учун 2 январдагина адибни тергов учун чақиришга қўлларни теғди.

Ҳозир собиқ ДХҚ ҳужжатгоҳидаги Абдулла Қодирийнинг «жиний иши»да фақат бир марта — ўша ҳам 1938 йилнинг март ойида (унинг ҳам кўни қайд этилмаган) бўлиб ўтган сўроқнома сақланади. Бу сўроқнома билан танишган киши Абдулла Қодирий ўн ой ичида атиги бир марта сўроқ қилинган экан, деб ўйлаши мумкин. Аслида у шу ўн ой мобайнида тинимсиз сўроқ қилинган ва азобланган. (Бу ҳақда кейинроқ сўз юритилади.)

Шундай қилиб, 1938 йил мартининг булутли кунларига қайтайлик.

Одатда сўроқ ҳар сафар маҳбуснинг қачон ва қаерда туғилгани, миллати, қайси ижтимоий табақадан чиққани, қаерда ишлагани ва олдин судланган-судланмагани тўғрисидаги маълумотларни аниқлашдан бошланади. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Триғулов Абдулла Қодирийнинг 1926 йилда қамалганидан хабар топиб, сўроқни шу қамалиш тарихини аниқлашдан бошлади.

Шу ерда жиндек чекиниб, ҳурматли муштарий эътиборини бундан саккиз йил муқаддам бўлиб ўтган воқеага жалб этсам.

1926 йили «Муштум» ойномасининг 3-сонида Абдулла Қодирийнинг «Овсар» таҳаллуси остида «Йиғинди гаплар» деган ҳажвийси босилади. Бу ҳажвия қуйидаги сўзлар билан бошланган:

«Ўқиғувчилар билан дардлашмаганимга қарийб бир ярим ой бўлди.

— Қайси бурчакда ухлаб қолдинг! — деб сўрама, жиян.

Бу ўлкада нима кўп экан! Ухлайдурғон бурчак ва унда ўмпаиб-ўмпаиб ухлагувчи менга ўхшаш овсарлар! Мен сенга айтсам, ўзбекнинг ишчиси, деҳқони, маорифи, маданияти, иқтисоди, шалтой-балтойи, хулласи, барчаси ҳам ухлайди. Аммо ўчоқбошини ҳоли топғони олақарғалар бўлса, хўпам билган номаъқулчилигини қияпти!...»

Ҳажвий ойномада бундай гапларнинг босилиши оддий

ходиса бўлишга қарамай, кимлардир бу ҳажвиядан сиёсий хатолар топиб, бу ҳақда Бош Сиёсий Бошқарманинг Урта Осие бўйича бошлиғи Бельскийни огоҳ қилдилар. Унинг қулоғига бу хабарни шипшитган унсурларнинг назарида, Абдулла Қодирий ҳажвиясидан урта катта сиёсий хато бор. Буларнинг биринчиси, мақолада Ўзбекистоннинг гафлат уйқусида ётган уя сифатида талқин этилиши, иккинчиси, бу ҳолнинг сабабчиси сифатида Руссиядан келган амалдорларнинг, марказнинг ёмонотлик қилиниши ва учинчиси, мустамлакачилар ҳукмдорлигининг тугашига бўлган умид эди. Бундан ташқари, чақимчилар назарида, ҳажвиядаги қуйидаги парчада ҳам маҳаллий раҳбарлар шаънига нисбатан ҳақорат сўзлари йўқ эмас эди:

«...Аммо кечаги кун газетада Охунбобоевдек битта сарқорингдан ҳам феъллим айниёзди. Ҳаммадан ҳам буни-си қизик.

Маъданглик маориф ходимчилари қурултойида маъруза ўқуб, нима дейди, денг:

— Жумҳуриятимизда ҳар 200 мурмаса чоқирим ерга ёхуд 4909 одамга битта мактаб бор. Еки ўқиш ёшида бўлган болаларнинг ҳар [эмас, ҳутук!] бир 989 тасига бир мактаб тўғри келади!»

Йўлдош Охунбобоев «ҳар» сўзини қаттиқ «х» товуши билан талаффуз этар, таниш-билишлар эса унинг лақаби уй ҳайвонидан олингани сабабли бундай ҳолларда қотиб-қотиб қулишган. Маориф ходимларининг қурултойида қатнашган Абдулла Қодирий ҳам ўз ҳажвиясида маълум нарсага шама қилган. Чақимчилар буни ҳам сиёсий айбга бурдилар. Хуллас, ўша қуниёқ тергов ишлари бошланиб кетиб, муаллиф ҳам, газетани чиқарувчи ҳам, ҳатто босмаҳона мудир ҳам қамоққа олинди. Ҳажвия номаълум сабабларга кўра, журнал муҳаррири Комил Алиев йўқ пайтида босилгани важидан машҳур фельетоннавис зўғумдан омон қолди. Абдулла Қодирий эса икки йилга қамоқ жазосига ҳукм этилди.

Йўлдош Охунбобоев, атоқли адиб билан у қадар яқин бўлмаса ҳам, орадан бир-икки ой ўтмай, унинг озод бўлишига эришди.

Кўп ўтмай, Триғулов 547-сонли жиноят ишини топтириб, ундан маҳбус Абдулла Қодирийнинг мазкур мақола-си «Ўзбекистон компартияси ва ҳукуматининг масъул раҳбарларини бадном қилишга, айна пайтда компартиясининг ва Ўзбекистондаги Шўро ҳукуматининг муҳим тадбирлари устидан қулиш ва уларни танқид қилишга қаратилгани»ни, шунингдек бу мақоланинг «аксилинқилобий мақсадда тайёрлангани» тўғрисидаги қарор жумлаларини ўқиб, енгил нафас олди. Унинг назарида, шу сатрларда баён қилинган айбларнинг ўзини Абдулла Қодирийни ИИХК ертўласида чиритишга бемалол етар эди.

Бундан ташқари, шу пайтга қадар ким қамалган бўлса, ундан ўзбек зиёлилари орасидаги шубҳали, «миллатчи» ва «аксилинқилобий кайфиятдаги» кишилар рўйхати қийноқ ва азоб остида зўрлаб олинар эди. Абдулла Қодирий номи ҳам ана шундай шароитда бўғзидан юлиб олинган 15 га яқин маҳбус берган рўйхатда учрарди. Гарчанд адиб номи бу рўйхатларда фақат пантуркист, миллатчи ва аксилинқилобчи сифатида тилга олинган бўлсада, унинг на пантуркистлиги, на миллатчилигига бирорта ҳам далил келтирилмаган ва бундай далилларнинг ўзи йўқ эди. Аммо қонунсизлик авж олган 30-йиллар шароитида кимнингдир, масалан, Абдулла Қодирий аксилинқилобчи дегани ҳам далил ўрнига ўтаверарди. Шунинг учун ҳам Триғулов ва унинг ёрдамчилари 1938 йил январининг дастлабки кунларидан бошлаб маҳбусдан ўз айбларини бўйнига олишни талаб этди. «Қайсар» маҳбус эса ҳар сафар унга нисбатан қандай дўқ-пўписа қилмасинлар, уни қийнаб азобламасинлар, ўзининг Шўро ҳукумати олдида гуноҳсиз эканини айтиб, оёқ тираб олди. 1938 йил мартига қадар ИИХКнинг ман-ман деган каллакесарлари ҳам унинг темир иродасини синдира олмадилар.

Шубҳасиз, Абдулла Қодирий қамоққа олингунга қадар унинг орқасидан кимлардир кўзқулоқ бўлиб юрган. Бу хуфялар орасида, шак-шубҳасиз, адабиёт аҳллари ҳам йўқ эмас эди. Узоқ ойлар (балки йиллар) мобайнида адибни қамаш учун олиб борилган тайёргарлик ишларининг

натижалари бугун бизнинг қўлимизда йўқ. Аммо шу нарса маълумки, орган ходимлари, чунончи 1936 йил ёзида Абдулла Қодирийнинг бир гуруҳ ўзбек ёзувчилари билан бирга Татаристонга қилган сафари ва у ерда айтган сўзлари тўғрисида аниқ маълумотга эга эдилар.

Амин Умарийнинг умр йўлдоши бўлган Амина опанинг айтишича, 1937 йилда ёш шоирни бир неча бор ИИХК га чақириб, ундан Усмон Носир ва Абдулла Қодирий сингари ўзбек ёзувчилари тўғрисида маълумот беришни сўрашган. Шунда унга Қозон сафари тўғрисида тегишли маълумот бермагансан, деб дағдаға қилишган. Ана шундай дўқ-пўписалар таъсирида бўлса керак, Амин Умарий 1937 йил 27 июлда Усмон Носир иши бўйича тузилган комиссияга ёзма кўрсатма берар экан, Абдулла Қодирий тўғрисида ҳам бундай маълумотни баён қилган:

«Бултур Қозонга борганимизда ёзувчи Абдулла Қодирий ўзининг ҳолат-руҳияси, айрим сўзлари билан советларга қарши, буюнги адабиётга қарши, совет ёзувчисига ярашмаган бир неча бўлмағур чиқишларни қилди.

Мен бу ҳақда бундан 5 ойлар муқаддам тегишли жойга маълумот берган эдим.

1. Испанияда фашист қўзғолони бошланганига 15 кунлар ўтган эди. Халқаро масалалар тўғрисида сўз бориб турган чоғда Абдулла Қодирий жаҳонда 2 систем (социализм ва фашизм) яшаб турганини айтди. Ҳитлер билан Сталинни бир-бирига қарама-қарши қўйиб, қўпол, бузۇқ образ берди. «Ҳитлер Сталиннинг биқинига туртади, Сталин «Қўйинг-қўйинг», дейди, деган сўзни менга имолар билан кўрсатади.

2. Мен билан қаттиқ уришиб, «Сенлар ноғорасига ўйнайсан» деб бутун ёшларни қоралади. «Албатта, советлар, партиянинг ноғорасига ўйнайсан», деган сўзни айтди.

3. Овулға чиққанда, деҳқонларнинг аҳволини кўриб, буларнинг аҳволи ёмон, қишда нима еб, нима ичадилар, деб менга айтди».

Амин Умарий ИИХКдан, 1937 йилда вужудга келган вульгар сиёсий вазиятдан азбаройи қўрққанидан билгани шу арзимас сўзларни ёзиб беришга мажбур бўлган. Лекин бу енгил-елпи гаплар асосида ҳатто 1937 йил ёзида ҳам Абдулла Қодирийни ҳибсга олиш ИИХКга кулгили туюлган.

1937 йилнинг 30 август — сентябрь кунлари Ўзбекистон Шўро Ёзувчилар уюшмасининг IV пленуми бўлиб ўтди. Пленумда қамалган ва ҳали қамалмаган қарийб барча ёзувчилар устига беаёв тошлар отилди. Бу пленумда фош этилган қалам аҳллари тўппа-тўғри ИИХК қамоқхоналарига равона бўлдилар. Воқеанинг бундай тус олишини кўрган ёзувчилар аввало ўзларини мудофаа этиш истагида бир-бирларининг устига мағзава тўқишда мусобақа ўйнадилар.

Пленумда Абдулла Қодирий ҳам маломат тошларидан бенасиб қолмади. Чунончи, бир шоир 1937 йил тегиримонидан омон қолиш мақсадида ўзбек «буржуа миллатчи ёзувчилари»ни фош этишга катта иштиёқ билан киришди. У ўзининг адабиёт олдидаги хизматлари билан бирга хато ва камчиликлари ҳам йўқ эмаслигини уқдириб, жумладан бундай сўзларни айтди:

«... Жулқунбой, шунга ўхшаган аксилинқилобчи, миллатчи кишилар мени ўз ёнларига тортмоқчи бўлдилар. Биз ҳақиқатан ҳам шу аксилинқилобчилардан Жулқунбойнинг «Утган кунлар»и, «Меҳробдан чаён» ва ундан кейинги «Обид кетмон» китобларини олганимизда, шунда унинг қандай киши эканлигини кўрдик, мана шулар ўз идеяларининг қандай эканлигини шу китоблар орқали кўрсатмакчи бўлганлар...»

Бу сўзлар Ҳабибулла Қодирийнинг отаси ҳақидаги сўнги асаридан ҳам келтирилган.

Бундан шу нарса равшан бўладики, Абдулла Қодирий қаерда нима деган бўлса, эртами-кечми ИИХК қулоғига албатта етиб борган. Лекин адибнинг азбаройи куйганидан айтган гаплари шўро ҳукумати сиёсатига тўхмат бўлмагани, балки бу сиёсатда йўл қўйилган хатолар тўғрисида айтилгани учун ИИХК арқонини узун ташлаб қўяберган.

Ниҳоят, адиб ҳибсга олиниб, ИИХК ертўласига келтирилгандан кейин уни йўқ ердаги айбларни бўйнига олишга мажбур этганлар. Абдулла Қодирий қарийб уч ой давом этган азоб ва уқубатлардан кейин, озодликка чиқиш умиди

қуриб битгандан кейин Триғулов тузган ва бошдан-оёқ ёлгондан иборат сўроқнома остига имзо чеккан. Унинг руҳини синдирган нарса фақат каллақасарларнинг шафқатсизликлари, инсон боласи чидаши мумкин бўлмаган азоблар эмас, балки юзлаштирилган кечаги дўстлари ва шогирдларининг уни очикдан-очиқ душман деб аташлари, унинг ижоди бўйича Ўзбекистон Шўро Ёзувчилари уюшмаси ҳайъати томонидан ёзилган тўхматдан иборат тақризлар эди.

Ўзбекистон Шўро Ёзувчилари уюшмаси ташкилий қўмитаси раиси Х. Қурбонов, ташкилий қўмита масъул котиби Н. Охундий, ёзувчилар И. Назирий ва А. Қаҳҳор (имзоси қўйилмаган) номидан ёзилган тақриз «А. Қодирийнинг реакцион асарлари» деб номланган бўлиб, унда, жумладан, бундай сўзлар бор эди:

«... Энг кўзга кўринган жадид ёзувчиси Абдулла Қодирий ўзининг сўнгги нафасига қадар Шўро ҳокимиятининг ашаддий душманлари қаторида бўлди ва Октябрь инқилоби ҳамда пролетариат диктатурасининг тантанасини чинакам синфий душман сифатида қарши олди. У ҳажвий асарлар ёзиб, уларда большевиклар устидан кулди, шўро воқелигини назар-писанд қилмади, ланнати ўтмишни эса идеаллаштириб, ҳар томонлама кўкларга кўтарди».

Бу тақризда Абдулла Қодирийнинг бутун ижоди бошдан-оёқ аксилинқилобий деб талқин қилинган. ИИХК ходимлари бу тақриз билангина кифояланиб қолмай, адибнинг ҳар бир романини уюшма раҳбариятига тақриз учун берганлар. Ташкилий Қўмита раиси Холмат Қурбонов, ташкилий Қўмита раисининг ўринбосари Сотти Ҳусанов, ташкилий Қўмита масъул котиби Насрулло Охундий, ёзувчилар Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом (имзоси қўйилмаган) ва танқидчи-адабиётшунос Олим Шарафиддинов томонидан ёзилган тақризда «Ўтган кунлар» романи буржуа миллатчилиги руҳидаги аксилинқилобий асар деб эълон қилинган. Х. Қурбонов, Н. Охундий, Абдулла Қаҳҳор ва Олим Шарафиддинов номидан тақдим этилган тақризда «Обид кетмон»нинг «реакцион моҳияти» фош этиб ташланган.

IV бўлим ходимлари бу билангина чегараланмай, тегишли ташкилот бошлиғи Лопуховдан Абдулла Қодирий асарларининг, афтидан китоб дўконларидаги тақдир тўғрисида маълумот беришни сўрашган. Уша ташкилотнинг девор бўлмаса, кўчани кўрадиган ходимлар IV бўлим бошлиғи Трегубов номига йўллаган жавобларида Абдулла Қодирийнинг барча китоб ва рисоалари 1937 йилдаёқ тузилган рўйхат бўйича йиғиб олингани ва куйдирилганини хабар қилишган.

Бундай маълумотларни маҳбусларга етказиш йўлини яхши билган Триғулов шундай фактлар билан ҳам Абдулла Қодирий яраларига туз сепган ва адиб мислсиз разолат ва ваҳшийлик олдида таслим бўлишга мажбур бўлган. Мана, уша ягона сўроқномадан айрим парчалар:

«САВОЛ. 1926 йилдан нима учун ҳибсга олинганингиз ва қораланганингизни айтиб бeringиз».

ЖАВОБ. 1926 йил баҳорда мен Тошкентда собиқ ББСБ органлари томонидан ҳибсга олиндим ва матбуотдаги ғайришўровий чиқишларим учун жавобгарликка тортилдим. Уша йили Ўзбекистон Олий Суди томонидан 2 йилга қамқоқ жазосига ҳукм қилиндим...

САВОЛ. Сизнинг 1926 йилда қамалгунингизга қадар матбуот соҳасидаги ғайришўровий ишингиз амалда нимадан иборат бўлди?

ЖАВОБ. 1923 йилдан 1926 йилга қадар мен «Муштум» ҳажвий журналида, МИҚ ва УзКП(б) МК органи «Қизил Ўзбекистон» газетасида фаол иштирок этдим. «Муштум» журнали ташкил этилган кундан бошлаб ўзбек буржуа миллатчилари: Абдулҳай Тожиев, Комилжон Алиев, Машрик Юнусов (Элбек), Абдулҳамид Сулаймонов (Чўлпон), Зиё Саид, Ғози Юнусларнинг қўлида бўлди. Мен, Абдулла Қодирий ҳам шу кишилар гуруҳига мансубман. Шунинг учун ҳам «Муштум» журнали амалда Ўзбекистон миллатчиларининг ошқора органига айланди...

... Мен «Муштум» журналида дастлаб ходим, кейин техник муҳаррир... бўлиб, буржуа миллатчиси сифатида ғайришўровий миллатчилик ишида бевосита иштирок эт-

дим, шунинг учун ҳам ўзимни тўла жавобгар, деб билман ва шу маънода айбдор эканлигимни эътироф этман.

САВОЛ. Сиз ўзингизнинг ғайришўровий миллатчилик ишингизни «Муштум» журнали доираси билан чеклаб олмақчисиз. Огоҳлантириб қўяман, бу беҳуда уриниш. Бизга шу нарса маълумки, сиз буржуа миллатчиси сифатида адабиёт соҳасида фаол иш олиб боргансиз. Шу ҳақда кўрсатма беринг.

ЖАВОБ. Мен терговдан ўзимнинг буржуа миллатчилик эътиқодимни мутлақо яширмақчи эмасман. Чунки, узоқ йиллар мобайнида мен олиб борган ғайришўровий миллатчилик иши шу қадар маълумки, мен бундан истаган тақдиримда ҳам яшира олмаيمان. Шунинг учун адабиёт соҳасида амалда қандай ғайришўровий миллатчилик ишини олиб борганимни виждонан ва ҳаққоний равишда гапириб беришга ҳаракат қиламан.

Мен Шўро ҳокимиятига қарши буржуа миллатчилик курашига Октябрь инқилобининг дастлабки кунлариданоқ киришганман. Мен жадидизм фирқасининг буржуа-миллатчилик мафкураси руҳида тарбияланганим сабабли буржуа миллатчилиги манфаатини акс эттирганман, аксинча бу манфаатларга қарши турган Шўро ҳокимияти ғоясига қўшилмаганман. Шундан келиб чиқиб, ўз имкониятим ва кучимга яраша буржуа ёзувчиси сифатида ғайришўровий миллатчилик ишларини олиб бордим...

Бу сўроқноманинг бошдан-оёқ ИИХК ходимлари томонидан ўйлаб, маълум мақсад йўлида тўқилганлигини сезиш қийин эмас.

Абдулла Қодирийни ҳибсга олган ва шафқатсизларча тергов қилган Н. И. Триғулов 1956 йил 9 июнда гувоҳ сифатида берган кўрсатмасида ўз қўли билан бундай сўзларни ёзган эди:

«Одатда тергов қайдномалари Агабеков, Матвеев, Копосовлар томонидан ёзилар, тузатилар, кейин эса машинкада қайта кўчириллар эди; маҳбусларнинг тузатишлари, фикр-мулоҳазалари, эътирозлари мутлақо ҳисобга олинмас эди. Қондага кўра, машинкада кўчирилган сўроқнома асл нусха саналар ва жиноят ишига тикиб қўйилар эди».

Абдулла Қодирийнинг уша ягона сўроқномаси шундай йўл билан ёзилганига қарамай, ИИХК ходимлари маҳбуслардаги ички қарши куч билан ҳисоблашишга мажбур бўлдилар. Қуйидаги парча шундан далолат беради:

«САВОЛ. Сизни Ўзбекистонда мавжуд бўлган ғайришўровий миллатчилик ташкилотига қачон, қим ва қандай шароитда ёллаб олган?

ЖАВОБ. Мен Ўзбекистонда Шўро ҳокимияти ўрнатилган дастлабки кунлардан бошлаб миллий кураш йўлига ўтганим учун ўзбек ғайришўровий миллатчилик ташкилотининг амалда энг кекса ва фаол иштирокчиларидан бири ҳисобланман. Аммо расмий равишда бу ташкилотга аъзо бўлиб кирган эмасман.

САВОЛ. Сиз ёлгон гапирясиз. Тергов сизнинг «Миллий иттиҳод» ғайришўровий миллатчилик ташкилотига, кейин эса «Миллий истиқлол»да қатнашганингиз тўғрисида аниқ маълумотларга эга. Буни қандай қилиб рад этишингиз мумкин?

ЖАВОБ. Мен «Миллий иттиҳод», шунингдек «Миллий истиқлол» ташкилотлари томонидан ёлланганим сабабли бу ташкилотларга ташкилий-расмий равишда алоқадор эканлигимни инкор қиламан...

Триғулов 1937 — 1938 йилларда ИИХКда ўрнатилган қонунсизлик ва шафқатсизлик шароитида Абдулла Қодирийни истаган сўроқномага қўл қўйдира олиши мумкин эди. Аммо, чамаси, ҳар қандай азоб-уқубатларга дош бериб, тишини тишига қўйган адиб ўз имонини қаттиқ туриб ҳимоя қилган. Эҳтимол, у очлик эълон қилиш ва бошқа йўллар билан ҳам терговчиларни ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этгандир. Ҳар ҳолда терговчилар бу сафар темир иродали инсонга рўбарў келган эдилар.

Хуллас, 1938 йилнинг март ойидаёқ Абдулла Қодирий иши бўйича тергов жараёни тугади. Лекин нима сабабдан-дир адиб 1938 йилнинг октябрига қадар ертўлада ушлаб турилди ва, Триғуловнинг айтишича, уни қийнаш, қайта-қайта сўроқ қилиш ишлари давом этди. Ниҳоят, 1938 йил 4 октябрда, адиб устидан «учлик»нинг расмий қарори қа-

бул қилинишидан бир кун олдин шошқолоқлик билан отиб ташланди.

«Хрушчев баҳори» бошланган 1956 йилда Абдулла Қодирийнинг кенжа фарзанди Масъуд Абдуллаевнинг ҳаракати билан адиб ишини қайта кўриш, тирик гувоҳлардан кўрсатма олиш ишлари бошланиб кетди. Шунда яна бир сир очилди.

Уша йилларда барҳаёт бўлган Ўзбекистон Шўро Ёзувчилари уюшмаси ташкилий қўмитасининг раиси Холмат Қурбонов 1938-йилда уюштирилган тақризлар тўғрисида бундай маълумотларни берди:

«САВОЛ. Айтинг-чи, 1937—38-йилларда Абдулла Қодирий асарлари тўғрисида хулоса ёзиб берганмисиз?

ЖАВОБ. Йўқ, мен ҳеч қачон Абдулла Қодирий асарлари тўғрисида хулоса ёзган эмасман.

САВОЛ. Ҳозир Сизга тергов ишининг 56 — 61-бетларидаги Абдулла Қодирий асарлари тўғрисидаги хулосалар ўқиб берилди... Ҳўш, Сиз ана шу хулосаларни ёзганингизни тасдиқлайсизми?

ЖАВОБ. Тергов ишининг 56 — 61-бетлардан ўрин олган Абдулла Қодирий асарлари тўғрисидаги хулосалар билан танишиб чиққач, мен қўйидагиларни баён қилишни истайман: мен бу хулосалар матнини ёзган эмасман, уларнинг ким томонидан ёзилгани ҳам менга маълум эмас... Фақат шу нарса аниқ-тайин айтишим мумкинки, дастлабки икки хулоса остига мен имзо чекканман. Лекин, назаримда, 61-бетдаги имзо меникига ўхшамай турибди: бу менинг имзоим эмас ва менинг номимдан кимнинг қўл қўйгани ҳам менга номаълум».

Бу сўзларнинг оҳангидан Холмат Қурбоновнинг ўз кўрсатмаларида самимий эканини сезиш қийин эмас. Гувоҳнинг бу сўзларни чин юракдан айтаётгани очиқ-ойдин сезилиб турибди.

Шу кунларда ҳаёт бўлган кекса педагог Рауф Бойжонов ҳам 1938 йилда ИИХК ертўласида бошқа ўнлаб ва юзлаб зиёлилар сингари қатагон йилларининг азобларини чеккан. Унинг ҳикоя қилишича, кунларнинг бирида ертўлада намоз ўқийётган бир нотаниш одамни кўриб қолган. Бир маҳал қараса, намоздан туриб келган бояги одам танишга ўхшаган. Аммо Рауф ака қанчалик уринмасин, бу бир бурда бўлиб қолган одамнинг ким эканлигини эслаб олмаган. Шунда маҳбус ўзининг Абдулла Қодирий эканлигини айтган. «Адиб ўша кезларда ўзини ҳаддан ташқари олдириб, танимайдиган ҳолга келиб қолган эди. Уша сафарми ё бошқа сафарми шундай тасодифан учрашиб қолганимизда у, «Мен бу ердан омон чиқадиганга ўхшамайман. Агар сизга бу нарса насиб этса, дўст-ёрларга айтинг: фалончи қаламқаш менинг шу аҳволга тушишимга сабабчи бўлди», деди».

Рауф аканинг бу сўзларида ҳақиқат зарралари борга ўхшайди. Турли архив ҳужжатларидаги узۇқ-юлуқ маълумотлар машҳур қаламқашлардан бирининг Абдулла Қодирий тақдирида фожияли роль ўйнаганидан далолат беради. Аммо биз бу қаламқаш номини тилга олиб, унга умум-халқ нафратини уйғотмоқчи эмасмиз. Зеро, уни ҳам шундай мунофиқликка лаънати замон, лаънати ИИХК мажбуур этган. Қолаверса, у одамнинг иштирокисиз ҳам Абдулла Қодирийдек улугъ ёзувчи 1937 йил тегирмонидан омон қолиши мумкин эмас эди.

Энди бояги Триғуловнинг кўргазмаларини ўқишда давом этайлик:

«Ёзувчи Абдулла Қодирий иши юзсидан шуни айтишим лозимки, у Агабековнинг ташаббуси билан ҳибсга олинган эди. Чамамда, у тергов «картотека»сида жамланган маълумот асосида ҳибсга олинган бўлса керак. Мен Абдулла Қодирийни оператив ишларда жорий қилинган тартиб бўйича бўлим ходими Маврин билан ҳибсга олганман. Уша кезлардаги барча тергов ишлари каби, Абдулла Қодирий устидан кўзгатирилган иш ҳам ибтидоий усулда, инқилобий қонунчиликка хилоф равишда олиб борилган. Шундай кейин орадан ўн саккиз йил ўтди, мен ҳозир Абдулла Қодирий ишига даҳлдор тафсилотларни миридан-сиригача эслаб олмайман. Аммо асосий ўринларни яхши эсламан. Масалан, Абдулла Қодирий ўз бўйича қўйил-

ган айбларни сира тан олмаган; тинтув пайтида жиноят аломатларини кўрсатадиган бирорта ҳам ашъвий далил топилмаган; шунинг учун ҳам қамоқдаги бошқа маҳбусларнинг кўргазмаларидан олинган маълумотлар унга қарши ишлатилар эди; мен бунга кафолат бераман. Уша кезларда жорий этилган тартибга кўра, ҳар қандай кишининг бирор миллатчилик ташкилотига даҳлдор эканлигини исботлаш учун маҳбусларнинг кўрсатмаларидан олинган маълумотларнинг ўзи етарли ҳисобланар эди... Прокурор шундай далилга асосланиб, қамоққа олиш ҳақида кўрсатма берар, шундай далил асосида маҳбуснинг елкасига айб қўйилар ва айбнома тузилар эди. Абдулла Қодирий иши ҳам худди шундай тарзда — масхарабозлик асосида охирига етказилган...

Абдулла Қодирий иши бўйича олиб борилган тергов жараёни чўзилиб кетганининг боиси шундаки, у қамоққа олинган дастлабки кундан бошлаб гарданига юкланган барча айбларни инкор этаверган ва ҳеч қандай кўрсатма бермаган. Жиноий жараён қоидалари кўп мартабалаб бузилган бўлса-да, бунга парво ҳам қилинмас эди. Аслида маҳбус ҳар кун тергов қилинар, аммо фақат кўрсатма олингандан кейингина сўроқнома расмийлаштирилар эди».

Триғулов бу кўргазмасида Абдулла Қодирийга нисбатан ҳам, бошқа маҳбусларга нисбатан ҳам куч ишлатганини айтган. Лекин жаллоднинг гапига ишониб бўладими! У ҳатто бошқа ҳамкасбларининг ҳам жиноятлари тўғрисида лом-мим демай ўтмоқчи бўлган:

«Шаҳсан ўзим шугулланган барча маҳбусларнинг ишлари сингари, Абдулла Қодирийни тергов қилиш пайтида ҳам уни калтаклаган эмасман. Лекин бошқа ходимлар томонидан Абдулла Қодирийнинг калтакланган-калтакланмаган масаласида аниқ бир нарса айти олмайман». Аммо сўроқномдан шундоқ кўриниб турганидек, Абдулла Қодирий узлуксиз равишда узоқ муддат тергов қилинган, азобланган.

Бу сўзларнинг ўзиданоқ келгинди каллакесарларнинг кўп йиллар мобайнида Ўзбекистонни миниб олиб, истаганча ҳўжайинлик қилганлари, унинг гуноҳсиз фуқароларини қамаб, азоблаб, сўнг отиб ташлаганлари кўриниб турибди. Бу ҳақда яна сўзлаш, муштарийнинг кўзларидан ёш оқишиш шартми!..

Мен соддалиги нодонлик билан улаиб кетадиган халқимдан ўпкалангим келади. 1937 йилда уюшиб, Чўлпонларини, Қодирийларини, Фитратларини ҳимоя қилиши маҳол эди. Аммо жуда бўлмаса унинг, Абдулла Қодирийга ихлос қўйган кишиларнинг 1937 йил каллакесарларидан омон қолган мўтабар қўлёмаларни сақлаб қолиши мумкин эди-ку! 1946 йил 1 декабрда Ҳабибулла Қодирий ҳибсга олингунга қадар «Утган кунлар»нинг ҳам, «Меҳробдан чаён»нинг ҳам, «Обид кетмон»нинг ҳам қўлёмалари сақланиб келаётган эди. Адибнинг 2060 варақдан иборат қўлёмаси, 2 ён дафтари, 217 саҳифадан иборат ёзишмаси ва унинг асарлари босилган яна бир талай журнал ва газета таҳламлири шу кунга олиб кетилди ва ёқиб ташланди. Адибдан қолган муқаддас буюмларнинг бу сўнгги намуналарини ҳам шу тарзда сақлаб қолинмади. Шунинг учун ҳам унинг хотираси олдида ҳаммамиз айбимиз.

Шўро ҳокимиятининг бир одати бўлган. Қилгуликни қилиб қўйиб, минглаб одамларни қиличдан ўтказиб, сўнг бу жиноятларни фалончи қилган экан, билмай қолибмиз, деб бир одамни топиб олиб, ўшани жазолаган. Дренник Зазарович Апресян, ана шу одатга кўра, 1939 йил 23 февралда отиб ташланган. Аммо унинг Агабеков, Триғулов сингари жаллодларига бало ҳам урмаган. Айниқса Триғулов умрининг сўнгги йилларида катта нафақа олиб яшайди. Ҳолбуки, у Агабеков ва Маврин билан бирга ўзларининг қонхўр раҳбарлари Апресяннинг Янги йил дастурхонига Абдулла Қодирийнинг азиз бошини совға сифатида келтирган эди...

(Давоми келгуси сонда)

ҲАЗРАТ СУЛТОН МИРҲАЙДАР

ҲАҚИҚАТ ВА РИВОЯТЛАР

*Бир буюк юланчини ахтариб елдим,
Шамоллар руҳимни жанубга ҳайдар
Мен сени зиёрат қилгани келдим,
Ғишлари йиртилган Султон Мирҳайдар.*

Икром ОТАМУРОД.

Касби ўзининг қулай жуғрофий жойлашиши, турли томондан келаётган савдо йўллари шу жойдан ўтганлиги ҳамда бозори билан минтақада машҳур ҳисобланган бўлса, Ҳазрат Султон Мирҳайдар Шамсуддин шу ердан ўзларига макон тутганларидан кейин унинг шони ва шўхрати мавқеи янада ошиб кетди.

Буюк алломалар дунёга жуда кам келади. Худо қайси халқни қўлласа унга доно ва зукко фарзандлар беради. Ҳазрати Шамсуддинбек Мирҳайдар шундай зотлардан бири эди.

Аммо шу улуг инсон намоян этган кароматлар ва оддий фуқароларга кўрсатган шафқатлари афсуски манбаларда ўз аксини топмай қолган. Ёки бор бўлса ҳам «биз кўзи очиклар» эътиборидан йироқда. Биз яқин кунларгача ноёб дурдоналарни оёқ ости қилдик. Энди уларга зормиз.

Мен ҳам Бешкент элининг бир фуқароси сифатида халқимиз ўтмишини баҳоли қудрат ўрганишга киришдим. Шу мақсад йўлида мозийга саёхатим киндик қояим тўкилган жойим — Чандир қишлоғи ва онгли ҳаётим, туз ва нон учун масъул жойим — машҳур Касбидан бошланди.

Касби ўтмишини ўрганиш учун аввало ўша жойда истиқомат қилувчи мўътабар қариялардан 93 яшар Отақулбобо Эминов, 84 яшар Эрка бобо Шарипов, 85 яшар Муродуллох бобо Раҳмонов, 67 яшар Эргашхон Шаропов, нафақадаги муаллим Буронхон Шодиевлар билан суҳбатлашдик.

Маълумки, Али ибн Абу Толиб тўртинчи халифа бўлиб, 656 — 661 йилларда Мадинада ҳукмронлик қилган. Ҳазрати Алининг турли хотинларидан кўп фарзандлари бўлиб, энг машҳурлари Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи ва саломнинг қизлари Фотимадан туғилган Ҳасан ва Ҳусайн ҳамда улардан тарқалган саййидлар ҳисобланади.

Султон Мирҳайдар ёдгорлигининг шимол томонидаги қабр тошга «Имом Ҳусайн ибн Али ибн Абу Толиб»дан бошланган 17 авлодларининг исми шарифлари ва Шамсуддин Мирҳайдарнинг Ҳусайн ибн Али Муфтизонинг набиралари авлодидан эканликлари ҳамда Шамсуддин Мирҳайдарнинг ҳижрий 766 [милодий 1365] йилда вафот этганликлари битилган.

Юқорида қайд этилган шажарада мусулмон дунёсига машҳур Али ибн Абу Толибдан ва у кишининг ўғиллари Ҳасан ва Ҳусайдан ташқари Ҳазрат Алининг жиянлари Абдуллоҳ ибн Жаъфарнинг номи ҳам қайд этилиши Мирҳайдарнинг Муҳаммад Пайғамбар авлоди эканлигидан далolat беради.

Араблар 651 йилда Урта Осиёнинг бой ва маданий шаҳри бўлмиш Марвага (ҳозирги Мари) етиб келдилар ва уни урушсиз бўйсундирдилар. У ерга ўрнашиб олган араблар бутун Урта Осиёга, айниқса Сўғд, Тоҳаристон, Чағониён [Сурхондарё ҳавзасида] ва Хоразмдек бой ўлкаларга кўз тиккан эдилар.

Араблар Урта Осиёга талончилик юришларини бошладилар. Ҳамма юришлар Марвдан бошланар эди, чунки у араб лашкарбошисининг қароргоҳи эди. 874 йилда Убайдулла Ибн Зиён бошчилигидаги араб қўшинлари Амударёдан ўтиб Бухорога етиб боради. Кеш, Насаф, Самарқанд истило қилинади. Урта Осиё халқларидан мумкин қадар кўпроқ бойликлар ундириб олади. Ерли халқни ислом динига бўйсундиришга киришадилар. Уша пайтда Урта

Осиёда уммавийлар сулоласи ҳукмрон эди. Сўнг ҳокимиятга аббосийлар келди. Ерли халқ аҳволи эса оғирлашиб борди. Арабларнинг аббосийлардан норози бўлган қисми ерли халқ билан бирлашиб, 750 йилда Бухоро ва Самарқандда уларга қарши кўзғолон кўтардилар. Аббосийларни тахтдан тушириш ва ҳокимиятни Муҳаммад пайғамбарнинг кўёви Али ибн Абу Толибнинг авлодларига олиб бериш шиори остида кўтарилган бу кўзғолон мағлубият билан тугади. Лекин аббосийлар бу улкан ҳудудни бутунлигича сақлаб қола олмадилар. Ички феодал кураш ва халқ кўзғолонларининг таъсири остида Араб халифалиги VIII асрнинг охирларидан бошлаб майда-майда қисмларга парчаланиб кета бошлади.

Урта Осиёда аббосийларнинг ҳукмронлиги ҳам узоққа чўзилмади. Эрон ва Мовароуннаҳрда IX асрда маҳаллий сулоалар: тоҳирийлар [821 — 873 й.] саффорийлар [867 — 903 й.] ва сомонийлар [875 — 979 й.] бош кўтариб чиқдилар.

Истилолар даврида Урта Осиёга келган араб аҳолиси, шу жумладан Али ибн Абу Толибнинг авлодлари ҳам ўлкамизнинг турли жойларида ўрнашиб ерли халқ билан араллашиб яшай бошладилар. Мари, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Косон атрофида жойлашдилар.

Султон Шамсуддин Мирҳайдар ҳам Касбига шу тариқа келади. Кексаларнинг айтишича, у киши Касбига Урганчдан (Кўҳна Урганч) келган.

Ислом дини назариётини пухта билган, дунёвий илмларни ҳам ўрганган Шамсуддин Мирҳайдар тез орада халқ орасида танилиб қолади. У кишидаги табобат илми сирларини билиш, бўлажак воқеа ва ҳодисаларнинг натижаларини олдиндан айтиб бериш қобилияти, одамларга руҳий таъсир қилиш орқали даволай олиш салоҳияти Касби атрофидаги қишлоқларга тез тарқалади.

Амир Темур Самарқанддан чиқиб Тахтиқарачи тоғлари томон юриш бошлаганида соҳибқиронга олтиш отлик эргашади. Тоғда бир ҳафтача туриб, сўнгра Бадахшон тарафга [Амударёнинг юқори оқими ҳозирги Файзобод шаҳри] юриш бошлайди. Темур тузукларида бу ҳақда шундай дейилади. «Отланиб, Амир Кулол ҳузурларига бордим. Улар менга Хоразмга боришимни маслаҳат бердилар. Агар ўзбеклар устидан [бу ерда Ботухон замонидан қолган Дашти қипчоқлик амирларнинг авлоди назарда тутилади] ғалаба қозонсам, Самарқанднинг бир йиллик хирожини уларга назр қилишга қарор қилдим. Улар менга зафар тилаб фотиҳа ўқигач, кетишимга рухсат бердилар. Саййид Амир Кулолнинг хизматларидан чиққанимда, ҳаммаси бўлиб олтиш отлик менга ҳамроҳлик қиларди». Темур тузукларида Саййид Амир Кулолнинг шахси ҳақида ҳам қуйидагича маълумот берилади: «Саййид Амир Кулол ёки Шамсуддин Кулол. Ибн Арабшоҳ уни Шамсуддин Фахурий [арабча фахур — кулол] деб номлаган. Хожгаган Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган шайхларидан. Қаршилиқ машҳур мутасаввуф Ҳожа Баҳовуддин Нақшбандийнинг пирларидан бири. Манбаларда ёзилишича, Насаф шаҳрида Ҳожа Баҳовуддинга «зикри хуфия» усулини ўргатган. У Амир Темурнинг отаси — Амир Тарағайнинг ҳам пир бўлган. Шунингдек, Саййид Барака ва Зайниддин Тойбодий қатори Амир Темурнинг ҳам пирларидан бири ҳисобланган. Шамсуддин Кулол 1371 йилда вафот этган ва Кешда дафн этилган». [Темур тузуклари, 21-бет].

Евгений Березиковнинг «Ўзбекистон овози» рўзнома-сининг 1991 йил 26 ноябрь сонидан эълон қилган «Баҳовуддин Нақшбандий» номли мақоласидаги қуйидаги сатрлар ҳам қизиқарли:

«Ёш Баҳовуддин ўлиб кетган устози Бобо Самосий буй-

руғи билан Насафга Мир Сайид Кулол олдиға келади. Инсон умри саноқли, аммо руҳий олам мангудир. Бобо Самосий фоний дунёдан чин дунёга рихлат этар чоғида шогирди Сайид Мир Кулолга васият қилдики, «Баҳовуддинни авайлаб тарбия қилгайсан». Уша вақтда Мир Сайид Кулол шогирдлари билан Қаршида яшар эди. У, маърифатли руҳоний бўлиб, Афлотун ва Арасту фалсафасини, имом Исмоил Бухорий, Мусо ат-Термизий каби бузург машойхларнинг китобларини мутолаа қилар, ўзи тасаввуфга доир китоблар ёзар эди. У ҳам, бошқа мутасаввуф шайхлар каби кароматлар кўрсатар, руҳий мулоқотларга шўнғиган эди. Худди шу устоз ҳузурига, Қаршига келганда Баҳовуддин эндигина ўн бир ёшга тўлганди. Сайид Мир Кулол Баҳовуддинга ҳақ субҳонаҳу ва таолонинг зоти, зикр сирларини ўргата бошлади.

Ривоятларга кўра, Мир Сайид Кулол шогирдини рўпарасидаги жойнамозга ўтқазиб, Қуръони карим сирларини бирма-бир такрорлатар ва маъноларини шарҳлаб, тушунтириб берар эди.

Амир Темур пиридек шарафга эга бўлган зот Сайид Амир Шамсуддин Кулол Қарши ҳам ва Касбида машҳур бўлган Султон Мирҳайдар эмасмикан! Дарҳақиқат кулолчилик азалдан Касбида ривожланган. Мазкур соҳани бошқа минтақаларга маълум қилган қўли гул касбилик касиблар эмасми!

Султон Мирҳайдар Шамсуддиннинг авлодлари ҳам Қаршида истиқомат қилганликлари тўғри. Чунки у кишининг буваларининг буваси [ёки орқага қараб бешинчи авлоднинг исми-шарифлари Амирул Кабирул Ҳайдарул Ҳусайнийдан кейин «Насафий» сўзи қўшилган. «Темур тузуклари»да Шамсуддин Кулолнинг вафот этган йили ва Кешда дафн этилганлиги ҳақида фикр ҳам аниқлик талаб этмасмикан. Чунки Касби кўрғонида Султон Мирҳайдар Шамсиддинбек ҳижрий 766 йилда [милодий 1365 йил] битиклари бўлган салобатли қабр усти тоши бор. Ёки у зотлар бир-бирига тўғри келган исми шарифлармикан! Бу улуг зотнинг қабр усти тоши ва ундаги битиклар инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат эмасми! Кулол сўзининг қўшиб айтилиши ҳам у кишини кўпроқ Касбига дахлдор деган фикрга олиб келади. Ҳар икки кўринишда ҳам бу жумбоқни ечиш ҳозирги авлодларнинг вазифасидир.

Ҳазрати Султон Мирҳайдар ҳақидаги қуйидаги икки ривоятда ҳам Амир Темурнинг номи тилга олинади.

Жаҳонгир Амир Темур Шом мамлакатига юриш қилган чоғида йўлда араб қабиласи уларга хиёнат қилади: эмиш-ки, подшоҳнинг аскарлари араб саҳросида чарчаб дам олиш учун тўхтади. Отларига сув берадилар. Шунда отлардан биттаси сув ичиб оғзини чаяди. Тилини чиқаради. Қараб турган арабнинг кўзи от тили тағидаги холга тушади. Ором олиб йўлга равона бўлгач ўша араб югуриб бориб отнинг тиззасини маҳкам ушлади ва бу от бизники, одамларингиз ўғирлаган дейди. Шунда тортишувга қози аралашиб арабдан отнинг белгиларини сўрайди. У отимни тилининг тағида холи бор, дейди. Ҳақиқатан ҳам отнинг тилини кўрсалар холи бор экан. Лекин ёлғон фош бўлади. Чунки от наслдор бўлиб, тойчоқлигидан подшо одамлари қўли остида парварниш қилинган. Гувоҳлар жуда кўп. Бундан ғазабланган Амир Темур бу араб уруғини кимсасиз чўлга сургун қилиш ҳақида буйруқ беради. Подшо аскарлари уларни Урта Осий томон ҳайдайди, чўлу биёбонларни босиб ўтиб, Касбига келдилар. Султон Мирҳайдар ота уларни қарши олади. Ва ушбу арабларнинг гуноҳидан ўтиб, бизга ташлаб кетинглар деб хоҳиш билдирадилар. Лекин аскарбоши бунга кўнмайди. Ва улар арабларни шимоли-шарққа қараб ҳайдаб кетишади. Тун билан юришади. Эрталаб тонг отиши билан қарашса яна Касбида туришибди. Кундузи дам олиб яна йўлга равона бўлишади. Тонг отиб қарасалар яна Касбида турибдилар. Шу ҳолат учинчи марта ҳам такрорланади. Шунда аскарбоши Султон Мирҳайдар отага тан бериб, майли айтганингиз бўла қолсин деб, араб асирларини у киши ихтиёрига ташлаб кетади. Шу тариқа Қашқадарёдаги Жейнов, араблар истиқомат қилаётган манзилгоҳ пайдо бўлади. Шу кароматлари учун жейновликлар Султон Мирҳайдарни пири-миз деб ҳисоблайди. Улар нима топсалар еттидан бирини,

ҳатто еттинчи боласини ҳам ҳазрати Мирсултонга ҳадя этишга ваъда этганда, Ҳазрат «болани эмас, ўзларингиздан ортиб қолса, етти молдан бири кифоя», деб дуо қилган экан. Шундан бери Жейнов араблари Ҳазрати Султон Мирҳайдарга жонли садақа қилиб туради.

Бешкент — Чандир йўли билан Ғоҗар қишлоғининг жануби ораллиғида Патта деган жой бор. Шу ерга ҳаво қизиган вақтида ором олиш учун асирликка олинган араб қабилалари ва Амир Темур сарбозлари тушадилар. Кечга яқин салқин тушиши билан йўлга тушиб тонг отгунча юрадилар. Эрталаб қарасалар яна Паттада турибдилар. Кундузи дам олиб, номозларини ўқиб йўлга тушадилар. Тун билан юрадилар, эрталаб қарасалар яна Паттада туришибди. Шу ҳолат уч марта такрорланади. Сўнгра Амир одамлари бу ерда қандайдир бир сир, илоҳий сир, илоҳий куч ёки муқаддас авлиё таъсири бўлмағи мумкин деган ўйга боради. Шу жойларнинг муқаддас авлиёларини ва мўътабар одамларини топиш учун тўрт томонга чопар юборади. Чопар Касбида Сайидлар авлодидан Ҳазрат Султон Мирҳайдар яшар эканлар деб хабар олиб келади. Амир йўлбошчиси дарҳол у мўътабар зотни топиб келинг, деб буоради.

Шунда амир одамларидан бири йўлбошчига қараб: Сиз амир вакили, улуг кишисиз. Султон Мирҳайдарни ҳазрат деб кўп ошраверманг, у ҳам оддий бир одам, ортиқча мулозамат кўрсатаверманг дейди.

Йўлбоши шунда қуйидагиларни айтади: агар у зотни қарши олишга беихтиёр пешвоз чиқсак, демак у кишида каромат бор. Бордию ўрнимиздан турмай ўтираверсагу, у кишининг ўзи менга таъзим этиб кирса, у кишида ҳеч қандай илоҳий куч ҳам, сир ҳам йўқдир.

Узоқдан отлар дупури эшитилади. Шунда амир вакили ўрнидан сапчиб туриб ташқари отилади. Ҳазрати Султонни қаршилайди. Шу ердаги барча йиғилганлар, ҳатто ғаламис ҳам Султон Мирҳайдарни қаршилашга пешвоз чиқади. Ҳалиги ғаламис амир вакили ёнига бориб, тақсир қандай сир бор, нега ўрнингиздан туриб кетдингиз деганида амирнинг вакили дейди: «Ана, қарагин, фойтуннинг чап ва ўнг томонида иккита аждаҳо тилини чиқариб, оғзидан олов отиб келмоқда. Бу сир бўлмай нима! Бу сир қаршилиқ кўрсатган одамга тилини осилтириб чопиб келаятган иккита ит бўлиб намоён бўлади».

Сўхбат чоғида амир вакили Ҳазрати Султонга қаршилиқ қилган араб қабилаларини Хитой томонга олиб кетаётганлигини, лекин уч кундан буён бу ердан чиқиб кета олмаётганлигини айтади. Шунда Султон Мирҳайдар бу ерлар Амир Темур томонидан ўзига вақф сифатида берилганини, олий ҳазратнинг муҳри борлигини эслатиб, асирларни шу ерда ташлаб кетинглар, ўзим уларни эл қиламан, деб илтимос қилади.

Амир одамлари рози бўлади. Ҳазрат Султон Мирҳайдар кўчириб келинган арабларни касб-корига қараб, бўлиб-бўлиб жойлаштиради. Чорвадорларини Пўлатига, хунарманд-қосибларини Қамаш ва Жейновга, деҳқонларини — Кўчқаҳ, Кахлак, Арабхонага жойлаштиради. Қарши атрофидаги араблар истиқомат қилаётган қишлоқлар шу тариқа юзага келади. У қишлоқ одамлари ҳозиргача ҳам Ҳазрат Султон Мирҳайдарни пири-миз деб билишади.

Муҳаммад Солих ўзининг «Шайбонийнома» асарида Шайбонийхоннинг Қарши атрофларини босиб олишини тасвирлар экан, Касбини ҳам тилга олади:

Чун гузор тушти шоҳи одилға,
Қаршидан Касби деган манзилға.
Касбига етти эса андоғилар,
Яъни ул манзилу маскандоғилар.
Сайиди бор эди Жазфар отлиқ,
Узи сайид отаға нисбатлиқ.

(Давоми 27-бетда.)

ПЁТР I

НИНГ

АРМОНИ



Пётр I Русия тахтига ўтирганида 23 ёшда эди. Тахт вориси бўлгач у ўз мамлакатида қайта қуришни бошлаб юборди: эскича ҳаёт қобиғидан чиқолмай қолган рус халқини оврупоча турмуш тарзи асосида яшашга ўргатиш учун киришди, фанга эътиборни кучайтирди, қолоқ Русни ривожланган, бақувват ва бой мамлакатга айлантирмоқ учун енг шимарди. Шу боисдан ҳам Пётр I «Оврупоча дераза очди» деб айтишлари бежиз эмас. Шонинг омади бор эди. Зеро унинг пойқадами билан Донбасда кўмир кони очилди.

Рус шоҳи фанни ривожлантириш билан бирга, айни вақтда халқаро савдо-сотиқ тармоқлари ҳамда жуғрофий қидирув ишларини кенгайтиришга ҳаракат қилди. Уралорти, Сибирь, Урта Осиё, Эрон, Ҳиндистон бойликлари ва бу ўлкаларнинг табиати уни ўзига тортарди. Чунки мазкур мамлакатлар ўз табиий бойликлари, жумладан олтинлари билан довруғ таратганини Пётр I тарихий асарлардан ўқиб билиб олганди.

Мовароуннахр мамлакатининг олтин, кумуш конлари хусусида милоддан илгариги III—VI асрларда юнон тарихчиларининг асарларидаёқ ёзиб қолдирилган эди. Юнон тарихчиси Геродот Орол денгизидан Нурота тоғларига қадар кўчиб юрувчи массагетлар ҳақида: «темир ва кумушни улар ишлатмайдилар, олтин ва мис эса ниҳоятда мўл» деб ёзган бўлса, Страбон: «уларнинг мамлакатида кумуш йўқ, темир оз, аммо мис ва олтин ниҳоятда кўп», дея хабар беради.

Милодининг V—VI асрларига келиб Хитой йилномаларида «Кан (Самарқанд) ҳокимлигида ва унинг шарқий қисмида олтин конлари мавжудлиги» ёзилади. Урта аср араб сайёҳлари ва жуғрофий олимлари ҳам Урта Осиё бойликлари хусусида айрим маълумотларни ёзиб қолдиришган.

Китобий маълумотлар, шунингдек Бухоро ва Хева хонликларида борган элчи ва савдогарларнинг тортиқларидан, кийинишларидан, гап-сўзларидан ҳам руслар бу мамлакатлар хазинасининг мўл-кўл эканини яхши англаб олдилар.

Шу тариқа Пётр I нинг Бухоро, Қўқон ва Хева хонликларида қизиқиши орта борди. Маълум кишилар орқали бу мамлакатлардаги сиёсий вазият

ҳақида хабар топди. Хусусан хонликлар ўртасида низо мавжудлигини тушуниб етди. Шу боисдан у қўшнилар ўртасида янада кучлироқ нифоқ солишга уринди, бироқ кейин бу ниятидан қайтди. Пётрнинг саройида анча обрўга эга бўлган ва рус тилини пухта биладиган мусулмон — Хожа Нафис унга шундай деб ўқиди: «Ўзбеклар бир пайтлар Каспийга оқаётган Амударёни тўхтатиб Оролга буриб юборишган, акс ҳолда дарё ўзи билан сахро кумидаги олтинларни Каспийга оқизиб борарди». Хожа Нафиснинг ривоятлари ва юнон тарихчиларининг маълумотлари Пётр I нинг иккиланмай дадил ҳаракат қилишига сабабчи бўлади. У жиддий режа тузади: «биринчидан, миш-миш гаплар ва тарихий маълумотларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш мақсадида назарий тадқиқотлар олиб боришни кучайтиради, иккинчидан Амударёнинг эски ўзанини топиш ва ўз йўлига қайтариш, шунингдек барча хонликлари забт этиш йўлини излаб топиш, Амударёдан Еркентга қадар канал очиб Ҳиндистонга чиқиш».

Пётр I ҳадемай ўз режасини амалга оширишга киришди. 1714 йилнинг 20 майида князь А. Бекович-Черкасскийга Амударёнинг эски мансабини излаб топиб унинг Каспийга қуйилишини тўсиб қўйган тўғоннинг қаерда жойлашганини аниқлаш топширилади. А. Бекович-Черкасский ихтиёрига бир ярим минг ҳарбий ва турли харажатлар учун 5000 сўм пул маблағи ажратилади. У ниҳоятда изчил қидирув ишларини олиб борди ҳамда Хевадан 4 вёрст нарида Амударёнинг эски ўзанини топди. У маҳаллий кишилардан олтин сотиб олишга эришди. Бу маълумотлар 1715 йилнинг август-октябрь ойларида Пётр I га етказилди. Бироқ, князь Черкасский олиб борган геоморфологик тадқиқотлар ва янги тузилган харита асосида Амударёнинг Орол томонига одамзот эмас, балки табиат кучлари буриб юборганини аниқлади.

1716 йилнинг февраль ойида тадқиқотчи князь «Хевага бориб, хонни рус фуқаролигини олишга кўндиришга ҳаракат қилиш», тўғрисида буйруқ олади ҳамда мазкур амри вожибни сидқидилдан адо этиш учун казаклардан икки минг кишилик мадад кучи юборилишини сўрайди ҳамда «Амударё-

ни тўсиб қўйган тўғонни портлатиб юбориш ва ўша жойда қалъа бунёд этиш, боз устига агар денгиздан дарёга қадар йигирма вёрстлик канал қазिश керак бўлса, бунинг ҳам амалга оширишни» ўз зиммасига олади. Шундай қилиб, жаъми 6 минг солдат ва казак Хева томон саф тортади.

Князь А. Бекович-Черкасский аввалига қалъа қуриб олмоқчи ва сўнгра Хева хонлигини забт этмоқчи бўлади. Русларнинг хатти-ҳаракатини кўрган Шерғозихон Бухоро амирига чопар юбориб янги хавфдан уни хабардор қилади ва кучларни бирлаштиришни таклиф этади. Бухоро амири бу таклифни қабул қилмайди.

Шундан кейин, Шерғозихоннинг ўзи ниҳоятда мушкул вазифани ҳал этишга киришади. Хоннинг амри билан келаётган меҳмонни «хўрмат-эҳтиром ила кутиб олишга» қарор қилинади. Ҳеч қандай қуролсиз, бироқ байрамона кийинган кишилар шарқона совғалар билан князь ва унинг яқинларига пешвоз чиқишади. Бундай ажойиб учрашув князда катта таассурот қолдиради ва у «хонни кўндириш осонликча кўчадиганга ўхшайди» деган хаёлга боради. Шерғозихон эса унга ажойиб «сюрприз» тайёрлаб қўйган эди.

Навбатдаги учрашувни хоннинг шаҳар ташқарисидаги саройда ўтказиш таклиф этилади. Шерғозихон иккиланмай князнинг бошини танасидан жудо қилдиради ва яқин ҳамроҳларини ҳам ўлдиради. Казаклар ва солдатлар эса турли қишлоқлардаги хонадонларга жойлаштирилгани боис, бирлаша олмайдиган ҳамда кумлик чўлда сарсонсаргардон бўлиб қирилиб кетди.

Шундай қилиб, Пётр I нинг дастлабки илмий-истилочилик экспедицияси талофатга учрайди. Ана шу қирғинда денгиз поручиги А. Кожин омон қолади. Бунинг ортидан яна бошқа экспедициялар уюштирилади.

1717 йили ташкил этилган подполковник Ступин бошчилигидаги, сўнгра бошқа экспедициялар фаолияти ҳам муваффақиятсиз тугайди. Бу кезлар Пётр I швед урушида ниҳоятда банд бўлгани боис Мовароуннахр олтинлари хусусида ўйлашга вақт тополмайди.

Экспедициялар муваффақиятга эришолмагани ҳолда Пётр I одамлари ҳеч тиниб-тинчигани йўқ. Улар турли йўللار билан Туркистон заминига ке-

либ ўз илмий жосуслик ишларини давом эттираверишди. Масалан, рус элчиси Ф. Бекович Пётр I га йўллаган бир хатининг четларига шифровка билан махфий хабарларни кўшиб юборади. Унда жумладан шундай ёзилганди: «Амударё Самарқанд тоғларидан бошланади ва айниқса олтинга бой қумлари Бадахшондан Гиокча дарёсига оқиб келади. Ерли халқ тоғлардаги йирик олтинларни қазиб олади. Шунингдек, улар лойқа сой сувларига қўй терисини ёйиб кўйиб, сўнгра офтобда қуритадиларда, соф олтин зарраларини териб оладилар. Бу тоғларда олтин ва қумуш излаш ман этилган, уларни махсус сарбозлар кўриқлайди.

Бухоро ерларида мис, аччиқтош, руҳ ва темир ҳам топилади. Хеванинг Шайхжайли тоғларида қумуш маданлар мавжуд. Мазкур кондан хабар топган Хева хони Аронхон кўриқиб кетиб бир кончини тириклайин кўмдириб юборган. Чунки хазина дараги кўшни хонликларга етиб борса яна ганимлик бошланиши мумкин эди».

Хусусан рус элчиси ўз шоҳига шундай маслаҳат беради: «Агар Сиз ўз хазинангизни янада бойитиш ниятини ҳосил қилсангиз бу жойларга тадорик кўринг.

Чор атрофдан кўп хавф туғилмаслиги аён. Чунки, Хева, Бухоро ўзбеклари шунингдек Пантхон [атхой]лар ҳам бир-бирлари билан уришиб турадилар. Фақат ҳиндлар тинч, аммо уларнинг ҳам князлари ўзроқ уришишади. Тошкентликлар, қирғизлар, қорақалпоқлар ва қозоқлар ҳеч қачон Сизга халақит бермайдилар». («Посланик Петра I на Восток, посольства Флори Беневски в Персию и Бухару в 1718—1725 годах» китобидан).

Бироқ, ҳар қанча маълумотга эга бўлмасин, Урта Осиё хазинасини эгаллаш Пётр I га насиб бўлмади. Буни рус шоири А. С. Пушкин шундай эътироф этади: «Ривоят қилишларича Пётр икки армоқ билан кетди, бири — прусларга қарши курашдаги мағлуби-

яти учун Туркиядан, иккинчиси — Бековичнинг қатли учун Хевадан ўч ололмагани эди».

Хусусан, орадан 150 йил ҳам ўтди, руслар, 1865 йили Туркистон тупроғига кўшин киритдилар ва 17 июль кунини қиёмат жанглар билан Тошкентни забт этдилар. Ана шу кунлардан бошлаб Туркистон заминининг геологик тузилиши илмий-тадқиқот манбаига айланиб қолди. Руслар бостириб келган дастлабки йилларда Қўқон хонлигининг Косонсой, Сўхсой, Норин, Талас, Чирчиқ дарёлари бўйидан сочма олтинлар олиналди ва шаҳарларда ишлов бериларди.

1916 йилги маълумотларга қараганда Амударё этакларидаги Дарвоза, Белжувон, Кўлоб конларида 6000—7000 киши олтин ювиш билан банд эди. Улар йилига 40—50 пуд, деярли 800 кило олтин олишган («Рудный вестник», 1916 й. 2-сон, 80-бет).

Рус матбуоти ва илмий нашрларда Туркистон заминидан улкан олтин конлари борми-йўқлиги хусусида баҳсли мақолалар, башоратлар босилиб турарди. Жумладан, И. В. Мущкетов, В. Н. Вебер каби тадқиқотчилар қадимдан бу ерда олтин конлари мўл бўлганини, маҳаллий аҳоли кончилик билан шуғулланганини тан олганлари ҳолда, бирорта йирик конни топиш мушкул, деб ҳисоблашган. Г. Леонов эса, В. Бартольднинг асарларига таянган ҳолда Қўқон ва Бухоро хонликлари ўз олтин тангаларини зарб қилдириганига эътиборни қаратади ҳамда Туркистон ва Тяньшаннинг шарқий туманлари, Помир тоғининг шимолий қисмини истиқболли деб баҳолайди. У «Россия тасарруфидаги ерлар яқин келгусида яна олтин етказиб беришга ишончи қомил эканини билдиради. Шунинг ҳам айтиш керакки, Г. Леоновнинг илмий фаразлари мутлақо тўғри эди ва у келгусида геология амалиётида тасдиқланди. Ана шундан кейин қадимий Мавороуннаҳр ҳудудида жуда кўп конлар очилди. Булар — Қурама, Жанубий Томдитов, Нурота, Зиёвуд-



дин, Помир, Олой тоғларидаги ўнларча катта-кичик конлардир. Уларнинг аксари инқилобдан олдин ҳам инқилобдан кейин ҳам ишлайверди. Советлар замонида Ўзбекистон заминидан асл конлар сир сақланди. Матбуотда эса у ҳақда сўз бўлиши мумкин эмасди. Чунки конституцияга биноан бутун иттифоқ халқларининг мулки ҳисобланарди. Ана шу шир остида мазкур конларнинг бойлигини ҳисоб-китоб қилиш, заҳирасини аниқлаш — барчаси марказнинг ихтиёрига ўтиб қолган, 99,99 маркали қўйма ёмбиларга эса, ўзбек заминидан чиқарилганига қарамай «СССР» тамғаси босиларди. Бу бойликларни тасарруф этиш, яъни жаҳон бозорига чиқариш ҳам фақат марказнинг қўлида эди». Ҳаммасидан ачинарли жойи шундаки, ишчи-хизматчилар ҳам марказдан келтириларди.

Иншоолло, бу кунлар ортада қолаятти, Республикамиз мустақилликка эришди. Ер ости ва ер усти бойликларини ўз мулки деб эълон қилди. Икки асрлик тарихдаги энг йирик хатоимиз тўғриланди. Энди жумҳурият кўп соҳаларда ўз кадрларини тайёрлашга киришди. Биз олимларнинг орзуси, жумҳурият заминидан чиқаётган шу олтинларнинг муайян қисми миллий мутахассисларни тайёрлашга, илм-урфонга, яъни лаборатория ва билимгоҳларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга сарфланса нур устига аъло нур бўлар эди.

Ҳабибулло РАҲМАТУЛЛАЕВ,
геология-минерология фанлари доктори, «Буюк ипак йўли» илмий тадқиқот экспедициясининг етакчиси.

(Давоми. Боши 24-25-бетларда.)

Бу асар муаллифи 1455 — 1506 йилларда яшаган шоирнинг ўша вақтда Султон Мирҳайдар авлодларидан бўлмиш Жаъфарни билганлигига юқоридаги сатрлар далилдир.

Ҳамюртимиз Маҳмуд ибн Валининг «Баҳр ул аҳрор», яъни «Сирлар уммони» номли жуғрофий асарида Султон Мирҳайдар ҳикматлари ва табибликлари ҳақида бундай дейилади: «Биронтани ит қопса, у ўзининг кийимини ёки ёнидаги пулини сайийдларга садақа сифатида берса, ўз дардидан дарҳол ҳалос бўлади» (Юқоридаги асар, Тошкент, «Фан» 1777 й. 80-бет).

Демак, Ҳазрати Султон Мирҳайдар ва у кишининг авлодлари ҳақидаги ривоятларда ҳақиқат ўз аксини топгандир.

Султон Мирҳайдар мақбаралари атрофида араб ёзувида битилган қабр тошлари кўп. Замонлар ўтиб уларни оддий кўз билан ўқиш анча қийинлашган. Ҳозирги вақтда бир вақтлар халққа зиё тарқатган Касбидаги 12 масжид

бузилиб кетган. Фақатгина битта Тўлақорни масжиди дин аҳлига хизмат қилмоқда. Султон Мирҳайдар ёдгорликлари (жами 15 та)да олиб борилаётган таъмирлаш ишлари давр талабига жавоб бермайди. Қадимий обидани кўз қорачиғимиздек асрашга республика миқёсда қараш керак, Касбида янгидан комплекс археологик тадқиқотлар (қазимша йўли билан) ўтказиш кечиктириб бўлмайдиган ишдир. Шу йўл билан машҳур зиёратгоҳларни келгуси авлодларга етказишимиз мумкин.

ЯНА БИР ГАП. Утган йил декабрда Улянов тумани номи ўзгартирилиб, Касби номи берилди. Қадимий номи тикланди, ҳақиқат қарор топди. Касби руҳи қаддини ростлади. Бу руҳ — Султон Мирҳайдар руҳи, ўша минтақада яшаб ўтган авлоду аждодларимиз руҳидир. Мустақил Ўзбекистонга, истиқлолга, ўзлигини таний бошлаган халқимизга муносиб ишдир.

Обод ЖУРАҚУЛОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.



11 СОНИ

ТУФИЛГАН КУН СОНИ СИФАТИДА 11 ўзи қисқарадиган 2 сонидан бўлмаган ташаббускорлик хусусиятидан далолат беради. 11, шунингдек, 2 да бўлмаган қатъийлик хусусиятини кучайтиради. Бошқа жиҳатлардан эса уларнинг ўртасида фарқ йўқ.

ИСМ СОНИ СИФАТИДА 11 қатъийлик, тўқислик, соғлом фикр юритиш учун кун ва ҳаётийлик бағишлайди, бу эса инсон руҳини олий даражаларга кўтаради. Лекин кейин ҳамма нарса яна ўзгариши, 2 сонининг ҳаддан зиёд эҳтиёткорлиги ёки мағрурлиги 11 сонининг фаоллигини бузади ва ҳамма нарса қайтадан бошланади.

22 СОНИ

ТУФИЛГАН КУН СОНИ СИФАТИДА 22 сони 4 сонининг барқарор асосига кучли даражада мистицизм (тасаввуф, суфизм. — Таржимон изоҳи) руҳини беради, инсоннинг ички оламини ташқи оламдан устун қўяди. Бу ҳол эзгулик ёки ёвузликка, фойда ё зарарга олиб келиши шу одамнинг шахсига, феъл-атворидаги фазилатларга боғлиқ.

ИСМ СОНИ СИФАТИДА 22 ғалатилик ва даҳолик ўртасида кучли тебраниш уйғотиши мумкин. Бундай одам ихтирочилик ва тадқиқотчилик истеъдодига эга бўлгани ҳолда сирли, ўрганилмаган, тадқиқ этилмаган ва номаълум нарсалар билан шугулланади.

Нумерологияда инсондаги шахсий хусусиятларни таҳлил этишнинг хилма-хил усулларидан фойдаланилади. Қуйида энг оддий усуллардан бирини кўриб чиқамиз.

Аввалига инсонга табиат берган феъл-атворни очиб берувчи туғилган кун сони кўриб ўтилади. У туғилган кун санасининг рақамларидан олинади ва ШАХС СОНИ ҳисобланади.

Ривожланган хусусиятларни белгилаш учун эса исм сони олинади. Болалар учун у тўлиқ бўлмаган, яъни қисқартирилган (кичрайтирилган) исмдан иборат, кейинроқ унинг ўрнини одамнинг ўзи танлайдиган ва яқин кишилари ишлатадиган тўлиқ исм эгаллайди. У РИВОЖЛАНИШ СОНИ ҳисобланади.

Мабодо исм сони ўзгармас шаклда давом этаверса, одамнинг касби нуқтаи назаридан унинг аҳамияти ортаверади. Агар исм кескин ўзгартирилса, айтайлик, адабий ёки бошқача тахаллус олинган бўлса, янги исм аввалги ҳисобга асосланади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ОРТТИРИЛГАН СОН ҳисобланади.

Баъзи ҳолларда одамнинг дастлабки исми ҳам ривожланиш сони, ҳам орттирилган сон бўлади, бошқа — исм ва ота исмининг бош ҳарфлари қўшилган ёки тушириб қолдирилган ҳолларда эса у икки ўртада муҳим ўзгаришга олиб келиши мумкин.

Ҳар қандай исм, айниқса тахаллус қўшимча маълумотлар манбаи бўлиши мумкин.

Киши исмидаги унли ҳарфларнинг сон қийматини қўшиш ва элементар сонга қадар қисқартириш орқали олинган унлилар тебраниши АСОСИЙ ТАЪСИР СОНИ ҳисобланади.

Сон исмда бошқа нарсаларга нисбатан яққол устунлик қилиб турган ҳоллардагина қўлланувчи сон частотаси ҚУШИМЧА ТАЪСИР СОНИ ҳисобланади.

Нумерологиядаги қондалардан бирига кўра, агар ТУФИЛГАН КУН СОНИ ИСМ СОНИДАН ЮҚОРИ БУЛСА, демек, одам асосий қизиқишларига мойил бўлади, бу эса унинг исмидаги хусусиятлари ёки исмининг тебраниш сони ривожланишини қийинлаштириши мумкин. Ва аксинча, агар ИСМ СОНИ ТУФИЛГАН КУН СОНИДАН ЮҚОРИ БУЛСА, демек, бу одамда шухратпарастлик ва мана шу исм сони ифодаланадиган мақсадлар кўп бўлади, бинобарин, шахс табиий хусусиятлари ва майлларини шарт-шароитга ўзи танлаб йўналтиради. Бошқача айтганда, бундай одам шарт-шароитга бўйсунмайди, балки шарт-шароитни ўзи яратади.

ТУФИЛГАН КУНИ ВА ИСМИНИНГ СОНИ БИР ХИЛ БУЛГАН ОДАМ бир текис уйғун феъл-атвор ва ҳар қандай ишга осонгина кириша олиш қобилиятини ривожлантириш имконига эга. Бироқ бу унчалик маъқул эмас, чунки бундай уйғун сонларнинг умумий натижаси ноаниқликка олиб келиши мумкин.

ЯХШИ-ЁМОН КУНЛАРНИ АНИҚЛАШ

Яхши-ёмон кунлар борлигига кўпчилик кишилар ишонади. Табиийки, ёмон кунларнинг салбий таъсиридан қутулиш учун уларни билишни истайди.

Нумерологияда туғилган кун ва исм сонлари каби ҳар бир кун ҳам ўзига хос тебранувчи сонга эга.

Туғилган кун сонини оламиз. Айтайлик, 1946 йил 5 мартда туғилгансиз. $5 + 3 + 1 + 9 + 4 + 6 = 28 = 10 = 1$. Исми-гизнинг сони 6 дейлик. Энди ҳозирги кун сонини оламиз. Айтайлик, 1972 йил 26 декабрь. $2 + 6 + 1 + 2 + 1 + 9 + 7 + 2 = 30 = 3$. Энди ҳаммасини қўшамиз: $1 + 6 + 3 = 10 = 1$. Ана шу 1 сиз учун калит сон бўлади.

У ёғига сонларнинг қуйидаги жадвалига қаранг:

Яхши-ёмон кунлар жадвали

1	2	3	4	5	6	7	8	9
10	11	12	13	14	15	16	17	18
19	20	21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31					

1 — бир мақсадга қаратилган муайян ва бевосита ҳаракатлар куни. Ҳар қандай муаммони тезда ва самарали ҳал қилиш вақти. Янги амалий ишларни бошлаш, айниқса шартнома ва битимлар тузиш, нотариал ҳужжатлар билан ишлаш, ҳуқуққа оид ишлар билан шугулланиш, шунингдек, мураккаб бўлмаган, лекин зудлик билан бажарилиши лозим бўлган режаларни амалга ошириш учун яхши. Бу кун имкониятларни оширади.

2 — бевосита ва шошилинч ҳаракатларни талаб этмайдиган муаммоларни режалаштириш ва баҳолаш куни. Жамики эҳтимоллий қийинчиликлар ёнига яна журъатсизлик ҳам қўшилиши мумкин. Бу тафовутлар куни: ё яхши бошланиб ёмон тугайди, ёки аксинча, ёмон бошланиб яхши тугайди. Бу куни фаол ҳаракатлардан четда туриб, ишни бошқаларга қўйиб берганингиз маъқул. Ишингиз ҳаяжон ва хавотирсиз ўтиб, қониқиш берадиган ҳоллар бундан истисно, албатта.

3 — ҳар томонлама фаоллик ҳамда бошлаб қўйилган ва эски ишларни якунлаш куни. Даромадли иш билан қисқа-қисқа дам олиб шугулланган дуруст. Янги ишларни бошлаш, ҳамкорликда, шерикчиликда фаол ишлаш учун яхши кун, фақат диққат-эътиборингиз битта нарсанинг ўзига қараб қолмасин. Шу куни бошқаларга зарар етказиш, ишига ҳалақат бериш мумкин эмас. Ҳамкорликда тез ва дўстона иш бошлаш энг қийин муаммоларни ҳам аниқ ҳал қилишни таъминлайди. Бу кун хилма-хил, айниқса иш юзасидан бўладиган учрашувлар учун, сафар, саёҳат, хурсандчилик, ўйин-кулгу учун жуда яхши.

4 — одатдаги юмушлар ва унча катта бўлмаган ишларни якунлаш куни. Энг яхшиси — уйда қолиб, ўйлаб қўйилган, ўзингиз бажаришингиз керак бўлган ишга диққатни жамлаганингиз маъқул. Ҳар қандай ўйин-кулгудан воз кечинг!

Бу — ишга сарфланадиган кун. Лекин муҳим ишларни бошлаш ва чайқовчилик қилиш мумкин эмас. Ҳар икки ҳолда ҳам уринишларингиз зое кетади.

5 — қутилмаган, ногаҳоний ҳодисалар юз берадиган, жўшқинликка, ҳаяжонга, саргузаштларга тўлуғ кун. Уйлаб қўйган ишингиз арзигулик ва амалга ошиши аниқ бўлсагина таваккал қилинг. Мустаҳкам асосга эгаллигига ва зарурлигига ишонсангизгина янги режага қўл уринг. Яхши мақсадда бўлсагина саёҳатга чиқинг. Шу кунни узоқ қутилган муваффақиятга эришувингиз, аллақачон бошлаб қўйилган ишларнинг хайрли натижаларини кўришингиз мумкин.

6 — ихтиёрлик, ўзаро тушуниш, уйғунлик, шинамлик, эркинлик кунни. Шошилиш ва кескин ҳаракатлардан, ўйлаб кўрилмаган қарорлардан, янги иш, ташаббус бошлашдан, чақириқларни қабул қилишдан воз кечинг. Бу кун хўжалик ишлари, хилма-хил анжуман, умумий йиғилишлар, дўстлар ва ҳамфирқлар, қариндошлар ва яқин кишилар билан учрашувлар, зиддиятли ҳолатлар бўлмайдиган дипломатик ташрифлар учун яхши. Лекин шу кунни ҳар қандай ишончсизлик, ҳар қандай таваккалчилик ҳалокатли бўлиши мумкин. Бу кунда узоқ вақтлардан буён ишончли тарзда режалаштириб ва тайёрлаб келинган ишларингиз авжига чиқиши мумкин.

7 — фикрлаш, ўқиш, ақлий машғулот, илмий-тадқиқот ишлари, кашфиётлар, ихтиролар ёки улар расман тан олинадиган, шунингдек, санъатнинг барча турлари билан шуғулланиш кунни. Бошлаб қўйилган ишларни давом эттириш, маслаҳат ва тавсиялар олиш вақти. 7 сонига хос бўлган сирлилик бирон-бир нарса ёки иш ёхуд ҳодисага алоқадор



ТАРЖИМОНДАН: ўзининг яхши-ёмон кунларини ҳар қандай одам осонгина аниқлай олиши учун аввал шу кун сони топилиб, кейин унга туғилган кун сони ва исм сони қўшилади. Мисол келтираман.

Ушбу китобча таржимасини бугун — 1991 йил 9 ноябр (11-ой)да яқунладим. Хўш, бугун мен учун қандай кун? $9+1+1+1+9+9+1=31=3+1=4$. Демак, бугунги кун сони — 4. Энди унга туғилган куним сони 6 ва исмим сони 9 ни қўшиб чиқамиз: $4+6+9=19$. Бу ёғига икки усулда ҳисоблаш мумкин. Хоҳланг — жадвалдан 19-кунни топинг, у 1 нинг устунда, яъни у билан бир хил хусусиятга эга. Хоҳланг — ўзаро қўшинг, барибир 1 чиқади. 1-кун қандайлигини эса тегишли таърифдан кўриш мумкин.

Умуман, ҳар бир кунингиз 9 устундан

бирига тўғри келиши аниқ. Яъни, исталган кун сиз учун яхши-ёмонлигини топиш жуда осон. Бунинг учун, юқоридеги мисолда кўриб ўтганимиздек, исталган кун сонини топиб, туғилган кунингиз сони ва исмингиз сонига қўшасиз. Чиққан сон тўққизта устундан қай бирида турганини аниқлаб, ўша устун тепасидаги сон таърифини ўқийсиз.

Фақат бир нарсани унутманг: яхши-ёмон кунлар жадвали ёлғиз сизга тегишли, холос. Масалан, сиз учун яхши кун бошқа биров учун ёмон бўлиши мумкин ва ёки аксинча. Чунки яхши-ёмон кунингизни сиз ўз туғилган кунингиз сони ва ўз исмингиз сони ёрдамида топаёпсиз. Бошқача айтганда, сиз туғилган кунингизданоқ яхши-ёмон кунларингиз бошланган, улар ҳар 9 кунда такрорланиб, умрингиз бўйи давом эта-



САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ички ҳиссиёт рўёбга чиқишига ёрдам бериши мумкин. Кўпинча у бахтли кунга айланади.

8 — йирик ва муҳим ишлар кунни. Шиддатли воқеалар хайрли натижалар келтиради, муҳим ва жиддий қарорлар тез ва осонгина амалга ошади, молиявий битимлар ва бирон ишга сарфланган маблағ катта даромад келтиради. Йирик миқёсдаги мақсад майда ташкilotларни трест, концерн, ассоциация ва федерацияларга бирлаштиришни тақозо этади.

9 — яқунлар кунни, орзулар рўёбга чиқадиغان, режалар амалга ошадиган кун. Истиқболли ишларни бошлаш, муҳим режаларни эълон қилиш, алоқа ва мулоқотларни кучайтириш учун яхши. Шахсий муваффақият, айниқса ижод аҳли учун обрў-эътибор кўриш кунни, савдо ва молиявий ишларда қулай имкониятлар кунни.

Хуллас, муҳтарам ўқувчи, яхши-ёмон кунни аниқлаш учун туғилган кунингиз сони, исм-фамилиянгиз (хоҳланг, фамилиянгиз, исмингиз ва отангиз исми ёхуд тахаллусингиз) сони ва шу бугунги кун сони ўзаро қўшилади.

Яъни, нумерология сирларидан кундалик ҳаётингизда жамики ишларда бемалол фойдаланишингиз мумкин.

Яъни, бу кунлар фақат сизга тегишли, бошқа ҳеч кимга алоқадор эмас. Бинобарин, яхши-ёмон кунлар жадвали календардаги оддий ой кунлари эмас мутлақо. Балки яхши-ёмон кунлар жадвали нумерология қонунларига кўра, туғилган пайтингизда худди кафтингиздаги чизиқлар каби табиат фақат сизгина атаган шахсий совға.

Сўзимнинг охирида нумерология сирларидан кундалик ҳаётингизда фойдаланишда сизларга омад тилаб қоламан. Ушбу китобчани ойнома саҳифаларида тўлиқ ўқий олмаган муштарийлар уни кўчириб олишга овора бўлмасинлар. Уни фойдаланишга қулай бўлган ихчам тарзда алоҳида нашр этаёلمиз. «Исмингиз яхшими, ёмонми?» номли китобча чиқишини кузатиб юринг.

БУДДА ҲАЙКАЛИ ИЧИДАГИ КИТОБЛАР

Диёнатли ва ишончли кишилар энг қимматбаҳо китобларни Тибет монастыридаги Будда ҳайкали ичига яширганлар. Улкан Будда ҳайкалининг пастки қисми китоб қўйиш учун жавон шаклида ишланган ва яхшилаб ниқоблаб қўйилган. Урта асрларнинг хавф-хатарли пайтларида (фақат ўрта асрларда эмас, балки ундан кейин ҳам) ҳамма нарса талон-тарож қилинди. Лекин муқаддас китоблар ишончли жойда сақланаётгани учун уларни йўқотишга қўриб-лари етмади. Чунки жамоа кириб ибодат қиладиган

монастирдаги Будда танасида қимматбаҳо нарсаларни сақлаш ман қилинганлиги учун ҳам ҳайкалга тегилмаган.



КАТТА ҚОРИН САЛОБАТИ

Шарқий Осиёда ким бой, обрўли ва кучли бўлса шу кишининг қорни катта бўлади дейишади. Қорин қўйиш бу ерда айб эмас, аксинча қорни йўқ эркак салобати йўқ деб ҳисобланади. Малайзиянинг Перанг штатидаги Муҳаммад Аванг энг салобатли эркак. Унинг бел айланаси 137 сантиметр бўлиб, мусобақада олти рақибни устидан ғалаба қозонди. Бундай анъанавий мусобақалар турли «мисс...» ва «мистер...»лар конкурсидан аввалроқ пайдо бўлган.





дирки, у инсон шахсиятидаги энг яхши сифатларни намоен эта олади. Шунинг учун ҳам қовушганда нафақат таналарнинг ҳароратинигина эмас, балки, қалбларнинг ҳароратини ҳис эта билмоқ керак. Бутун инсоният ҳаёти мобайнида барча улуг зотлар жинсий яқинликни муқаддас бир ҳодиса деб билганлар, зеро шу яқинлик туфайли инсоният аввалига жисмоний, сўнгра руҳий маънавий тараққиётга қадам қўяди.

Дастлабки жинсий яқинликка енгилтаклик билан қараш нотўғри бўлади. Бу яқинликнинг юзага келишида бир-бирига шунчалар интилиш керакки, у ошиқнинг ҳам машуқанинг ҳам қалбига бир умрга етарли гўзаллик нашёлларини қолдирсин.

Хўш жинсий ҳаётни қандай қилиб тўғри ва мақсадга мувофиқ тарзда бошлаш мумкин! Энг аввало жинсий ҳаётга қадам қўювчи ёшлар ўзаро майл, кўнгил тортиб туриш ва чин қалбдан ҳурмат-эҳтиром ҳисси, қолаверса бир-бирларининг синовларидан ўтишлари узоқ бахтли турмуш кечириш, шунингдек жинсий ҳаётлари маромида бўлиши учун кафолат бўла олади. Бунинг учун эса йигит ва қиз турмуш қўғунларига қадар бир-бирларига яқин юришлари, бир-бирларини яхши билиб олишлари керак. Ана шу танишув даврида улар бир-бирларига нисбатан дўстона муносабатда бўлганлари боис, никоҳнинг дастлабки кунларида бегонасирашларига ўрин қолмайди. Шунинг учун ҳам тўй арафасида икки ёш бир-бирларини жуда яхши билиб олгандек ҳис этадилар. Балким шундайдир,

ТИЛСИМЛИ КЕЧА

Ибн Сино номидаги Ўзбекистон республикаси нашриёти тиббиёт фанлари доктори, профессор Барот Раҳматовнинг «Қулоққа айтилдиган гаплар» деб номланган асарини босмадан чиқарди. Тажрибали олим ва шифокор ушбу китобда йигит ва қизларнинг жинсий тарбиясига кенг ўрин беради ҳамда ўзининг узоқ йиллик иш фаолиятида юз берган жонли мисоллар асосида ҳикоя қилади. Қўйида ана шу асардан бир парчасини диққатингизга ҳавола этамиз.

Бироқ, ўзаро «танишув» бу пайтга келиб ҳали ўз ниҳоясига етмаган бўлади, у яна кўп давом этиши тайин. Энди иккита «Мен»дан ягона ва мустақкам «Биз»ни яратиш керак. Никоҳнинг дастлабки даврини энг ёқимли ва бахтиёр турмуш деб аташ қабул қилинган. Лекин, худди ана шу давр жуда мураккаб кечар экан.

Ёш келин-куёв кўп ҳолларда биргаликдаги турмуш улар олдида қандай синовларни рўпара қилишини хаёлга ҳам келтирмайдилар. Кўплар эса жуда ажойиб ҳулоса чиқарадилар, гўёки «Бахт уйи»да қайднома рўйхатиға киритилгач, уларнинг бахтиёр ҳаётлари бошланади, қўяди, деб ўйлайдилар. Бироқ, ҳаётда бундай бўлиши ниҳоятда ноёб ҳодисадир. Одатда ёш эр-хотинда ўзаро бир-бирининг хато-камчиликларига кўникиш учун сабр-тоқат етишмайди. Қолаверса улар жинсий уйғунликка дафъатан эришиб бўлмаслигини, у ниҳоятда мураккаб ҳодиса эканлигини тушуниб етавермайдилар. Бу омилни биргаликда қўлга киритиш зарурлиги анча кейинроқ намоен бўлади. Бироқ бу қийинчиликларни бартараф этиш учун муайян даражада ажлу заковат ва инсоний фазилатлар даркордир. Баъзи ёшлар эса жинсий алоқа нималигини яхши билмаганлари боис, илк жинсий алоқадан чўчидилар. Улар бу имтиҳондан «яхши» ўтишларига шубҳа қилишади. Бироқ агарда ана шу шубҳалар остида дастлабки саъй-ҳаракатлари муваффақиятсиз чиқса борми, унда узоқ муддатга жинсий яқинлик лаҳзаларида юз берадиган миядаги тормозланиш (тўхталиш) жараёни — руҳий импотенция вужудга келиб, ундан осонликча қутилиш мушкул бўлиб қолади. Мана шунинг учун ҳам дастлабки жинсий яқинлашувда шошқолоқлик ярамайди. Шунинг учун бу яқинлик никоҳнинг биринчи кечасига тўғри келиши ҳам шарт эмас. Бу ўринда шунчаки хоҳишнинг ўзи камлик қилади. Уни ниҳоятда интиқлик, ўзаро оташин муҳаббат, жўшқин ҳис-ҳаяжон яқинлаштирмоғи лозим. У йигит учун ҳирсий, шаҳвоний, мақсадни қондириш, йигитлигини намойиш этиш ҳодисаси бўлиб қолмаслиги керак. Ёшлар биргаликда турмуш қуриш учун аҳд қилишган экан, аввало бир-бирларига кўникиб олмоғи тобора ажралмайдиган даражада иноқ бўлишлари, ҳатто жинсий яқинлик улар учун навбатдаги ҳодиса бўлиб қолмоғи керак. Ҳар икки томон очиқ-ойдин яқин-

Инсон ҳаётида дастлабки жинсий яқинлашув муҳим воқеадир. У шу кезгача иккита қарама-қарши жинс вакили ўртасида мавжуд бўлган руҳий ва жисмоний бўшлиқ ўрнини тўлдиради ҳамда ҳаётнинг энг теран тилсимларидан бирини очиб беради. Жинсий ҳаётга қадам қўйилиши билан катта ҳаёт китобининг янги саҳифаси очиладики, у мазмун-мундарижаси ниҳоятда бой, шу вақтга қадар маълум бўлмаган жинсий ҳис-туйғулар ва кечинмалар оламига олиб киради. Тўйдан кейинги бу кунлар янги никоҳланганлар учун шундай бир даврки, унда эр-хотин ўзаро синашта бўладилар, ҳамкорликдаги турмушнинг ниҳоятда мураккаб ва муқаррар тажрибасини ўтайдилар.

Иккала ёш ҳаётга қадам қўяр эканлар ўз жинсий ҳаётларини ҳам бошлайди. Шуниси аёнки, бу масъулиятли вазифани бажариш йўлида қийинчиликлар ва қарама-қаршиликлар мавжуд. Чунки, физиологик омил айна пайтда ижтимоий ҳодиса ҳамдир, зеро у оиланинг мустақкам бўлиши ва турмушнинг истиқболли кечиши учун катта аҳамият касб этади.

Жинсий алоқани фақатгина «яланғоч физиология» деб тушунувчилар хато қилишади. Чунки жинсий яқинлик ошиқу машуқа учун мушаклар хатти-ҳаракатининг ўзигина эмас, жинсий алоқагина эмас, балки энг аввало кўнгил кечинмаларининг ва энг яхши, ёқимли ҳис-ҳаяжон тантанаси-



лик сезмоғи даркор. Ана шундагина дастлабки жинсий яқинлик ўз-ўзидан табиий равишда гўё аввалги иноқликларининг тўлдирувчи омил сифатида юзага келади.

Турмушдаги дастлабки онларда эрнинг имкон қадар эҳтиёткор бўлиши ҳамда босқилиги ниҳоятда зарурий хусусиятлардандир. Чунки, аёл бу лаҳзаларда ўз жинсий ҳаёти учун омилларни ўзлаштира бориши лозимки, бу омиллар мутлақо нотаниш кечинмаларга қўшилиб кетади. Келин аввалига ана шу тушунарсиз кечинмалардан чўчийди, кўиниколмайди ва ҳатто унда куёвга нисбатан нафратланиш ҳисси ҳам уйғонади. Шунинг учун ҳам эр ниҳоятда зийрак ва мулоим бўлгани маъқул. Зеро, жинсий ҳаётнинг бошланиши катта ташвиш ва ҳаяжон билан кечадиган жараёндир. Аёلнинг биринчи жинсий яқинлашувининг ўзи эркак олдидаги розилигидир. Бу хотинлик бурчига садоқатнинг белгисидир.

Ҳақатгина шундан кейинги жинсий ҳаётнинг изчил давом этиши оқибатидагина хоҳишлар уйғунлиги вужудга келади ҳамда эр ва хотин табиатнинг инсон учун тортиқ қилган хуш кечинмалари қувончини туйиш бахтига сазовор бўлади.

Йигит киши, дастлабки яқинлашувда ниҳоятда эҳтиёткор бўлиши, бу пайтда дефлорация ҳодисаси юз беришини назарда тутмоғи лозим. Қизлик (ҳаё) пардасини йиртиш учун эса кескин эмас, балки оҳиста, лекин изчил ҳаракат қилишга тўғри келади. Бунда иккита тўсиққа дуч келинади: руҳий ва жисмоний тўсиқ. Зеро қиз, бу яқинлик натижасида юзага келадиган оғриқнинг қанчалик даражадалигини тасаввур эта олмайди ва умуман бу ҳодисадан қўрқади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, қизлик пардасининг мавжудлиги ҳар доим ҳам унинг аввал турмуш қурмаганидан далолат бўлавермайди. Масалан, туғма қизлик пардаси бўлмаган аёллар ҳам бўлади. Қолаверса бу парда турли жароҳатлар ёхуд қизларнинг ёшлигида чаққон ювинтирилганда ҳам унга халал етиши мумкин. Ҳайздан сўнг қин ювилаётганда қилинадиган эҳтиётсиз хатти-ҳаракатлар, спорт билан шугулланиш, велосипед ҳайдаш ҳам шундай оқибатларга олиб келади. Агар шундай бўлса, дастлабки жинсий алоқада қиз ҳеч қандай оғриқ сезмайди, қон ҳам чиқмайди.

Жинсий алоқани нормал амалга оширишда шарт-шароит ва ўзаро илиқ муносабатлар катта аҳамият касб этади. Эркак доимо ўз аёлини руҳий жароҳатлардан муҳофаза этиши лозим. У аёлини ниҳоятда эҳтиёткорлик билан асраб-авайлагани ҳолдагина, руҳиятини тушуна билганидагина муайян даражада табиий бўлган қарама-қаршиликлар ҳамда шартли рефлекс натижасида юзага келадиган тўхталишларни бартараф эта олади. Бу нарса айниқса, биринчи никоҳ кечасида аён бўлади. Чунки биринчи никоҳ кечасида қиз бўлғуси жинсий яқинликдан ниҳоятда хавфсираб, қаршилик кўрсатишга тайёр бўлади. Жисмоний зўрлик ва умидлари пучга чиқиш билан бошланган жинсий ҳаёт келгусида ўнгланиб кетиши қийин бўлади. Айниқса, жинсий яқинлик тўғрисида тўғри тасаввурга эга бўлмаган қизлар, қолаверса дугоналаридан жинсий яқинлик хусусида ҳар хил совуқ гапларни эшитиб юрган бўлса, ҳаётини ҳақиқатга дуч келганда унда руҳий зўриқиш пайдо бўлади.

Эр-хотинликнинг дастлабки кунлари ижобий кечиши ва дастлабки жинсий яқинлик муваффақиятлари турмушнинг келгуси давлари учун ҳам хизмат қилади. Масалан, аёлининг ихлосини қайтариб, масхараомуз ҳаракатлар қилиш, унга ниҳоятда ёмон таъсир кўрсатади. Шу боисдан аёл учун уйдаги шарт-шароит, яхши муомала, меҳрибонлик, жон куйдириш, кўнглини кўтариш каби омиллар уни тобора жинсий яқинликка чорлайди. Ана шунда аёл жинсий алоқага нисбатан гўзаллик ва нафосат бахшида этгуси келади. Баъзан эса аёлнинг дастлабки кунлардаги совуқонлиги ҳам эркакда ёмон кайфият уйғотиши мумкин. Бироқ навжувон учун бу оддий бир ҳол эканлигини ҳам унутмаслик керак. Эрининг яхши муомаласи ва меҳрибончилиги натижасида бу совуқонлик ўрнини жинсий ҳарорат ва жўшқинлик эгаллай бошлайди. Ноўрин талаб ва қўполлик эса аёл руҳини жароҳатлаши ва бу совуқонликнинг узоқ вақтгача сақланиб қолиши учун хизмат қилади.

Ёш келин-куёв бир-бирларига шу қадар муроса қилиш-

лари зарурки, жинсий яқинлик туфайли улар ҳар иккаласи тўла қониқиш ҳосил қила олсинлар. Бу нарса келгусидаги жинсий ҳаётлари учун ниҳоятда зарурдир. У оилани мустаҳкамлаши муқаррардир.

Эр-хотин бир-бирларининг жинсий ҳислари кучининг ўзига ҳосликларини тушунишга ҳаракат қилганларида, уларда секин-аста муайян жинсий вази (ритм) қарор топади ва жинсий қониқиш ҳисси эр-хотинда баробар келиши кузатилади. Бу ҳам бўлса, энг аввало жинсий ҳаёт масалаларида очиқ-ойдинлик ҳамда ўзаро муомалалага боғлиқдир.

Эр-хотиннинг жинсий алоқадаги уйғунликлари тўғрисида гапирганда, бу ўринда ҳеч қандай майда-чуйда нарса йўқ, уларнинг ўзаро муносабатларида, айниқса интим муносабатларида ҳар доим зийраклик ва хушёрлик даркор. Албатта камдан-кам ҳоллардагина эр-хотиннинг жинсий имкониятлари ва жўшқинликлари мос келмай қолиши мумкин. Лекин, бу омил ҳам биргаликда бахтиёр турмуш қуриш учун ҳалақит беролмайди.

Эр-хотиннинг жинсий қайғуришлари улар ўртасидаги муносабатларда ва яна ҳаётнинг кўп томонларида уйғунлики юзага келтиради. Демак, эр-хотин ўзаро жинсий уйғунликка эришишлари зарур. Ана шу ҳолатдагина киши ўз севиликсиз учун ҳар нарса қилишга, ҳатто жонини фидо этишга ҳам тайёр бўлади.

Эркак ва аёлнинг ҳиссий уйғунлиги инсон бахтининг асосларидан биридир. Зеро эр-хотиннинг жинсий ҳаётлари ўзининг илк босқичида меъёрида кечса ва ҳар иккала ёшни қониқтирса, яна бошқа ўзаро боғловчи омиллар ҳам пайдо бўлаверади. Бу омиллар ўз навбатида турмушни мустаҳкамлайди ва ҳар қандай хавфдан сақлаб қолиш учун хизмат қилади. Лекин, мабодо, эр-хотинликнинг дастлабки даврида жинсий яқинлик яхши кечмаса ва турли низоларга сабаб бўлса, ўзаро бир-бирларига ҳурмат йўқолса, бу нарса албатта бутун турмуш давомида ҳаётга раҳна солаверади. Бунда энди ўзаро мавжуд ишқу муҳаббат ҳам ўз кучини йўқотади, ўзаро ишонч, фидойилик каби оила ришталарининг боғловчи омиллари барҳам топади.

Аёл гарчи ҳар гал таслим бўлса-да, забт этилишини хоҳлайди. Бироқ устакор забт этилиш билан бешафқат тажовуз олдида фарқ бор. Муомалани яхши билган эркак, жинсий яқинлик қилиш пайти келганини пайқаб, илғаб олмоғи даркор. Яъни ҳар икки томондан истаклар мос кела бошлаганда ҳамда аёлнинг енгилгина қаршилиги, шунчаки тортинишдан бўлак нарса эмаслигига ишонч ҳосил қилинганда яқинлик онларига жуда ҳам етилади.

Аёлдаги жинсий қўзғалиш сеvimли кишисининг унинг атрофида парвона бўлишидан, мулозамат қилишидан келиб чиқади.

Янги оила қурган ёшлар кўпинча бир хатога йўл қўядилар. Маълумки, тўй арафасида бир-бирларига ёқиш учун улар яхшироқ кийинишга, ҳар қачон батартиб бўлишга, меҳрибонлик кўрсатиш, диққат-этиборли бўлишга ҳаракат қиладилар. Лекин, тўй бўлиб ўтгач, улар ўзларига унчалик эътибор бермай қўядилар. Муомалаларида илтифотсизлик, кийинишларида бепарқлик, одмиллик пайдо бўлади. Келинчаклар аввалгича пардоз этмай қўядилар. Натижада ўзаро қандайдир жайдариллашиш кузатилади. Шунинг учун ҳам ёш келин-куёвлар ҳар доим «форма»да бўлишлари, имкони борича ўзларининг ижобий томонларини кўрсатишга ҳаракат қилмоқликлари лозимки, бу ҳам бўлса, ўзаро ёқимлилиқ, истараси иссиқликни сақлаб қолиш билан боғлиқдир. «Онани отанга бепардоз кўрсатма», деган нақл ҳам бежиз айтилмаганда, ахир.

Умумий жисмоний кўркамлик билан бирга гигиена қондаларига риоя этишни ҳам унутмаслик керак. Шунингдек, камҳаракатли турмуш тарзи ва ортиқча овқатланишдан ҳам ўзини тортиш лозим. Чунки бундай одатлар қад-

ди-қоматингизни бузади. Шу боисдан ҳам бадан тарбияга аҳамият бериш керак. Ана шунда сиз ўз мушакларингизни машқ қилдириб тетиклантириб оласиз, бу эса қоматингизни кўркам сақлашингиз ва енгил-чаққон ҳаракатланишингизга ёрдам беради.

Турмушда доимо ҳис-туйғуларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш зарур. Вақт ўтиши билан бу ҳис-туйғулар эр-хотинликдаги энг олий босқичи — кўнгилларнинг айрилмаслик даражасига етишади. Бу босқичда эр-хотин бир имо билан ҳам бир-бирларини тушунадилар. Меҳру муҳаббатнинг дил яқинлигига айланмоғи бу жуда мураккаб, ихтиёрий равишда бажариш мушкул бўлган вазифадир.

Ҳис-туйғуларни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш учун эр-хотинликдаги зерикарлик ва одмиликдан халос бўлиш лозим. Муносабатлардаги бир хиллик ўзаро бир-бирдан «тўйиш» кўнгил совишига олиб келади. Ҳатто бир вақтлар «кўз қирини ташлаган кишисига» нисбатан соғинч ҳам уйғонади. Ешлигини қўмсайди.

Шуни унутмаслик керакки, жинсий ҳаётда бир киши иккинчисидан, иккинчиси биринчисидан кўнгил тўлгандагина ҳар иккалалари бахтли бўла оладилар.

Эр-хотин ўртасидаги аҳиллик маромини кўп нарсалар белгилаб бера олади: турмуш тарзи, руҳий ва жисмоний жўшқинлик, маданий-маънавий қиёфа, ҳиссиёт бойлиги,

ўз ҳис-туйғуларини жиловлай билиш, керак вақтда ҳатто беихтиёрий хатти-ҳаракатларни тўхтата оладиган ирода.

Эр-хотин доимо бир-бирларини юқори ҳиссиёт даражасида, кўтаринки руҳда, яхши кайфиятда бўлиш учун қўллашлари, доимий бирга куйиниш, бирга қайғуриш, бирга севинишлари керак. Бу оддий инсоний эҳтиёжлардан кўра зарурроқдир. Бу эҳтиёж қондирилмагунча, тўла муваффақият, яъни оилавий бахтга сазовор бўлинмайди. Аёл киши ўзининг нозик ва нафис туйғулари, зийраклиги, нафосатни туйиши, табиатан муомаласи, ҳаётдаги майда-чуйдаларга ҳам гўзаллик бахш эта олиши билан фахрланса арзийди. Аёл ўзидаги ана шу сифатларни оилани мустаҳкамлаш учун хизмат қилдирмоғи керак.

Эр ҳам ўз навбатида аёлининг ўзига хос эҳтиёжларини унутмаслиги, имкони борича уни бахтли қилишга интиломоғи лозим. Умуман эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва иззат доимо устунлик қилиши зарур. Бу уларнинг жинсий ҳаётларига ҳам бирмунча ижобий таъсир кўрсатади. Эр-хотин тотувлиги ва ўрталаридаги ҳурмат, ҳушмуомалалик ота-ондан фарзандларга ҳам ўтиши табиий ҳолдир. Улар ўртасидаги муҳаббат туйғуси, бир-бирига кўмаклашиш истаги, қувонч бахшида этиш, диққат-эътиборли бўлиш, қайғуриш, софдиллик оила бахтининг таянчидир.

ЧИПҚОННИ ДАВОЛАШ

Мазкур рукни халқ табиби
АБДУЛАЗИЗ САИД НУРИДДИН УҒЛИ олиб боради



Табобат
саҳифаси

Халқ табобатининг асрлар оша ривожланиши натижасида ҳозирги замон медицинаси келиб чиқди. Хорижий мамлакатларда халқ табобати ҳозирги замон медицинаси билан ёнма-ён туриб халққа хизмат қилиб келмоқда. Бизнинг собиқ мамлакатимизда эса КПСС-нинг бемаъни сиёсати туфайли халқ табобати қувғин қилинди, натижада неча минг йиллар ичида йиқилган даволаш тажрибалари йўқ бўлиб кетишига озгина қолди. Ачинарлиси шуки, халқ табобати қувғин қилинишида партия аъзоси бўлган бир қанча медицина ходимлари ҳам фаол қатнашган. Аслини олганда, медицина ходимлари ҳеч қандай партияга аъзо бўлмасликлари керак. Бугунги куннинг асосий вазифаларидан бири кўп минг йиллик халқ табобатининг даволаш усулларини ёзма равишда эълон қилиш ва халқимиз саломатлигини яхшилашда замонавий медицинамизга кўмаклашишдир. Шу мақсадда ойноманинг ушбу сонидан бошлаб халқ табобатининг тавсияларини бериб борамиз. Мухтарам муштарийлар! Бу муолажалар сизга наф келтирса ёхуд бирон масалада тавсия олишни истасангиз табиб номига икки энли мактуб йўлланг.

ЧИПҚОН халқ тилида таги катта яра, учи йўқ яра каби номлар билан ҳам машҳур. У шамоллаган одамнинг юзига, бўйнига, сонига ёки бошқа аъзоларига чиқиши мумкин.

Демак, чипқонга шамоллаш сабаб бўлади, уни табиий йўл билан даволаш керак. Бунинг учун сариқ ёки оқ пиёз орасидан сиёҳ рангидаги, яъни сафсар рангли

пиёздан бир донасини олиб ёниб бўлган ўтнинг қўрига кўмиб пишириш керак. Қўр тайёрлашнинг иложи бўлмаса, газ плитанинг духовкасида пиширса ҳам бўлади. Пиёз 10—15 дақиқада пишгач уни қўрдан олиб, устки қатламидан бир қаватини тозаланади, сўнг ўртасидан кесиб, икки паллага ажратилади. Сўнгра пиёзнинг бир палласини кесилган томони билан яра

устига қўйиб, устидан бир қават дока билан ҳовол [бўшроқ қилиб] боғлаш лозим. Пиёз палласи 2—3 соат тургандан кейин уни олиб ташлаб, иккинчи паллани истиб қўйиш лозим. Бу ишдан мақсад — пиёз ёрдамида яранинг ичидаги йирингни пишириб, пасодга айлантириш ва чиқариб ташлаш. Бунинг учун баъзан бир неча пиёзни пишириб, паллалаб қўйишга тўғри келади. Яра тез ёки секин даволаниши унинг катта-кичиклигига, даволаш эрта ёки кеч бошланишига, шунингдек, беморнинг миждога боғлиқ. Пиёз қўйиб бориш натижасида яранинг йиринги пишиб, пасод ташқарига ўзи отилиб чиқиб кетади.

Энди ярани марганцовкали илиқ сувда юйиб, стрептоцид селиб, ҳовол боғлаш керак. Даволаниш даврида бемор совуқ сув ичмаслиги, совуқ овқат емаслиги ва айниқса, шамолламаслиги шарт. Шунингдек, суюқ хамир овқат истеъмол қилиш, кўк чой ичиш ҳам мумкин эмас. Сиёҳ ранг пиёзни ўтга кўмиб, у билан ярани даволаш шамоллаш орқасида пайдо бўлган ҳамма яраларга тааллуқлидир. Тўғри, бундай яраларни пиёздан ташқари турли малҳамлар билан даволаса ҳам бўлади. Бироқ кўпчилик бунни билмайди, чунки малҳам асосан халқ табиблари томонидан тайёрланади. Шуни ҳисобга олиб, чипқонни даволашнинг энг содда усулини баён қилдик.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН РУз «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 3—4 [449—450] 1992 г.

Қўлёзма ва расмлар Саҳифаловчи Ҳалима УСМОН қизи қайтарилмайди. Бадиий муҳаррир Уста ВАЛИ


Ойномамиз мақолаларидан фойдаланилганда «Фан ва турмуш»дан олинган» деб кўрсатилиши шарт.

Унвонимиз: 700000, Тошкент, ГСП (П), Гоголь кўчаси, 70. Телефон 33-07-05.

Теришга 21.01.92 йилда берилди. Босишга 14.02.92 йилда руҳсат этилди. Қоғоз 60×90¹/₈. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Ҳисоб-нашриёт т. 5,0. Нухсаси 325071. Буюртма 126. Нашриёт № 838. Нархи 4 сўм.

Ўзбекистон Жумҳурият «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босма-хонаси, Тошкент шаҳри, ГСП, 700083, «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

© «Фан ва турмуш».



О дамзод дунёни таниб табиат ва жамият тузилишини англай бошлагач оламнинг тузилиши, айниқса одам руҳияти, унинг ички дунёси ҳақида турли қарашлар, хилма-хил таълимотлар яратила бошланди. Маълумки, дунёдаги барча динларнинг ўз таълимоти бўлиб, моҳият эътибори билан бир мақсадга — худога сифиниш, унга топиниш ғоясини илгари суради. Ойномамиз мухлисларига маълумки, биз ўтган йилдан эътиборан мана шундай йирик оқимлар, таълимотлар ҳақида мақолалар бериб боришни ваъда қилган эдик. Эндиги навбат Кришна таълимоти хусусида. Ушбу сонда бу ҳақда махсус мақола чоп этилмоқда.

Кришна таълимоти ҳақида Шри Шримад А. Ч. Бхактиведита Свами Прабхупада ёзган «Бхагавад-гита» каби китоблар дунёдаги ўнлаб тилларга таржима қилинган. У яна Бутунжаҳон «Кришна онги» жамиятига ҳам асос солган.

Кришна абадий рафиқаси Шримати Радхарана билан.

Кришнанинг ўзи жангга кирганда у томондаги жангчилар қўрқув нималигини билишмасди.





ISSN 0134—4560
индекс 75421
ЎАН ТА ТУРМУШ

нархи 4 сўм

Хиндистон ҳақида сўз борганда ҳамisha ажойиботлар ўлкаси дегимиз келади. Дарҳақиқат, салкам бир миллиардга яқин аҳолиси бўлган бу мамлакатда ўнлаб миллий қўриқхоналар барпо этилган, унинг асрий табиати асл ҳолича сақланиб келинмоқда, ҳайвонот оламини айтмайсизми. Узи бир дунё.

